

49

M-30

Мавжудахон Мамадиева

ЎЗБЕК ТИЛИДА
ИЛМИЙ УСЛУБНИНГ
СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

«Фан»

1959
49
M-30

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ўzbek filologiyasi
fanlari
ZAL

МАВЖУДАХОН МАМАДИЕВА

ИЛМИЙ УСЛУБНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ўзбекистон миллий универ-
ситетига.*

*Қўқон ДТИИ Ўзбек тили ва
грамматика кафедрасига.*

49M.322430.-56



Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти

7851

2008

15

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO‘TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Мазкур монографияда илмий услубнинг шаклланиш ва ўзига хос хусусиятлари, шохобчалари, илмий услубда баённинг техник-услубий хусусиятлари, экспрессивлик масалалари, гапнинг коммуникатив мақсадга кўра турлари, сўз тартиби, тасдиқ ва инкор гапнинг хусусиятлари, бир бош бўлакчи гаплар, кесим ва мураккаблашган содда гапларнинг илмий услубга хосланиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Илмий ва бадиий асарлардан олинган мисолларни ўзаро қиёслаш орқали илмий услубнинг ўзига хос синтактик хусусиятлари ёритилади.

Монография олий ўқув юртларининг ўзбек филология факультети талабаларига, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг тил ва адабиёт ўқитувчиларига, ўзбек тили билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори М.ҚУРБОНОВА

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Х.ШАМСИДДИНОВ,

филология фанлари доктори О.БОЗОРОВ

ISBN 978-9943-09-546-5

© Ўзбекистон Республикаси ФА

«Фан» нашриёти, 2008 йил.

Дилкаш, камтарин инсон, самимий дўст ва тажрибали педагог Мавжудахон Мамадиеванинг ёрқин хотирасига бағишланади.

СЎЗ БОШИ

Матн систем тилшуносликнинг энг мураккаб, кўп қиррали текшириш объекти ҳисобланади. Матн бир неча лексик-грамматик ва стилистик системалар тизимидан иборат.

Илмий ва бадиий матнларни тузишда инсон салоҳияти ва иқтидори ёрқин намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида илмий услубга бағишланган тадқиқотлар М.Мукаррамов ва М.Ҳақимовлар томонидан олиб борилган. Мавжудахон Мамадиеванинг монографик тадқиқотида ўзбек тили илмий услубини ўрганиш учун содда гаплар текшириш объекти қилиб олинган.

Монография кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда ўзбек адабий тилидаги нутқ услублари, уларнинг тил системасида тутган ўрни, ўзбек тили илмий услубининг шаклланиш омиллари, илмий услуб бўйича мавжуд ишларга муаллифнинг муносабати билдирилган ва тадқиқот муаммолари белгилаб олинган.

Биринчи бобда илмий-техник тараққиётнинг тилга таъсири, илмий услубнинг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятлар, илмий услуб шохобчалари, илмий услубда баённинг техник-услубий хусусиятлари ва экспрессивлик масалалари ёритилган. Муаллифнинг таъкидлашича, илмий услубга система, яхлит тизим сифатида қараш, уни шу нуқтаи назардан талқин этиш яхши самара беради. Турли тилларнинг илмий услублари ўзаро метатил аспектида фарқланиш хусусиятига эга. Муаллиф экспрессивликнинг илмий услубда етакчи бўлмаса ҳам, маълум аҳамиятга молик бўлган ҳодиса эканлиги ҳақида тўғри хулоса чиқарган.

Монографиянинг иккинчи боби илмий услубда содда гаплар

ларнинг коммуникатив хусусиятларига бағишланган. Бунда коммуникатив функциянинг нима эканлиги, сўз тартибининг гапнинг коммуникативлигига таъсири, турли синтактик тартиблар, буларнинг маълум даражада узуаллашиши кабилар ҳақидаги қарашлар илгари сурилган. Тасдиқ ва инкорнинг илмий услубда намоён бўлиш хусусиятлари аниқланган.

Учинчи боб бир бош бўлакли гапларнинг илмий услубда воқеланиши, кесимнинг ўзига хос хусусиятлари, мураккаблашган содда гапларнинг илмий услубдаги кўринишлари масалаларига бағишланган. Кузатишлар давомида статистик методдан кенг фойдаланилган ва назарий хулосалар чиқарилган. Қиёслаш учун илмий ва бадий матнлар танланган. Ушбу бобда мураккаблашган содда гапларнинг илмий услубга хосланиш масалалари кўриб чиқилган. Ундалма, кириш сўз, ажратилган бўлақларнинг илмий нутққа хосланиши атрофлича изохлаб берилган.

Монографиянинг “Умумий хулосалар” қисмида кўлга киритилган назарий янгиликлар берилган.

Мавжудахон Мамадиеванинг ушбу монографияси ўзбек тили стилистикаси ва назарий стилистикасига салмоқли ҳисса қўшади, деган умиддамиз. Монографиядан олий таълим учун янги дарсликлар авлодини тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Исроилжон Пулатов
филология фанлари номзоди, доцент,
Одинахон Тўхтасинова
филология фанлари номзоди.

КИРИШ

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи илмий-техник инқилобнинг тобора кенгайиб бориши ва, шунингдек, ахборот асри эканлиги билан характерланади. Бу асрда ривожланишнинг асоси ҳар қандай ижтимоий-сиёсий воқеликни у ёки бу стилда ифодалашдан ташқари, уни илмий таҳлил ва талқин қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун эса фанда ҳам ички илмий-техник инқилобий ҳодисаларни аниқ ва батафсил кўрсатиш зарур.

Илмий-техник инқилоб фақат ишлаб чиқариш кучларини тубдан ўзгартирибгина қолмай, жамият ҳаётида, ижтимоий муносабатлар, маданият, кишилар алоқасининг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда ўз аксини топади. Илмий-техник ривожланиш шароитида кишиларнинг интеллектуал шаклланиши, уларнинг билим даражаси, моддий ишлаб чиқариш тараққиётининг асосий омилига айланади.

Бошқа тилларда бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам турли услубга оид матнларнинг тобора дифференциациялаша бораётганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Ўзбек адабий тилининг ўта даражада шаклланиши матннинг услубий фарқланиши асосида чегараланиши билан бирга, ҳатто бир функционал услубга хос матннинг ўзининг ичида ўзаро дифференциациялашиши билан ҳам кўзга ташланмоқда. Айни пайтда турли соҳа вакилларининг касбий нутқида рўй бераётган бу ҳолни ўрганиш ўзбек тилининг ҳозирги ҳолатини тўлароқ тасаввур этиш имконини беради. Шу боис, ўзбек илмий услубини ҳам лисоний жиҳатдан ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти катта.

Миллий маданиятимизнинг бир кўриниши сифатида ўзбек тили ҳам истиқлол туфайли ривожланишнинг алоҳида йўлига кирди. Унинг барча услуб нукталарида ана шу ривожланишнинг белгилари пайдо бўла бошлади. Илмий услуб ҳам ўзбек миллий адабий тилининг мустақил функционал услуби сифатида бу тараққиёт, бу ривожланишлардан четда қолаётгани

йўқ. Айни пайтда, миллий адабий тил ва унинг турли сатҳлари, шунингдек, йўналишларини илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий адабий тилни алоҳида тизим сифатида ўрганиш ўзбек тилшунослигининг галдаги вазифасига айлантирилди. Айниқса, адабий тилнинг шаклланиш даражасини аниқлаш учун нафақат услубларнинг, балки услубларнинг ички тармоқланишини ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Илмий услуб ўзбек функционал услублари тизимида алоҳида аҳамиятга эга. Илмий услубнинг ривожланиши ўзбек миллатининг маънавий юксаклигининг, эътиборли савиясининг ўлчовидир. Шу боис, ўзбек тилшунослигида илмий услубнинг лисоний жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилгани, бир қатор диссертациялар, монографиялар, кўплаб мақолалар ёзилгани фикримизнинг далилидир. Шунга қарамасдан, нутқнинг бу услубининг айрим томонлари тадқиқот объектидан четда қолаётир. Илмий услубнинг ана шундай долзарб томонларидан бири унинг синтактик қурилиши билан боғлиқ ички услубий тармоқланишидир. Илмий услубнинг ички услубий тармоқланишини кўрсатиш учун унинг лексик ва синтактик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш катта аҳамият касб этади. Чунки илмий услубнинг лексик ва синтактик хусусиятлари синтактик услубият, функционал услубият соҳаларининг янада шаклланишига, келажакда қиёсий ва чоғиштирма услубият йўналишларининг яратилишига ёрдам беради. Шу сабабли илмий услубни ўрганиш билан алоқадор бўлган қатор масалалар анчадан бери тилшунослар диққатини ўзига тортиб келади. Рус, инглиз, француз ва бошқа тилларнинг илмий услуби аллақачон шаклланиб улгурди, уларда тилнинг барча сатҳларига хос, айниқса, синтаксис бўйича қатор илмий асарлар асримизнинг 60-йилларидаёқ юзага келди. М. П. Сенкевич, Н. М. Розинкина, Е. З. Мирская, Г. В. Степанов, С. И. Кауфман, А. П. Коваль, А. Л. Пумнянский, Ш. Балли,

Н. С. Бухтиярова, М. Н. Кожина, А.М.Пешковскийлар¹ олиб борган илмий ишлар диққатга сазовордир.

Илмий услубни ўрганиш бўйича рус тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар таклидидан, улардаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда ўзбек тилшунослигида ҳам мазкур масалаларни ўрганишга бағишланган бир қатор ишлар яратилди.

Нутқ услубларининг шаклланиб, сайқал топишида бадий ижод аҳллари - ёзувчиларнинггина эмас, балки илмий тафаккур соҳиблари, ижод аҳллари - олимларнинг ҳам ҳиссалари ҳисобга олиниши керак.

Бадий ижод аҳллари – шоиру ёзувчиларнинг бадий, бадий-оммабоп, оммабоп услубларнинг тараққиётига қўшган муносиб ҳиссалари ўрганилган. Бадий услубнинг прозага, поэзияга дахлдор шохобчалари тадқиқотига бағишланган монографик ишлар қилинган. Ўзбек илмий услубининг лисоний ва услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишлар ҳам йўқ эмас.

Лекин, шуларга қарамай, ўзбек тилининг функционал услублари бўйича қилинган ишларни етарли деб бўлмайти, негаки, услуб ва унинг услубий шохобчалари турли экстралингвистик вазиятлар таъсирида тез-тез ўзгариб турувчи ҳодисалардир. Шу боис, услубнинг функционал услубларини ўрганиш ўз тугал якутини топган деган хулоса чиқариш бизнингча эрта бўлади. Кейинги йилларда услубшунослик масалаларига тилшуносларимизнинг эътибори анча кучаяётганлиги ҳам бежиз

¹ Особенности языка научной литературы. Москва: Наука, 1965. Стилистика грамматических черт языка литературы.- Москва: Наука, 1977. Язык научно-технической литературы. изд. Москва: МГУ, 1973. Язык научной литературы. Москва: Наука, 1975. Сенкевич М.П. Стилистика научной речи и литературное редактирование научных произведений. Москва, изд. Высшая школа, 1977; Развитие функциональных стилей современного русского языка. Москва: Наука, 1968. Розинкина Н.М. Стилистика английской научной речи. Москва: Наука, 1972. Мирская Е.З. Система научных коммуникаций. В сбор. «Социологические проблемы науки»- Москва: Наука, 1974. Степанов Г.В. О художественном и научном стилях речи // Вопросы языкознания. 1954. № 4. Кауфман С.И. Некоторые особенности стиля американской технической литературы. Москва, 1962; Коваль А.П. Структура научного текста. Автореферат докторский диссертации. Киев: 1970. Пумпянский А.Л. Информационная роль порядка слов в научно-технической литературе. Москва: Наука, 1974 Балли Ш. Французская стилистика. Москва: 1961 Бухтиярова М.Н. Об изучении стиля научной прозы. Москва: 1965. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. Москва: 1956.

эмас. Бунинг маҳсули эса ёзилган айрим монография, диссертация ва мақолаларда кўзга ташланади.¹ Бирок, буларда катта ва муҳим масаланинг кўпроқ лексик ва морфологик томонларига диққат қилинганини кўриш мумкин. Услубнинг турли услубларида матнларнинг синтактик хусусиятлари бўйича қилинган ишлар эса бармоқ билан санарли даражада. Сўзлашув услубининг синтактик хусусиятлари бўйича Б.Ўринбоев ва М.Мукаррамовнинг докторлик диссертациялари шулар жумласидандир. Хусусан, М. Мукаррамов докторлик ишида ўзбек тили илмий услуби масалалари ҳақида фикр юритар экан, унда кўпроқ илмий услубнинг лексик-семантик, морфологик, шунингдек, қисман баъзи синтактик хусусиятлари масаласига тўхталади. Олим тадқиқотининг “Илмий услубнинг синтактик хусусиятлари” бобида сўз бирикмаси, бир составли гап турлари, киритма конструкциялар, қўшма гап турлари, ўзга гапли конструкциялар каби масалаларни тилга олади. Биз мазкур ишимизда М.Мукаррамов томонидан тилга олинмаган синтактик бирликларнинг илмий услубга хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилдик.

¹ Содиқова М. Фелъ стилистикаси. Тошкент: Фан, 1976.-Б.107. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси I-II қисм. Тошкент: 1974. I қисм .82-бет; II қисм Б.65. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. ТошДУ. Илмий асарлар.-1972.- №427. 87-бет; Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фан, 1984. 160-бет. Бегматов Э. Сўзлашув нутқи ва норма //Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Самарқанд. 1973. Қўчқортоев И.К. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент: Фан, 1975., Қўнгулов Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиялари. Тошкент: Фан, 1980. 166-бет. Қўнгулов Р. Ўзбек тили стилистикасидан очирслар. Самарқанд: 1975. 238-бет., Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи.-Тошкент: Фан, 1979.36-бет., Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. Тошкент:Фан, 1982. 152-бет., Ҳазратқулов А.Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. Тошкент: Фан, 1991.124-бет., Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол. фанлари докт. дисс.... автореф. Самарқанд: 1993.44-бет., Ҳакимов.М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. Тошкент: 1993.27-бет.

І БОБ. ИЛМІЙ УСЛУБНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Илмий-техникавий тараққиёт шароитида ўзбек тили услубий хосланишининг қучайиши. Ўзбек тили илмий услубининг умумий хусусиятлари

Илмий услуб муайян ижтимоий эҳтиёжлар натижасида, илмий ахборотни сақлаш ва узатиш зарурияти билан боғлиқ равишда шаклланган. “Ахборот” атамаси остида «мазкур нутқий ахборотда мужассамлашган, узатиш, сақлаш ҳамда қайта иш-лаш объекти деб қаралувчи маълумотлар тушунилади»¹. Маълумки, ахборот икки турли бўлади: асосий ва қўшимча ахборот. Биринчи турдаги асосий ахборот орқали тилнинг интеллектуал-коммуникатив функцияси амалга оширилса, иккинчи турдаги-қўшимча ахборот орқали тилнинг бошқа (қўшимча) функциялари амалга ошади. Хусусан, киши ҳис-туйғусини ифодалайдиган функция ана шундай тавсифдадир.

Илмий услубнинг услубий таҳлили, асосан, тилнинг биринчи турдаги функциясини-интеллектуал-коммуникатив функциясини қамраб олади.

Илмий услуб кўп жабҳали жараёнدير. Шу боис, у турли жиҳатдан тадқиқ этилади. Унда, энг аввало, социолингвистикага кенг ўрин берилади. Социолингвистик жабҳага кўра, фан тилларнинг умуммиллий адабий тилнинг қарор топишидаги роли, социал (профессионал) жаргонлар ва илмий тилнинг ўзаро таъсири орқали (қўшма восита сифатида) сунъий тилларни қўллаш, жамиятнинг илмий -техникавий тили ривожланишига таъсири (жумладан, терминологияни тартибга солиш ва стандартлаштириш масаласи) каби масалалар ўрганилади.

Илмий услубнинг (жабҳаси) психолингвистик томони ҳам мавжуд бўлиб, унда табиий тил ҳамда сунъий символикани ўқитиш, шунингдек, илмий ижод жараёнидаги ролини ўрганиш ва бошқалар назарда тутилади. Логик-лингвистик жиҳат илмий услубнинг яна бошқа жабҳасини ташкил қилади. Бу жабҳа ҳисоблаш машиналарини қўллаш орқали машина таржимаси

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Москва: 1968. С. 184.

алгоритмларини яратиш, информация -изланиш системаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Бу жиҳатдан илмий услуб коммуникатив-информатив вазифа бажарувчи кўриниш касб этади.

Илмий адабиёт далиллик материалларга бойлиги, ахборотнинг аниқ ва ихчамлиги билан характерланади.

Илмий ахборот мазмуни далиллар, воқеий ҳодисаларнинг изоҳи, уларни ўрганиш ва тушунтириш, қонуният, қонунларнинг баён этилишидан иборат. Далилларни жамғара бориб, тажрибалар ўтказиб, таҳлил қилиб маълум хулосалар чиқарилади.

Илмий асарнинг вазифаси-муайян қоидалар ва тахминларни исботлаш, уларни далиллаш, илмий муаммоларни аниқ ва изчил баён этишдан иборат. Шу сабабли илмий услуб фикрлар занжиридан иборат бўлади. Баён этилаётган фикр (мазмун) билан услуб ўртасида бевосита алоқа мавжуд бўлади.

Илмий услуб учун абстракция (мавхум-умумлашганлик), мантиқийлик, объективлик, шахссизлик, аниқлик каби хусусиятлар хосдир¹.

Р.А.Будагов нутқнинг илмий услубини ўрганиш борасидаги изланишларнинг натижасизлиги ҳақида куйидагиларни қайд қилади: «Шу вақтгача илмий услуб билан ким шуғулланиши лозим - олимларнинг ўзими ёки лингвистларми? - деган масала ноаниқлигича қоляпти. Шунини қайд этиш лозимки, жаҳон адабиётидаги илмий услуб тадқиқига бағишланган тадқиқотларнинг катта қисми адабиётшунослар қаламига мансубдир².

Турли услубга хос матнларнинг синтактик белгиларини илмий асослаш нутқ услубларини система сифатида ёритишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. М.Верли ўринли қайд

¹Бу белгиларни илмий услуб учун асосий белгилар сифатида турли тилларга тадбиқан кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаб кўрсатдилар. Қаранг: Кауфман С.И. Некоторые особенности стиля американской технической литературы. Автореф. канд. дисс... филол. наук. Москва: 1959, Кульчав М.Т. Основные стилевые черты и стилистические средства их реализации в современной немецкой научно-технической речи. Автореф. канд. дисс... филол. наук. Москва: 1964., Кожина М.Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. Пермь: 1972., Розинкина Н.М. Стилистика английской научной речи. Москва: 1972 и др.

²Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. Москва: 1967. С.68.

қилганидек, «стиль» сўзга нисбатан гапда кўпроқ шаклланади¹.

Одатда, илмий услуб ҳақида фикр юритилганда, турли фанларга оид асарлар, мақолалар, дарслик ва қўлланмалар асосий объект қилиб олинади. Бизнингча, илмий услуб тили ҳақида фикр юритилганда, фақат анъанавий жанрлар билан чегараланиб қолиш тўғри хулосаларга олиб келавермайди. Гап шундаки, ҳозирги шароитда янги фанларнинг шаклланаётганлиги, тадқиқот методларининг қайта тақсим қилинаётганлиги, жамоа ижодининг жамиятдаги роли ортиб бораётганлиги, ахборот соҳасида йирик ўзгаришлар юз бераётганлиги - булар ҳаммаси ҳозирги замон илмий услубнинг мураккаб ва кўп жанрли системасида ўз аксини топмоқда: тезислар, аннотация, илмий мақола каби жанрлар шаклланди. Буларда илмий услубга хос умумий синтактик хусусиятлар билан бирга, ҳар бирининг ўзига хос айрим синтактик белгилари ўз ифодасини топди. Бу ҳол илмий услуб ҳақида фикр юритилганда фақат анъанавий жанрлар билан чегараланиб қолмасликка ундайди.

Илмий услуб синтаксисининг ўзига хос белгилари ҳақида фикр юритилганда, энг аввало, уларнинг ифода мақсади ва вазифалари билан боғлиқ эканлиги қайд қилинади. Илмий услуб учун аниқлик, мантиқий қатъийлик, объективлик зарурдир. Илмий нутқ услубининг бошланиши, унда ўзига хос белгиларнинг кенгая бориши, ифоданинг изчиллиги, унинг мантиқан тўғри қабул қилинишига қаратилган бўлиши - буларнинг барчаси услубда ифоданинг ҳамма интеллектуал элементларига кенг мурожаат қилинишини тақозо этади.

Илмий матн олдиндан ўйланганлиги, монологик характерда бўлиши, танланганлиги, адабийлиги, барча шакллари (сўз қўллаш, синтактик қурилиш ва бошқалар)нинг миллий адабий тил меъёрларига мос бўлиши билан ҳам белгиланади. Илмий услуб айрим лисоний воситалар ва уларнинг қўлланиш қўламини белгилайди. Бунда муайян материал ва уни умумлаштириш, сабаб ва натижа, исбот ва хулоса муносабатлари ўзаро боғлиқ ҳолда ифода қилинади. Илмий услубнинг мураккаблиги, кузатиш, эксперимент туфайли эришилган хулосалар-

¹Верли М. Общее литературоведение. Москва. 1957. С.69.

ни шархлашда турли мантикий муносабатларни ифода қилувчи синтактик воситаларга кенг мурожаат қилинишининг асосий сабаби ҳам мана шундадир.

Одатда, илмий ижодда кишининг муҳокама, мунозаралари, бой мулоҳазали фаолияти ифода қилинади. Шунинг учун ҳам илмий услуб қатъий мантикий қурилиши билан характерланади. Бу хусусият услубнинг лексик томонига қанчалик тааллуқли бўлса, синтактик қурилишига ҳам шунчалик алоқадордир.

Илмий услубда қатъий логик изчиллик матн қисмларининг узвий боғлиқ бўлишига хизмат қилинади. Бунда ҳар бир кейинги гап олдинги гапда ифода қилинган фикрни тўлдириб боради. Бу ҳол матн қурилишининг тизма шаклда бўлишини таъминлайди. Қуйидаги матнга диққат қилайлик:

Керени ўраб олган зовак қобиқни мезон қобиғи, мезон булути ёки мезон «пўстини» деб ҳам атайдилар. Нуклон ти-мезонлар булути билан ўралган, улар доимо пайдо бўлиб, ютилиб турадилар. Аниқроғи ти-мезон булути билан керн биргаликда нуклонни ташкил қилади. Протонда ти-мезон булути мусбат зарядланган. Бироқ, протонда мусбат ти-мезонлардан ташқари нейтрал ти-мезонлар булути ҳам бўлса керак, албатта. Нейтроннинг мезон пўстинида ҳам мусбат, ҳам манфий ти-мезонлар мавжуддир. Унда нейтрал ти-мезонлар ҳам бор. Демак, «соф» ти-мезонлар булутида нуклоннинг электрик ва ядро ўлчамлари бир хил бўлиши керак. Аммо, тажрибалар бу ўлчамларнинг бир-биридан бир оз фарқ қилинишини кўрсатди. Назариётчилар қобиқда тион булутидан ташқари ти-мезондан оғирроқ, ҳали маълум бўлмаган яна икки хил нейтрал мезонлар бор деб, бу қарама-қаршилиқни ечдилар (Бекжонов Р. Ядро физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975. 71-75-б.)

Матнда фикрлар мантикий изчиллик билан аниқ баён қилинган: кейинги ҳар бир гап олдинги сатрларда айтилган фикрларни тўлдириб борган; охириги гапда эса ундан олдингиларида ифода қилинган фикрлар хулосаланган. Матндаги гаплар логик ва грамматик жиҳатдан узвий боғлиқдир.

Одатда, илмий асарлар асосини мулоҳаза ва исбот ташкил

килади. Исбот аниқ баён қилинади. Бунга ифоданинг тўлиқ бўлиши билан эришилади. Шунинг учун ҳам илмий матнларда тўлиқ гаплар кўпроқ ишлатилади. Уларда гапларнинг тўлиқсиз ҳолда бўлгани фикр аниқлигига путур етказди.

Илмий асарларда ифоданинг аниқ ва объектив бўлиши, уларда субстантив сўзларнинг, отларнинг қаратувчи ва қаралмиш бирикмаларининг кўп қўлланиши, кесимларнинг кўпинча от-кесим шаклида бўлишини тақозо қилади. Далилларга муурожаат этайлик:

Альфа-парчаланиш вақтида уйғонган ядролар ҳосил бўлганлигидан альфа-зарра энергиясининг спектрида ядронинг турли уйғониш сатҳига тааллуқли бир неча чизик мавжуд. Жуфт- жуфт ядроларда альфа-парчаланиш, одатда асосий ҳолатда рўй беради (Бекжонов Р. Ядро физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975. 85-б.).

Илмий ифода учун мантикий изчилликни таъминловчи маълум сўз тартибига амал қилиш типикдир. Академик И.И. Давидов қайд қилганидек, сўзларнинг жойлашиши стилининг энг нозик сирларидандир¹. Бунда адабий тилнинг грамматик қурилиш талабларига амал қилинади. Шу билан бирга, фикрни аниқ, изчиллик билан ифода қилиш талабларига кўра баъзан гап бўлақларининг тартибини ўзгартириш ҳам мумкин. Бунда эганинг гапда жойлашиш ўрни кўзда тутилади. Илмий услубда гап кўпинча эга билан эмас, тўлдирувчи-детерминант, ҳол-детерминант, аниқловчи билан бошланади. Мисоллар:

Аниқловчи билан: *Рационал ва иррационал сонлар тўпламлари биргалликда ҳақиқий сонлар тўпамини ташкил қилади* (Қобулов В.Қ. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Т.: Ўқитувчи, 1976. 206-б.).

Ҳол-детерминант билан: *Ўнинчи беш йилликда филология фани олдида турган вазифалар улугвор ва жуда масъулиятлидир* (Шоабдурахмонов Ш. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1976, 3-сон. 13-б.).

Тўлдирувчи-детерминант билан: *Кўшма сўзни белгилашда*

¹ Давидов И.И. Опыт общесравнительной грамматики русского языка. Санкт-Петербург. 1954. С.478.

бирорта ҳам грамматик қолип универсал ҳукм чиқариши учун асос бўла олмайди (Раҳматуллаев Ш. Нуткимиз кўрки. -Т.: Ўқитувчи, 1970. 6-б.).

Илмий услубнинг ўзига хос белгиларидан яна бири унда кўшма гап, унга хос мураккаб кўринишларнинг кенг қўлланишидир. Бунда кўшма гап компонентлари чунки, шунинг учун, шу сабабли каби боғловчилар, феълнинг шарт майли, равишдош шакллари *-гандай*, *-гандек* аффикслари, феъл шакллари ёрдамида бирикади.

Илмий услубда маълум хулосаларни ифода қилишда эргаш гапли кўшма гапларнинг бир неча тури қўлланади, Хусусан:

а) ўлчов - даража эргаш гапли кўшма гап:

Табиатдаги энг кучли ўзаро таъсирлар остида ўтадиган ядро реакциялари жараёнида ажралиб чиқувчи ёки зарур бўлган ташиқ энергиянинг миқдори шунчалик катта бўладики, баъзан реакцияга кирувчи зарра ва ядроларнинг ҳаракатсизликдаги энергияларига нисбатан сезиларли даражада катта бўлиши мумкин (Бекжонов Р. Ўша асар, 140-б.).

б) сабаб эргаш гапли кўшма гап:

Ўта юқори температураларда ўтадиган реакциялар турига кирувчи термоядро реакциялари ҳақида куйида алоҳида тўхталамиз, чунки бу хил реакцияларнинг халқ хўжалигидаги роли ниҳоятда катта (Бекжонов Р. Ўша асар, 162-б.).

в) шарт эргаш гапли кўшма гап:

Агар газ орқали электр токи ўтказилса, шу ток атрофида юзага келадиган магнит майдон уни ингичка шнур шаклидаги плазмага айлантиради (Бекжонов Р. Ўша асар, 162-б.).

г) тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап:

"Италия тарихининг проблемалари" деган тўпламга келганда шуни айтиш керакки, у Италиянинг ўрта аср тарихига, янги ва энг янги тарихига доир зоят хилма-хил проблемаларни ўз ичига олади (Нуриддинов З.Р. Ўша асар, 135-б.).

д) эга эргаш гапли кўшма гап:

Шуниси муҳимки, компаунд ядронинг уйғониши энергияси унинг ҳамма нуклонларига тақсимланганлиги сабабли, компа-

унд ядро таркибидаги битта ҳам нуклон боғланиш энергиясини енгиб чиқиб кета оладиган даражадаги энергияга эга эмас (Бекжонов Р. Ўша асар, 146- б.).

Илмий услуб табиатига кўра, кўшма гапларнинг зидлов боғловчилари ёрдамида боғланган кўшма гап, боғловчисиз кўшма гап типларидан ҳам кенг фойдаланилади. Мисоллар:

Баландитий одамларнинг ингичка ёки йўгон ичагида зарарсизлик қилади, у йўгон ичакда яшаган вақтида одамга зарар етказмайди, лекин бундай одамлар паразитнинг цисталарини тарқатадилар (Муҳаммадиев А.М. Умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси. Т.: Ўқитувчи, 1976. 74- б.).

Қисқичбақасимонларда сезув органлари ва марказий нерв системаси яхши тараққий этган, айириш органлари кўпинча бош томонида жойлашган, ҳамма авлодларида неуплеус деб аталувчи личинка даври бўлади (Муҳаммадиев А.М. Ўша асар, 184- б.).

Илмий услубда аниқловчилар, сифатдош ва равишдош оборотлар кенг қўлланади. Кўпинча, бундай конструкциялар кетма-кет келиб, ифоданинг аниқ бўлиши учун хизмат қилади. Мисоллар:

Кўп қилли ҳалқали чувалчанлар бирламчи ҳалқалилар синфининг авлодларидан ривожланган ва ҳозирги даврда ниҳоятда хилма-хил равишда денгиз ҳаётига лаёқатлашган ва шу муносабат билан жуда кўп турлар ҳосил қила олган синфдир (Муҳаммадиев А.М. Ўша асар, 181-б.).

Крбларнинг бош ва кўкрак қисми яхши ривожланиб, кўпинча ярим шар шаклидаги катта ва мустаҳкам қалқон билан қопланган қоринча қисми ингичкалашиб, думсимон ўсимтага айланган (Муҳаммадиев А.М. ўша асар, 198-б.).

Илмий асарларда уюшиқ бўлакларга алоҳида ва кенг ўрин берилади, бунинг учун боғловчи воситаларга кўпроқ мурожаат қилинади. Булар матн қисмларининг мантиқан боғланишини таъминлайди, фикрни ўқувчи онгига изчил етиб бориши учун хизмат қилади. Мисол:

Математик таҳлил ҳар хил тенгламаларни ечишда интеграция ёки кетма-кет яқинлашиш усули кенг қўлланилади

(Қобулов В.К. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Т.: Ўқитувчи, 1976. 188- б.).

Илмий матнларда экспрессиянинг параллелизм, такрор, айрим гап бўлаклари, оборотлар, эргаш гапларни маълум мақсад учун ажратиш усулларидан кенг фойдаланилади. Мисоллар:

Ниҳоят, Фурқат халқимизнинг энг муқтадир зиёлиси сифатида зулмат ўрнига нурни, тунга қарши кундузни, аҳмоқликка қарши ақлни, жаҳолатга қарши маърифатни, тиканга қарши гулни, зогларга қарши булбулни, нафратга қарши муҳаббатни, зулмга қарши адолатни, ўлимга қарши ҳаётни тараннум қилоди (Шайхзода М. «Фурқат ва Муқимий» тўплами. Т.: Фан, 1956, 71- б.).

Антигонанинг бутун қилмишлари маъбудлар амри билан жорий этилган, гарчи, қозғоқ бетига ёзилган бўлмаса ҳам, одам боласининг дилига битилиб, асрлардан бери унинг виждонида яшаб келаётган ва ҳар қандай подшоҳларнинг ҳукмидан юқори турадиган адолат қонуни, ҳақиқат қонуни, ор-номус қонуни билан тақозо этилгандир (Алимухамедов А., Антиқ адабиёт тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1969. 143- б.).

Илмий услубда ифода қилинаётган фикрларнинг ўзаро муносабатини кўрсатишда, кириш конструкциялар (демак, хулоса қилиб айтганда, хуллас, аввал, биринчидан, ниҳоят, бинобарин, англашиладики, бизнингча, ...нинг қайд қилишича. ... кўрсатишича кабилар)дан кенг фойдаланилади.

Мисоллар:

Демак, эга, тўлдирувчи, қаратувчи, сифатловчи, ҳол ва-зифасида келиши учун негиз тўлиқ грамматик шаклланади, сўз ҳолатида бўлади, Кўринадики, гапнинг ҳоким компоненти ва бирикманинг тобе компоненти сўз билан ифодаланади (Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Т.: Ўқитувчи, 1965. 13- б.).

Эҳтимол, бу кулфатлар шоирни вақтинча Кўқондан чиқиб кетишига мажбур этгандир. Эҳтимол, у отаси ўлгандан сўнг тошкентлик қариндошларини топиш, Тошкент янгиликларини кўриш, ўрганиш мақсадида сафарга отлангандир. Эҳтимол, бу сабабларнинг ҳаммаси биргаликда уни Тошкент

томонларга бошлаб келгандир (Каримов Ғ. «Фуркат ва Муқимий» тўплами, Т.: 1956. 106- б.).

Баъзи бир хусусиятларнинг умумийлиги учала радиактив оилаларни ўзаро яқинлаштиради. Биринчидан, ҳар бир оила ярим парчаланиш даври Ернинг ёнига яқин бўлган изотопдан бошланади. Иккинчидан, ҳар бир оилада радон элементининг изотопи бўлган инерт газ ҳосил бўлади, Учинчидан, изотопларнинг ҳар бир оиладаги ўзгаришлари кўрғошиннинг барқарор изотопи билан тугалланади. Ва ниҳоят, ҳар бир оиланинг ичида масса сонлари формулага бўйсунди (Бекжонов Р. Ўша асар, 75- б.).

Мисоллар илмий услубда ифоданинг аниқ ва объектив бўлиши билан бирга илмий услубга хос экспрессивликни таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Баъзилар илмий услубга хос ҳис-ҳаяжонни инкор этадилар.¹

Билимларнинг математиклаша бораётганлиги, дедуктив методнинг кенг қўлланаётганлиги илмий услуб учун мутлақ умумлаштириш, ифоданинг объективлиги илмий услубда ижодий тафаккур ва коммуникациянинг бошқа элементлари; ҳис-ҳаяжон, образлилик, экспрессия ва индивидуалликка йўл қўймайди, деб ҳисоблайди. Бу фикр тарафдорлари сал бўлса ҳам, ифодада ҳис-ҳаяжон ва муболағага ўрин берилиши, ҳатто, минимал образлилик ифода аниқлигига путур етказиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Лекин кейинги йилларда юзага келган адабиётларда илмий услуб учун ҳам эмоционаллик, субъектив бўёқдорлик ҳослиги қайд қилинмоқдаки², бунга асос бор.

Маълумки, кишининг тафаккури борлиқни логик ва сезги аъзолари орқали билиш бирлигидан иборат. Маълум мақсадга қаратилган субъектив баҳо фикр исботи учун қаратилган бўлади.

Илмий ижод психология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳам тафаккур ва унинг ташқи ифодаси субъектив

¹ Розинкина Н. М. О преломлении эмоциональных явлений в этапе научной прозы // Особенности языка научной литературы. Москва: Наука, 1965. С.38.

² Кожина М. И. О понимании научного стиля и его эволюция в период научно-технического прогресса. Сборник Научно-техническая революция и функционирование языков мира. Москва: Наука, 1977. С.190.

баҳо; ҳис-ҳаяжон ва экспрессиядан ҳоли бўла олмаслигини кўрсатади.

Илмий услубга лўнда қилиб ифодалаш билан «ҳаяжонсиз» мантикий муҳоқама биргаликда эмоционал субъектив баҳо билан қўшилиб, илмий далилларнинг асослилигини англаш имконини беради. Фақат «машинавий» тафаккур, «машинавий» тил соф логик, мутлак умумлашган-мавҳумлашган бўлиши мумкин. Кишилиқ тафаккури учун, унинг тили учун, нутқнинг илмий услуби учун бошқа белгилар, масалан, субъектив бўёқдорлик ҳам хосдир. Бу, энг аввало, баҳслашувда намоён бўлади, Буни ўзбек тили илмий асарлари синтаксиси ҳам исботламоқда. Мисол: *Протонлари нисбатан ортиқча бўлган «она» ядро баъзан атомнинг электрон қобиқларидан бир электронни қамраб олади, -«ютади». Уйғонган ҳолатдаги ядро ҳам альфа-парчаланиши мумкин. Бу ҳолда асосий ҳолатдан емирилмишидагина нисбатан каттароқ энергияли, узоққа «чоққир» альфа-зарра деб аталувчи альфа-зарра нурланади. Узоққа «чоққир» альфа-зарранинг бир неча группасининг пайдо бўлиши бошланғич ядронинг уйғонишига боғлиқ* (Бекжонов Р. Ўша асар, 85- 88- бетлар).

Плазмадаги зарраларнинг ўртача энергияси бир неча килоэлектрон-вольтга тенг бўлса, тақсимот «думида» жойлашган зарралар кинетик энергияси бир неча ўн кило электрон-вольтга тенг бўлиши мумкин (Бекжонов Р. Ўша асар, 160- б.).

Илмий ифода айрим хулосаларни шархлашда ифода аниқлиги учун турли изоҳлар бериб бориш зарурияти туғилади. Бу ҳол илмий услубда киритма конструкцияларнинг кенг қўлланилишини тақозо қилади. Илмий услубда қўлланиладиган киритма конструкцияларнинг тузилиши турлича:

1. Гап бўлаги шаклида:

Шунингдек, ўта ўтказувчан модель энергия оралиги соҳасида кузатиладиган вибрация (тебранма) ва ротация (айланма) ҳолатларини баён этар экан (Бекжонов Р. Ўша асар, 188- б.).

2. Сўз бирикмаси ҳолида:

Иборанинг (фразеологик маънонинг) сўзга (лексик маъно-

га) синоним бўлиши ибораларнинг (фразеологик маъноларнинг) ўзаро синонимиясидан анча кўп (Раҳматуллаев Ш. Ўша асар, 51-б.).

3. Гап тарзида:

Бўлиниши суръати организмнинг озиқланиши, ҳаёт шариоити, ўсиши каби далилларга боғлиқ бўлиб, ҳар бир тилда ҳар вақт ҳар хил тезликда кечади. (Меъёрида овқатланиб туфелка инфузориялари бир неча кундузда бир марта бўлиниб кўпаяди) (Муҳаммадиев А.М. Ўша асар, 23-б.).

Илмий ифодада мулоҳаза ва исбот баён қилинади. Ифода мақсадига кўра, услубнинг бу кўриниши, асосан, дарак гаплардан ташкил топиши билан характерланади. Ҳатто, илмий услубга оид йирик-йирик асарлар фақат дарак гаплардан иборат бўлади. Шу билан бирга, илмий ифодада баъзан ўқувчининг диққатини у ёки бу масалага тортиш воситаси сифатида сўроқ гапларга ҳам мурожаат қилинади. Сўроқ гапли матнлар илмий нутқнинг таъсирчанлигини, унинг бошқаларга қулай ва аниқ тушунишини таъминлайди. Шу боис, сўроқ гапли матнлар суҳбатнинг эвристик турини эслатади. Маълум бир тушунча ёки тушунчалар муносабати гапнинг сўроқ шакли орқали берилиб, унга дарак гаплар иштирок этган матн орқали жавоб қайтарилади. Бу вақтда ўқувчининг диққати исботланаётган воқеага қаратилган бўлади. Мисоллар:

Иборанинг маъноси қандай гавдаланаркан? Буни англаб олиш учун айни шу сўзлардан таркиб топган эркин боғлама билан иборани ўзаро таққослаш кифоя (Раҳматуллаев Ш. Ўша асар, 3-б.).

Баъзан муаллиф далилларни баён қилишда ўзига сўроқ бериб, ўзи жавоб беради. Мисол:

Мен бундан бир неча йиллар олдин баъзи бир асарларимда “Фурқат ўзбек адабиётида сўнги классик шоир бўлади» деган тезисни олдин сурган эдим. Бу тезис тўғрими? Менимча, шартли равишда бу тезис ҳали ҳам тўғридир (Шайхзода М. Кўрсатилган тўплам, 71-б.).

Илмий услубда услубий восита сифатида риторик сўроқ гапларга ҳам мурожаат қилинади. Булар услубнинг хис-

ҳаяжонли-бўёқдорлиги учун хизмат қилади. Мисол:

Шу қонуннинг талабига кўра одамлар бир-бирларига меҳрибон бўлишлари, айниқса, қариндош-уруғлар ўртасида тотувлик, меҳр-шафқат ҳукм сурмоғи зарур. Ўтганларга эҳтиром, тирикларга эъзоз кўрсатиш бу қонуннинг асосий шартларидан биридир: ҳар қандай одам ўлган кишининг мурдасини албатта, дафн этмоғи даркор. Модомики, шундай экан, аканинг жасадини ер бағрига топириши сингилнинг энг муқаддас вазифаси эмасми? Бу бурчни бажармаслик фаний бандаларнинг ҳукмидан кўрқиб, барҳаёт маъбудалар томонидан инсон виждонига юкланган муқаддас қонунлардан юз ўгириши бўлмайдими?! (Алимухамедов А. Ўша асар, 143-б.).

Фан ва техниканинг айрим соҳалари, масалан, математика, физика, химияга оид адабиётларда буйруқ гаплар ҳам анча кенг қўлланилади. Бу, айниқса, турли топшириқларда кўп учрайди.

Юқоридаги айтилган фикрларни амалда кўриши учун а ядросининг в-парчаланиш схемасини текшириб чиқамиз. 2.10-расмга қаралсин (Бекжонов Р. Ўша асар, 101-б.).

Ўзаро таъсир тўғрисида маълумот олиш учун, яъни нуклонлар орасидаги кучларни солиштириши учун шундай учта ядрони олишимиз керакки, улар бир-биридан бир жуфт ҳар хил нуклонлари билан фарқ қилсин (Бекжонов Р. Ўша асар, 62- б.).

Илмий услуб учун пассив конструкциялар, бир бош бўлакли гапларнинг эгаси топилмайдиган тури кенг қўлланилиши ҳам характерлидир. Бу ҳодиса ва ҳаракатларнинг субъектини кўрсатмасдан ифода қилиш зарурияти билан боғлиқ бўлади. Мисоллар:

Ядронинг қобиқ модели атомнинг қобиқ моделига ўхшатиб яратилди. Бу усулнинг асосий қисми шундан иборатки, ядро таркибига кирадиган ҳар қандай нуклонга бошқа нуклонлар томонидан таъсир қилувчи кучлар қандайдир ўртача статик потенциал билан алмаштирилади. Нуклонларнинг ички ҳаракати алоҳида нуклонларнинг деярли мустақил ҳаракатларининг йиғинди таъсири орқали ифодаланади. Бунинг устига, нуклоннинг ҳар бир орбитаси ядро энергия сатҳларининг хусу-

сиятини белгилайдиган қатор квант сонлари билан характерланади. Бу сатҳлар ферми-газ моделида бўлгани каби Паули принцигига мувофиқ нейтронлар ва протонлар билан кетма-кет тўлдирилади (Бекжонов Р. Ўша асар, 173- б.).

Энди мазкур виртуал жараёнда энергиянинг сақланиш қонунини кўрайлик (Бекжонов Р. Ўша асар, 184-б.).

Илмий матннинг исбот ва хулосаларида шундай экан, ...ар экан, деб аталади, масалан каби сўз ва иборалар кенг қўлланилади. Булар илмий услуб учун хосдир.

Илмий услубда сноска аппаратининг кенгайиб бораётганлиги ифода аниқлиги ва объективлигининг чуқурлашиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Илмий прозанинг кўп саҳифаларида сноскалар катта ўринни эгаллайди.

Далиллар кўрсатадики, илмий услуб юқоридаги каби қатор умумий синтактик белгиларга эга. Шу билан бирга, илмий услуб фан ва техниканинг қайси соҳасига оидлигига кўра, ўзаро айрим фарқларга ҳам эга. Масалан, тарихга оид матнларда воқеалар тасвири ифода қилинса, математикага оид матнда воқеалар тасвири бўлмайди, унда камчиликка мўлжалланган илмий тушунчалар ҳар хил ишоравий шаклли конструкциялар, формулалардан кенг фойдаланилади. Масалан:

Битта 2 сондан $-2\frac{1}{2}$; $2 + 5$; $\frac{2}{7}$ каби иррационал сонларни ҳосил қилиши мумкин (Қобулов В.К. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Т.: Ўқитувчи, 1976, 81-б.).

Хулоса қилиб айтганда, илмий услуб ўзига хос луғавий, морфем, морфологик қурилишга эга бўлгани каби синтактик жиҳатдан ҳам услубнинг бошқа турларидан фарқланувчи ўзига хос махсусликка эга бўлади. Илмий матнларни ташкил этувчи гапларга мантиқий аниқликни, изчилликни, илмийликни рўёбга чиқариш вазифаси юкланган бўлади. Шунинг учун илмий услубнинг синтактик бирликлари, хусусан, гапларга ҳам мантиқий қатъийлик, объективлик хосдир. Унда ифоданинг интеллектуал элементларига кенг мурожаат қилинади. Илмий исбот ва хулоса, сабаб ва натижа муносабатлари ифода этилади, мураккаб қўшма гаплар, конструкциялар, эгаси топилмайдиган гаплар кўп ишлатилади. Бунда боғловчи ва боғловчи воситалар

кенг қўлланилади. Субстантив сўзлар, қаратувчи ва қаралмиш бирикмалари, от кесимлар ифоданинг аниқ ва объективлиги учун хизмат қилади. Аниқ синтаксис ва мантиқий изчилликни таъминловчи маълум сўз тартибига амал қилинади. Гаплар кўпинча эга билан эмас, детерминант тавсифидаги ҳол, тўлдирувчи билан бошланади. Аниқловчи, сифатдош ва равишдош оборотлар, уюшиқ бўлақлар кенг қўлланилади. Экспрессиянинг параллелизм, такрор, айрим гап бўлақлари, эргаш гапларни маълум мақсад учун ажратиш усулларига ҳам кенг муурожаат қилинади. Матнларда кўп учрайдиган кириш ва киритма конструкциялар илмий услубга ҳис-ҳаяжонли экспрессивлик тусини беради. Илмий услуб матни асосан, дарак гаплардан иборат бўлади. Сўзловчи (баён қилувчи)нинг маълум бир прагматик мақсадини юзага чиқариш вазифаси билан сўроқ ва буйруқ гаплардан ҳам фойдаланилади. Сўроқ гаплар ўқувчи диққатини ифода мазмунига жалб қилиш учун, субъектив баҳо, ҳис-ҳаяжон учун хизмат қилади. Услубий восита сифатида риторик сўроқ гапларга ҳам муурожаат қилинади.

1.2. Илмий услуб шохобчалари

Илмий баён бир қанча услубий кўринишларга эга бўлиб, улар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради. Тадқиқотчилар шу фикр асосида илмий услубни, шу услубга асосланган фанларнинг ўзига хос белги-хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

1. Илмий-техникавий услуб: бу қатъий академик баён этиш услубидир. Унинг типик шакллари монографиялар, илмий мақолалар, маърузалар ва тезислар ҳолида намоён бўлади. Илмий-техникавий услубни ташкил этувчи муҳим белгиларга ифода этилаётган ахборотнинг аниқ-равшанлиги, баённинг қатъий мантиқий изчиллиги, далиллашнинг ишонтирувчанлиги, фаол шахснинг йўқлиги, семантик тиниқлик ва бир маънолик, бўёқдор баҳолаш элементларининг ғоят оз микдорда эканлиги кабилар киради.

2. Илмий иш услуби расмий иш қоғозлари юритишда ҳам қўлланилади. Илмий ахборотни ҳуқуқий, юридик муҳофаза қилиш ҳам унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Илмий-расмий ҳужжатлар тилига қатъий талаблар қўйилади. Улар ишончли, далилланган бўлишидан ташқари, тил воситаларининг стандартлашуви, штамплар ва барқарор оборотларнинг ҳаддан зиёд кўплиги, синтактик конструкцияларнинг соддалашуви билан характерланади. Масалан:

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти ректорати ўқув-методик бирлашма Аттестацион кенгашига ўзбек тили кафедраси бўйича доцентлик унвонини бериш масаласини кўриб чиқиш учун Пўлатов Исроилжон Пўлатовичнинг шахсий ҳужжатларини юборади.

Шахсий ҳужжатлар илмий даражалар ва илмий унвонлар таъсис этиш ҳақидаги кўрсатмалар асосида расмийлаштирилган.

Илова: И.Пўлатовнинг 14 варақдан иборат шахсий ҳужжатлари.

Институт ректори: В.М.Маҳмудов

3. Илмий-оммабоп баён этиш услуби илмий-техника ахборотини ҳатто, мутахассис бўлмаганларга ҳам тушунарли тарзда баён этиш шаклидир. Унинг асосий вазифаси ўқувчини у ёки бу илмий билимлар билан таништиришдир.

Фан жамиятда камчиликни ташкил қилувчи маълум гуруҳ одамларнинггина иши бўлмай қолди, таянч-мажбурий таълимнинг жорий этилганлиги, олий таълимнинг ривожланиши, кенг халқ оммаси орасида ижтимоий, табиий-илмий ва техникавий билимлар кенг тарқалаётганлиги сабабли, фан билан яқин бўлаётганларнинг миқдори тобора ортиб борапти. Ҳозирги вақтда ҳар бир киши, у қайси соҳада банд бўлишидан қатъи назар, табиат, жамият ва инсон тўғрисида оқилона ва чуқур тасаввурлар берувчи билимларга эҳтиёж сезади. Бу эса оммавий ўқувчи манфаатларини кўзда тутган ҳолда фаннинг турли тармоқларига тааллуқли билимларни содда ва оммабоп шаклда етарлича баён қилиб беришни талаб қилади.

Мутахассислар билан мутахассис бўлмаган кишилар

ўртасидаги мулоқотни таъминлашни кўзда тутган янги коммуникатив вазифа айна ўша тип воситаларининг ўзгача структурвий тузилишини тақозо этади.

Илмий-оммабоп баён қилиш, одатда, киши диққатини жалб қилувчи руҳда, далил ва ҳодисалар изоҳи бу соҳадан беҳабар киши учун тушунарли шаклда бўлади. Шунинг учун илмий-оммабоп услубда, умуман, илмий прозадагидан фарқли ўлароқ, умумийлик билан индивидуаллик, рационаллик билан ҳис-ҳаяжон, нейтраллик ва бўёқдор-баҳолаш фаолияти ўртасида ўзгача, янги ўзаро муносабатлар юзага келадики, натижада илмий-оммабоп услуб бадиий адабиёт тилига яқин келиб қолади.

Илмий-техника услуби ўзига хос гетероген-инвариант система бўлса, унинг таркибида маълум жиҳатлари билан фарқланувчи бир қатор гомоген системалар шу гетероген (инвариант) системага бўйсунувчи услубий шохобчалар (подстилллар) мавжуддир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) **ўқув-илмий услубий шохобчаси** фан асосларини тематик баён қилишдан иборат бўлади, ҳар хил иллюстрациялар, мисоллар, таққослашлар ва ҳоказолар уни илова тарзида тўлдириш учун хизмат қилади;

б) **илмий-оммабоп услубий шохобчаси**. Бу услубий шохобча фаннинг ижтимоий вазифасини белгилаш, илмий кашфиётларнинг ижтимоий натижаларини баён қилиш ва олимларнинг масъулияти каби мотивлар билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, бу услубда юксак руҳ, фуқаро ҳисси барқ уриб туради, унда ўзига хос баҳолаш мезонлари, ҳис-ҳаяжонли тусдаги сўзлар ва оборотлар кенг қўлланилади;

в) **илмий-мемуар услубий шохобчаси**. Бу услубий шохобча мавзу жиҳатидан тарихий материал билан чекланган бўлади (кашфиётлар тарихи, олимларнинг биографияси ва ҳоказолар).

Умумий тавсифи жиҳатидан у бадиий баён этиш услубига ўхшаб кетади.

Илмий-техника услубининг тасниф асослари булар билан чекланмайди, албатта. Илмий-техника услуби ва унинг шохоб-

чалари яна бошқа кичик гуруҳларга парчаланиши ҳам мумкин, чунончи, техникавий, табиий-илмий ва илмий-гуманитар услубий шохобчалар шулар жумласига киради. Гуруҳлаш яна давом этиши, унда ҳар бир кичик шохобчанинг ўзига хос метатиллари аниқланади: физика, математика, астрономия фанларига хос мета ва микротиллари, яъни табиий-илмий мета ва микро тил; ҳуқуқий, иқтисод ва бошқа фанларнинг мета ва микро тиллари, яъни илмий-гуманитар илмий услубга хос мета ва микротил кабилар.

Р.А.Будагов ҳақли равишда қайд этганидек: «гарчи тиббиёт ходими ўз илмий асарларини кимёгардан фарқли баён этса-да, кимёгар эса биологдан, физиологдан фарқли услубда баён этса ҳамки, ... уларнинг барчаси (барча олимлар) илмий баён этиш услубидан муштарак фойдаланган ҳолда иш кўрадилар. «Тиббиёт услуби», «математика услуби» хусусиятлари эса кўл жиҳатдан математиканинг, тиббиёт фанларининг ўзига хослигига тааллуқли бўлиб, тилга бевосита тегишлидир»¹.

Р.А.Будагов ўз фикрини давом эттириб, айрим олинган фанда қўлланилаётган атамаларнинг муайян миқдори ўзига хос алоҳида бир услубни ташкил эта олмаслигини таъкидлайди.

Илмий ахборотни ташкил этувчи ранг-баранг жанрларни кўп жиҳатдан шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

1. Янги маълумотлар бериш ва уларнинг амалиётда қўлланишини изоҳлашни мақсад қилган услубий (жанрий) кўриниш, унга илмий тўпламларда эълон қилинган мақолалар, диссертациялар, монографиялар ва бошқалар киради.

2. Мавжуд таълимотлар ва тажрибани умумлаштиришга, қўлга киритилган натижаларни шарҳлаб беришга қаратилган услубий (жанрий) кўриниши. Унга илмий ва техникавий журналлардаги мақолалар, брошюралар, турли тарздаги маъруза матнлари, маълумотномалар ва бошқалар киради.

3. Баён этишнинг ўқув-билиш йўналишига хос услубий (жанрий) кўриниши. Бунга дарсликлар, ўқув-қўлланмалари ва дастурлар, машқ ва масалалар тўпламлари, конспектлар, ўқув-

¹ Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. Москва: Наука, 1967. С. 20-21.

методик материаллар, тавсифномалар киради.

4. Техникавий ва ишлаб чиқариш мақсадларини кўзда тутовчи услубий (жанрий) кўриниш. Бунга расмий хужжатлар, корхоналар учун шартнома ва тавсиянома, синовлар ва таҳлиллар тўғрисида маълумотлар, савдо жадваллари, реклама ва маълумотномалар ва бошқалар киради.

Эҳтимол тутилган бу матн типлари мазмуни, композицияси ва лисоний хусусиятларига кўра бир хил эмас. Шу билан бирга, уларни фарқловчи тафовутлар билан бир қаторда, бир гетероген-инвариант услуб доирасида туташтирувчи, ўзаро яқинлаштирувчи умумий мазмун, умумий структура ва муштарак лисоний имкониятлар мавжуд.

Таҳлил натижаларини баён этишдан аввал, фикримизча, баъзи методологик асосларни қайд этиб ўтиш зарурга ўхшайди. Биринчи қайд фан тили таркибида махсус ёрдамчи нолисоний кичик системалар мавжудлиги билан боғлиқ:

1. Табиий умуммиллий тилга нисбатан ўзига хос алоҳида бўлган кичик система тил матнига кирадиган, аммо, бир хил маънодаги оғзаки манифестацияга эга бўлмаган кичик система - графиклар (жадваллар), чизмалар ва бошқа элементлар.

2. Оғзаки манифестация мавжуд бўлган, бироқ, уни амалга ошириш мушкул бўлган кичик системалар рамзий матнлар (математика, физика ва бошқа фанларга доир);

3. Оғзаки шакли мавжудлиги тамойили аҳамиятга молик бўлган кичик системалар, чунончи, кимёвий элементларнинг номлари, математик белгилар номенклатураси ва ҳоказолар,

Иккинчи қайд изоҳлаш методларига оид ҳар қандай функционал услубнинг ўзига хослиги микдорий таҳлил методларини қўллаш, турли функционал услубларнинг микдорий хусусиятларини таққослаб ўрганганда чуқурроқ ва тўлароқ очиб берилади.

30-йиллардаёқ В.В.Виноградов «бадий адабиётнинг турли услуб жанрларида турли сўз типларини қўллаш частотаси турлича» эканлигини таъкидлаган эди. «Бу соҳадаги аниқ тадқиқотлар услублар ўртасидаги структуравий-грамматик ва қисман математик тафовутларни излаб топишга ёрдам берган

бўлар эди». Барча грамматик тушунчаларнинг таҳлили, - деб ёзган эди у, - адабий тилнинг турли услубларида уларнинг нисбий функционал салмоғини аниқлаши лозим¹.

Статистик методларнинг қўлланилиши, бошқа математик методларнинг қўлланилишида бўлганидек, тил материални имкони борича аниқ-равшан изоҳлашга ёрдам беради.

Лисоний статистика методларидан фойдаланилган ҳолда, илмий нутқ услубини изоҳлаш, сўнгра қайта ишламаган статистик материални сифат томонидан баҳолаш ва бошқа функционал услублар (сўзлашув, бадий адабиёт услублари) билан таққослаш нафақат услубий параметрларни бир хил маънода аниқлаб олиш, балки услубият бўйича машғулотлар учун ўқув материални объектив равишда ажратиб олиш имкониятини ҳам беради, яъни бошқача қилиб айтганда, лингвистика ва методика масалаларининг илмий асосланган ҳолда ҳал этилишига олиб келади.

Функционал услублар тадқиқотчиси М.Н.Кожина ҳақли суръатда таъкидлайдики, «Қандайдир умуминсоний», «ҳар ерда учрайдиган» услубий меъёрлар мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлардан воз кечиш лозим. Шунинг ёдда тутиш керакки, «умуман нутқ, услуб ҳар доим муайян дир, шу боисдан, услубий тавсиялар умумий бўлиши мумкин эмас». Бирор услубни баҳолаганда иккинчисининг меъёрларидан келиб чиқиб бўлмайди. Тил воқитларини қўллаш ҳақида гап кетганда, энг тўғри ёндашув функционал ёвдашув бўлади².

Илмий-техникавий адабиётлар, асосан, рус тилида нашр қилиниши сабабли, бу шохобчанинг тил қурилиши ҳам ўта ғализ. Гуманитар фанларга оид адабиётлар кўп нашр этилиши сабабли, унинг тил қурилишида илмий-техникавий адабиётлар даражасида бўлмаса-да, услубий ғализликлар учрайди.

Илмий услуб кўп қамровли тизим. У ҳар хил фаркли кўринишларга эга. Илмий услубга хос ҳар хиллик, энг аввало, фан ва унинг тармоғи билан боғланади. Хусусан, математика фанига хос илмий баён билан тилшунослик ёхуд педагогика

¹ Виноградов В.В. Современный русский язык. Выпуск 1 Москва: Учпедгиз, 1938, С.155-156.

² Русский язык в школе. 1969. № 5. С.6.

фанларига хос илмий баённи бир хил деб бўлмайди. Тилшунослик ёхуд педагогика гуманитар-ижтимоий фанлар гуруҳига мансуб бўлса, математика аниқ фанларга дахлдордир. Ижтимоий фанларга хос илмий баёнда аниқ фанлар илмий баёни учун хос бўлмаган хусусиятларни кўриш мумкин. Хусусан, ижтимоий фанларга хос илмий баёнда бўёқдорлик, ҳис-ҳаяжон ҳам маълум даражада хос бўлиши мумкин. Илмий-техникавий фанларга хос илмий баёнда бўёқдорлик, ҳис-ҳаяжон мутлақо хос эмас. Бу шу фанларнинг илмий баёнига хос қонуниятдир.

Илмий услуб шохобчаларидан яна бири илмий-оммабоб баёндир. Бу шохобчада баён ҳаммага қаратилади, шу боис, у умумбаён стилига яқин келади. Аммо, илмий-оммабоб баён орқали янги кашфиётлар, техника янгиликлари ҳақида ахборотлар берилади. Ҳамма учун тушунарлилиги бу услубнинг асосий белгиси ҳисобланади. Масалан, математика, химияга оид соф илмий мақола ёки монографиянинг тили кўпчиликка тушунарли бўлмайди. Бунда махсуслашган атамалар кўпчиликка маълум бўлмаган ишоравий воситалар қўлланади.

Илмий-оммабоб баёнда эса айрим атамаларнинг, шартли ишоравий воситаларининг маъноси, моҳияти доимо шарҳланиб борилади. Масалан, тетроциклин термини қорин оғриғини қолдирувчи дори деб баён этилса, шаксиз кўпчилик уни тушунади. Унинг маъноси илмий-оммабоб баёндан бошқа баёнларда (соф илмий баёнда) кўпчиликка тушунарли бўлмайди, лекин унинг маъноси қорин оғриғини қолдирувчи дори. Услубларни тасниф қилганда Л.В.Шчербанинг рус тилининг услубий ресурслари ҳақидаги фикрига асосланиш, фикримизча, мақсадга мувофиқдир. Чунки адабий тил тушунчаси, у қайси халқники бўлишидаи қатъи назар, муштарак белгиларга эга бўлади. Адабий тил асосий ва бир қатор қўшимча концентрик доиралардан тузилган бўлиши лозимки, бундаги ҳар бир тушунча, асосий доирада бўлганидек, худди ўша тушунчалар мазмунини (улар мавжудлиги боис) мужассамлаштирган бўлиши лозим, бироқ, улар у ёки бу қўшимча жиҳатга эга бўладилар, шунингдек, асосий доирада бўлмаган, аммо, мазкур қўшимча жиҳатга эга бўлган тушунчаларнинг мазмунини мужассамлаштирган

бўлиши лозим.¹

Биринчи доирани китобий ва сўзлашув услублари ташкил этади. Иккинчи доирага муомала соҳалари билан мутаносиб услублар-китобий услубнинг функционал услублари расмий иш юритиш, илмий газета-публицистик услублар ва сўзлашув услубининг функционал услублари: сўзлашув-маиший, адабий-сўзлашув, кенг микёсли услублар киради. Учинчи доирага ёзув жанрлари билан одатда мувофиқ келувчи функционал услубларнинг кичик услуб подстиллари расмий ҳукумат ва дипломатик ҳужжатлар, вақтли матбуот, реклама асарлари ва бошқа хил кичик услуб (жанр) лар киради.

Адабий тилнинг кўпчилик мутахассислар томонидан функционал хусусияти инкор этилган яна бир услуби ҳам борки, барча услубларга хос лисоний хусусиятларни қамраб олади, мукамал ва ҳар томонлама изоҳлашни талаб этади. Бу услуб тилнинг бошқа барча вазифаларини инкор этилган ҳолда ўзига хос алоҳида (махсус) вазифани бажаради.

Р.А.Будагов функционал услубларнинг бундай бўлишини тан олмайди, «илмий услуб яхлитдир» деган фикрда қатъий туради.²

Ўзбек адабий тили доирасида илмий услубнинг илмий-техника ва илмий ҳужжатлар шохобчаси ривожланмаган. Чунки илмий услубнинг бундай шохобчалари рус тили орқали олиб борилган. Адабий тилимизнинг қашшоқланишига ҳам ана шу икки шохобчанинг таъсири катта. Чунончи, илмий-техник адабиётлар, асосан, рус тилида чоп этилади. Ўзбек тилида ёзилса, унинг ўқувчиси кам бўлиб қолади, деган андиша баҳона бўлганди. Бизнингча, аниқ ва табиий фанларга оид барча дарслик ва қўлланмалардан ташқари, ойномалар (журналлар) ҳам чиқариш керак. Шунда ўзбек тилининг техника стили ҳам юзга келиб, силликланган бўларди. Бу терминология жабҳасида ўз исботини топган. Масалан: А.Мирвалиевнинг кўрсатишича, химия терминларининг 91% рус тилидан олинган. Истеъмолда бўлган аввалги атамалар терминологик тизимдан чиқарилган.

¹ Щерба Л.В. Современный русский язык. Москва: 1957. С.21.

² Будагов Р.А. Человек и его язык. Москва:1967. С.84.

Техникага оид, қурилишга оид русча биргина «балка» термини ўзбек тилида хари, васса каби жами 13 та атама билан берилиши мумкин.

Илмий-техникавий адабиётлар рус тилида нашр қилинганлиги сабабли, бу услубий шохобчанинг лисоний тузилиши ҳам ниҳоятда ғализдир.

Услубнинг функционал турларига хос услубий хусусиятлар масаласини тадқиқ этиш узоқ анъаналарга эга. Функционал услублар орасида илмий нутқнинг хусусиятлари ғоят кенг миқёсга эга. Улар қаторига мантиқийлик, объективлик, қисқалик, лўндалик, шахссизлик, ноўёқдорлик, интеллектуаллик ва ҳатто, баён этишнинг «Ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаслиги» сингари хусусиятларини киритиш мумкин. Бироқ, илмий нутқнинг ўзига хос белгилари баҳсли, мунозарали масала бўлиб қолаётир. Илмий тафаккурнинг таҳлилидан келиб чиқиб, М.Н.Кожина илмий услубнинг асосий услубий хусусиятларига мавхумлик, умумлашганлик ва махсус воситалар ёрдамида кучайтирилган мантиқийликни киритади.

Мавхумлик ва умумлаштириш бошқа функционал услублар учун хос эмас, у илмий услубнинг ўзига хос белгисидир. Зотан, у бошқа услубларда нолисоний асосларга эга эмас.

Мантиқийлик услубнинг барча услублари учун хосдир. Бусиз лисоний-шакл бирликлар занжири-объектив борлик ва унинг нарса-ҳодисалари муносабати билан мутаносиб боғлиқка эга бўлмайди. Айниқса, мантиқийлик илмий нутқ услуби ва унинг барча шохобчалари (подстиллари) учун муҳим аҳамият касб этувчи «компонент» - органик қисм ҳисобланади. Илмий нутқ услубига хос мантиқийлик қатъий, изчил, махсус воситалар билан кучайтирилган, хосланган тарзда ифодаланади.

Мавхумлик ва умумлаштириш илмий услубнинг асосий белгиси сифатида мазкур услубнинг (илмий услуб) тафаккур шаклига нақадар боғлиқлигини ҳам намоён этади. Бундай жараёнда илмий услуб барча элементларини бир бутун қилиб бириктириб турувчи «ип»га айланади, уларнинг ўзаро алоқасини «горизонтали»га ҳам, «вертикали»га ҳам таъминлайди. Тил тизимидаги ҳамма ва ҳар қандай воситаларни эмас, балки мазкур

мулоқотга кўмаклашувчи воситаларнинггина танлаб олишни тақозо этади. Шу боис, мазкур структура хусусиятини белгилаб берувчи муайян нолисоний омиллар негизида уларнинг ўзаро алоқаси юзага келади, Услугбнинг функционал услуги муайян тарзда услубий қиёфага кирган тил бирликларининг ўзаро алоқасигина бўлиб қолмай, у элементлари бир-бири билан функционал равишда боғланиб бир бутунликни ташкил этувчи ягона уюшма ҳам ҳисобланади, яъни улар бир-бири билан бирор муайян вазифани бажариш замирида бирлашиб, яхлит ҳолда аниқ коммуникатив вазифани бажаришга хосланади. Тил услубининг нутқнинг маълум кўринишига хос структураси ички элементларининг ўзаро боғланишинигина ташкил этиб қолмай, мазкур структурани тақозо этувчи нолисоний омиллар билан ҳам алоқадор бўлади. Мазкур структурада сўз ва шакл ўзаро алоқаси қоидалари тил қонунлари негизида мазкур услуб хусусиятини ташкил эта олмайди. Бунинг хусусияти аниқ нолисоний вазифа ва нолисоний омилларга асосланган лисоний муносабатлардан келиб чиқади. Ҳар қандай функционал услубда у ёки бу лисоний воситанинг, айниқса, сўз ёки бирор-бир грамматик шаклнинг танланиши ва қўлланиши тасодифий эмас. Масалан, агар муомала илмий жабҳага мўлжалланган бўлса, у ҳолда кенг миқёсда илмий терминология ва мавҳум лексиканинг, шунингдек, конкрет қийматдаги сўзларнинг атайлаб мавҳумлаштирилган «эшдош»лари (вариантлари) атайлаб қўлланилиши табиий. Бундай вариант ўз навбатида илмий услуб ифодаси учун махсуслашган муайян морфологик бирликларни, чунончи ўз маъносига кўра умумлашган ва мавҳумлашган бирликларни эргаштириб келади.

Нутқий функционал услубнинг қурилиши (тузилиши)да у ёки бу конструкция ёки оборот, у ёки бу морфологик шакл, ёхуд уни тўлдирувчи луғавий воситалар шунчаки тасодифий равишда олинган бўлмай, улар маълум маънода бетакрорликка эга бўлади, яъни илмий жабҳага хос мулоқотда уларнинг синонимик имкониятлари чеклангандир. Қуйида келтириляётган мисоллар шундай танлаб олинганки, уларда илмий услуб учун зарур бўлган ва уни умумий тарзда тақозо этадиган махсус тер-

минлар деярли учрамайди:

1. «а» бурчаги «п» га тенг бўлганда, «в» га эга бўлишимизни исботлаш талаб қилинади.

2. Агар даврлар бир-бирига мувофиқ бўлса, ҳаракат даврий бўлади.

3. Баҳолашда биз қуйидаги мезонлардан келиб чиқамиз...

4. Чунончи, агар нур... бўйича ҳаракатланса, у ҳолда ...га йўл босгач...

5. Бу биз «оқ» деб атаган ранглар эмас...

Бу парчалар хусусида шуни айтиш мумкинки, гарчи, бу жумлалар оддий, умумистеъмолдаги сўзлардан тузилган бўлса ҳам, бундай лисоний воситалар илмий услубнинг табиатига бўйсунган ҳолда, ўзаро уйғунлашиб, бирикиб шу услубнинг синтактик қурилишини ташкил қилган. Агар улардаги айрим элементлар бошқа услубга хос элементлар билан алмаштирилар экан, у ҳолда илмий услубга хосланган синтактик қурилмани бузган бўламиз.

Биринчи гапда «...эканлигини исботлаш талаб этилади» инфинитив обороти ўзига хос доимий, ўзгармас формулага айланган, бундай оборотлар математика, физика фанларига оид матнлар учун хосланган. Мисолда келтирилган синтактик қурилма ва унинг илмий услубга хосланган компонентларини нутқнинг бошқа бирор-бир функционал услубида учратиш қийин. Тўртинчи ва бешинчи мисолларда «чунончи, агар, ... бўлса, .. бўлади, ...бўлсин, унда ... бўлади», яъни ...» сингари лисоний элементлар ишлатилган, булар синтактик алоқа ва синтактик муносабатларни ифодалашда фаол воситалар ҳисобланади, айтиш ўрнида илмий матн синтактик қурилма моделлари (андазалари)нинг турғун (ўзгармас) элементлари мақомига эга бўлади. Гапларни «занжир» сифатида боғловчи алоқа типлари илмий нутқ учун ҳам хос ва зарур ҳисобланади. Агар олтинчи мисолга мурожаат этсак, унда илм-фанга оид махсус терминларнинг аниқроғи бирор-бир ҳодисанинг йўқлигини кўриш мумкин. Лекин унда айнан илмий услуб учунгина типиклашган қуйидаги конструкциялар мавжуд. Эътибор берайлик: «*айтилганлардан хулоса қилиб шуни айтиши*

мумкинки ...», моҳияти, бизнингча, шундаки...», «ва ... қолади», «таассурот шу билан кучайтириши мумкинки», «тажриба шу йўл билан амалга оширилади: ...ни оламиз (олинади)», «ҳар бири ... га эга бўлсин, дейлик, у ҳолда ...» ва шу кабилар. Юқорида келтирилганлардан айримлари сўзлашув ёки бадиий нутқда учраши мумкин, бироқ, улар илмий услуб учун хос бўлган асосий белгиларни намоён этади. У ёки бу воситалар турли нутқ услубларида муштарак қўлланиши мумкин, лекин у қайси услубда қўлланмасин, муайян вазифаларга хосланган айни шу нутқ услуби учун характерли бўлиб қолаверади. Нутқда нафақат тил воситалари, балки уларнинг қонуний «бирикмалари» ҳам вазифадош топширикни адо этишга қаратилган бўлмай, уларнинг қўлланиш кўлами ҳам қатъий ифодаланади. Унинг услублардаги чегаралари бир-биридан фарқ қилади. Услуб структурасининг сифатий томонлари (воситалар комплекси ва уларнинг ишлаш характери ҳамда миқдорий томонлари (мажбур бирликларнинг қўлланиш кўламлиги) бир бутунликни ташкил этиб, зич алоқада бўладилар, чунки ҳар икки томон ҳам муомаланинг (мулоқотнинг) маълум мақсади билан белгиланади, муайян нолисоний омилларга боғлиқлиги билан характерланади.

Ҳар бир услубда тил бирликларининг муайян семантик-грамматик маъноларда қўлланилиши, ҳар бир услубда мазкур тил бирликлари мазкур система элементлари сифатида ўзига хос алоқага киришганлигидан тил системасида ўзига хос бўёқларга эга бўлмаса-да (бу ерда, аввало, грамматик воситалар-шахс-сон, замон, жинси, гап типлари кабилар назарда тутилмоқда), у ёки бу функционал қиёфага эга бўлади. Тил бирликлари ҳар бир услуб системасида функционал маънога эга бўлиб, услуб омили саналади.

Мазкур гап, аслини олганда, отли (от кесимли) гап бўлиб, унинг семантик қамровида иш-ҳаракат маъноси йўқ, балки нарса-предмет (тўлқин сони) ва унинг тавсифи (икки ҳад айирмаси) шу гапнинг семантик мундарижасида етакчи маъновий бирликлар саналади. Иш-ҳаракат бажарувчиси маъноси бу гапга шартли равишда нисбатланган. Муҳими шундаки, камроқ

тахрир йўли билан (эгани тиклаш билан) мазкур гапни икки бош бўлакли гапга айлантириб бўлади. Икки бош бўлакли гап тарзида тикланганда ҳам матннинг илмий услубга хослиги сақланади: *Водород спектори исталган чизигининг тўлқин сопи икки ҳаднинг айирмаси сифатида ифодаланади.*

Иккинчи гап ҳам бир бош бўлакли, лекин у феълли гап характерида. Бу гапнинг семантик қамровида нарса-предметга хос сифат номаълум шахс томонидан анланганлиги маъноси мавжуд. Мазкур гапда ҳам иш-ҳаракат (белги-хусусият) бажарувчиси (субъекти, агеи) маъносининг ифодаланиши воситасиз тўлдирувчи зиммасига тушган (Ядро ярусини). Бу жумлани ҳам икки бош бўлакли гапларга айлантирилганда, матннинг илмий услубга хослиги инкор этилмайди: *Ядро ярусини...аниқланади.* Демак, шу нарса маълум бўладики, илмий услубга хос матнларни ташкил этувчи гапларни ҳам эгасиз, ҳам эгали шаклларда қўллаш мумкин. Бунда илмий услубга хос гапларнинг синонимик имкониятлари кўзга ташланади.

Бунинг боиси шундаки, илмий матндаги гапларнинг семантик қамровида иш-ҳаракат бажарувчиси кейинги ўринда бўлади, гап семантик мундарижасида предмет, нарса-предмет ва уларнинг хатти-ҳаракати-объектлар дунёси туради. Илмий матнга хос бу хусусият ўз вақтида Ш.Балли томонидан ҳам эътироф этилади.¹

Иш-ҳаракат бажарувчиси шаклий қиёфага эга бўлмаган гапларда унинг предикати-кесими қўпинча феълнинг I шахс шакли орқали ифодаланган бўлади. Бундай предикатлар илмий услубга хос гапларнинг ядроси, семантик ва грамматик жиҳатдан марказий конфигурацияси ҳисобланади. Илмий услубга хос гапларнинг предикати, юқорида эслатилганидек, сўзловчига тенг келувчи иш-ҳаракат бажарувчисини — субъектини тақозо этади. Бундай субъект биз олмоши орқали материал қиёфага эга бўлганда, у мен олмошининг маъносини ифода этади, яъни бунда биз ва мен олмошларининг синонимик имконияти вужудга келади. Бу муштараклик фақат мантиқий ва

¹ Балли Ш. Французская стилистика. Москва: Иностранной литературы. 1961. С.394.

грамматик жиҳатдан бўлиб, прагматик-услубий жиҳатдан турли хил қийматларга эга бўлади: «биз» сўзловчининг камтарлиги, бошқаларга ҳурмат ва эътибор билан қараши каби прагматик мақсадларни кўзда тутати. Шунинг учун ҳам илмий услубга хос гапларнинг эгаси вазифасидаги биз олмошини уни мантиқан тақозо этувчи мен олмоши билан алмаштириш мумкин эмас; гапнинг услубий-прагматик жабҳасига путур етади, илмий услубнинг синтактик қурилишида ғализлик вужудга келади: *Бизнинг талқинимизга кўра... Биз ўйлаймизки... - Менинг талқинимга кўра (?), Мен ўйлайманки... (?)*.

Биз олмоши илмий услубга хос гапларда қараткич, жўналиш келишиклари шаклида ишлатилади. Кириш қурилмалар эргаш гапли қўшма гапларда, уларнинг бош гаплари таркибида кўпроқ ишлатилади. Бундай ҳолларда ҳам у мантиқан якка сўзловчини билдиради.

Шахссиз (эгасиз) гапларнинг илмий услубга хос кўринишлари айни ана шундай гапларнинг адабий мулоқот услубга хос кўринишларидан кўпроқ субъектсизлик белгисига эга эканлиги билан фарқланади. Иш-ҳаракат бажарувчиси (субъекти) моддий шаклга эга бўлганда, биз олмоши кўпинча гапнинг эгаси вазифасини бажарган бўлади, мантиқан сўзловчига (якка шахсга) тенг келади.

Муаллиф «биз»ига эга бўлган гаплар илмий услубнинг мавҳум-умумлашма характерини акс эттиради, негаки, улар хатти-ҳаракатнинг шахсий субъектини кенгайтирилган, умумлашган ҳолда акс эттиради. Баъзан «биз» олмоши иштирок этган гаплар бўёқдор вазифа бажаради. Улар мураккаб гапнинг таркибий қисмлари сифатида қўлланиб, матнда бириктирувчи, умумлаштирувчи унсурлар мақомида бўлади, матннинг яхлитлигини, баённинг мантиқийлигини таъминлайди.

Синтаксис даражасидаги мавҳумийлик-умумлашганликнинг инъикоси сифатида гапнинг модал-муваққат режаси юзага чиқади. Илмий услубда гап грамматик қурилишига хос ранг-баранглик чегараланган бўлади. Гап парадигмасининг фаоллашувчи аъзоси, бу модаллик касб этган реал вариант бўлиб, унда кесим ҳозирги замон феъли орқали ифодаланади, кесим-

дифференциал тенгламанинг ўнг томони (x) функция, ҳамда чегаравий шартларни умумий терминга бириктириб, бошланғич маълумотлар деб атайдик. Буларни чекли айирмалар ҳолга ўтказишда маълум хатоликка йўл қўйилади, шунинг ташқари тенгламаларнинг ечиш жараёнида ҳам, яхшироқ ҳисобига ҳам хатога йўл қўйилади. Агар чекли айирма тенгламани ечиш жараёнида юқорида кўрсатилган хатолар ҳисобига борса ёки ўсма, бундай айирмалар схема турғун схема деб аталади (Қобулов В.К. Ўша асар, 253-б.).

Хуллас, услуб қурилишининг функционал табиати ана шу услуб турининг муомала жараёнидаги вазифаси билан белгиланади.

Функциялар услуб ҳосил қилувчи асосий манба бўлиб қолмади, чунки нутқнинг услубий-структурал ташкил қилганлиги, тузилиши билан боғлиқ бўлган тип системаси нутқий функционал «қўшимчаси» ўз навбатида экстралингвистикадан ташқарида очиб берилиши мумкин эмас. Экстралингвистик омиллар ҳар қандай нутқ услубида катта аҳамият касб этади. У, айниқса, илмий услубда катта имкониятга эга. Бу Р.Доллежел томонидан ҳам тўғри эътироф этилган. Унинг ёзишича, экстралингвистик омилларсиз услубият назариясини энг яқин даражада ҳам тасаввур этиб бўлмайди, чунки услубият тил ишора (қайд)ларининг прагматик томонини ташкил этувчи фандир.¹

1.3. Илмий услубда баённинг техник-услубий хусусиятлари

Илмий услубда техник-услубий усуллар масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Илмий мақола ёки монография муаллифи олдида «юксак катта масъулиятли вазифа» туради, у ҳам бўлса, янги ахборотни ўқувчига шундай етказиб бериши лозимки, у муаллиф фикрлагандай фикрласин, мазкур ахборот унга аниқ, тушунарли ва равшан етиб борсин. Бир қатор услубий усулларни, чунончи, бадий ва илмий адабиётда қўлланиладиган усул-

¹ Доллежел Р. Вероятностный подход к теории художественного стиля // Вопросы языкознания. 1964, № 2. С.33.

ларни муштараклаштиришнинг иложи йўқ, албатта. Илмий адабиётда услубий усуллар муаллифнинг ижодий индивидуаллиги ҳамда истеъдодига у қадар ҳам боғлиқ эмас, бу ерда кўпроқ техникавий усуллар роль ўйнайди. Бадиий адабиётдан фарқли ўларок, илмий услубда шу услубга риоя қилинмаган, бўш ёзилган мақола ёки монографияни таҳрир ёрдамида яхшилаб илмий услуб қонун-қоидаларига мослаш мумкин. Бадиий адабиётда эса бунинг асло имкони йўқ. Шу билан бирга, илмий асар яратилишида муаллифнинг ижодий индивидуаллигини йўққа чиқариш ҳам тўғри бўлмайди. Ғоят бой лингвистик воситалар хазинасидан муносибини танлай билиш, бу воситаларни кўзда тутилган маънода қўллай олиш, мазкур лингвистик воситаларни бир-бири билан уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш, меъёр туйғуси, тил маромига риоя қилиш - буларнинг барчаси илмий баён этишнинг ижодий эканлигидан далолат берадики, бу хусусиятлар олимлар асарларини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Яъни илмий баёнда ҳам индивидуал услуб мавжуддир. Масалан, ўзбек тилшуносларидан А.Ғуломов ва А.Ҳожиёвларнинг асарларини бир-бирига қиёсласак, икки хил ҳолат кўзга ташланади. А.Ғуломов фикрларни кетма-кет баён этиб, мисолларининг манбасини (қаердан олинганлигини) кўрсатмайди. Бир фикрни айтиб юқоридаги мисолга қараш тарзида илова қилади. А.Ҳожиёв эса бир илмий фикрни баён этса, албатта, мисолни манбаси билан аниқ кўрсатиб, иккинчи фикрга ўтади, мисол келтиради. Илмий баён шу тарзда кетади.

Айрим илмий ходимларнинг асарларини муҳаррирлар таҳрир қилишда асарнинг индивидуаллигини бутунлай ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Аммо, бу илмий баёнда индивидуаллик йўқ деган сўз эмас. Шунинг учун кўпчилик тилшунослар илмий асар ижодий куч-ғайрат талаб қилувчи қайта ишлашдан ўтишини инкор қилмайди,¹ чунончи; И.М.Розинкина шундай дейди: Илмий ишлар услубий манерасининг умумий жанрига ижодий индивидуаллик белгиларини инкор этмайди.²

Бадиийлик ва образлиликнинг шакл гўзаллиги кабилар-

¹ Балаховский Л.Н. Русский литературный язык в первой половине XIX века. Киев: Киевского университета. 1957. С.200.

² Розинкина И.М. Кўрсатилган асар. 33-бет.

нинг илмий нутқ услубида йўқлиги фикр баён этишда аниқлик ва мантиқий изчилликка интилиш исботу далиллар системасини ишлатиш йўли билан етарли даражада ишонтириш воситаларига эришиш - илмий матннинг қайта ишланишидан кўзда тутиладиган асосий мақсадлар ана шулардан иборат. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир вақтнинг ўзида илмий материални баён этишнинг ўзига хос «қоидалари» оқимида фикрнинг аниқ бўлишини таъминлайдиган техникавий-услубий усуллар қуйидагилардан иборат.

1. «Қисмларга бўлиш» - асосан, асар архитектоникаси билан боғлиқ бўлган усул.

2. «Коммуникатив аниқлик» - «кучайтирилган акцентуация» (самара, эффект, асосан, «янги»нинг составини зўр бериб ажратиб кўрсатишга таянади), «яхлитлик» (самара қарама-қарши тушунчаларни ҳамда улар ўртасидаги алоқани кучайтириб, ажратиб кўрсатишга асосланади) жараёнларда амалга ошувчи усул;

3. Ўқувчи диққатини фаоллаштирувчи усул (натига, самара ўқувчи диққати қаратилаётган янги фанга қаратиш йўли билан ҳосил қилинади).

4. «Баён этишнинг умумлаштирилганлиги» (ушбу усул биринчи навбатга хатти-ҳаракат ва унинг объектини чиқариш ва ҳаракатлантирувчини муҳим аҳамиятга молик бўлмаган омил сифатида назардан соқит қилишга асосланади).

5. «Эксплицитлик» (бу усул синтактик алоқаларнинг маркерли ифодаланиши, гап бўлақларининг ифодаланганлигига асосланади).

6. «Ҳис-ҳаяжонлисизлик» (баён этишда сўзловчининг ички ҳис- туйғуси иштирок этмаслиги ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи воситаларнинг қатнашмаслиги кабилар асосида ҳосил қилинади).

7. «Терминологик» (бунда сўзловчининг мақсади-илмий тушунча метатил воситаларидан фойдаланиш, уларнинг моносемик хусусиятларига таяниш жараёни амал қилади).

Мазкур техникавий-услубий усуллар илм-фаннинг барча соҳаларига, шу жумладан, гуманитар фанлар жабҳасига ҳам

тааллуқли.

Кейинги йилларда услубиятга доир баъзи ишларда илмий нутқ услуби фан ва унинг тармоқларига кўра парчаланиб, биология, химия, физика ва математика ва бошқа фанларга хос «кичик тил»ларга ажратилаётир. Илмий нутқнинг умумий қонун-қоидалари илмий услуб ичидаги бундай алоҳида-алоҳида кўринишларининг бўлишини, уларнинг «мустақиллик» даъво қилинишини инкор этади. Ҳар бир фан бошқасидан синтактик қурилиш ёхуд бошқа жиҳатларига кўра эмас, балки улар атиги метатил системасининг ўзига хослиги билан фарқланади, холос. Илмий нутқ услуби тил заминидagi бундай хусусиятни адабий тил (илмий услубга ўхшатма) ва у асосланган диалект, шева (алоҳида фанга ўхшатма)ларга қиёс қилиш мумкин. Қўқон шеваси ҳам, Ўш шеваси ҳам, Қарши шеваси ҳам ўзбек тили қамровидаги жўғрофий кўриниш бўлганидек, математика, физика, ёхуд лингвистика фанларига хос «тил» ҳам илмий услуб доирасидаги ва унга бўйсунувчи алоҳида-алоҳида кўринишлардир. Бошқача, илмий тил билан айтганда, нутқ услуби инвариант, гетероген тавсифдага етакчи тизим бўлса, ҳар бири ва унинг баён услуби ана шу гетероген тизим қамровидаги ва унга «бўйсунувчи» алоҳида-алоҳида (вариант) кўринишлардир.

Шунинг учун ҳам муҳим бўлмаган айрим тафовутлар мавжуд бўлса-да, илмий нутқ услубини қандайдир бир яхлит тизим сифатида тушуниш тўғрироқ бўлур эди. Чунки илмий нутқ услубида «фикрлаш-изоҳлаш» тавсифидаги мақом етакчи ва асосий тадбил саналиб, у барча фанларга хос баёнда муштарак иш кўради.

Илмий матнда матннинг композицион қурилиши ҳам унинг (илмий нутқ услубининг) мантиқийлигини, аниқлигини белгиловчи тадбиллардан биридир. Ҳар қандай илмий баён учун (хоҳ у мақола бўлсин, хоҳ монография бўлсин) аниқ ва муайян композиция илмий нутқ услубининг мантиқийлигини, аниқлигини белгиловчи ҳодисалардан бири ҳисобланади.

1.4. Илмий услубда экспрессивлик масаласи

Ўзбек илмий услубининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритилганда, экспрессивлик ва унинг илмий услубга мансуб ёки мансуб эмаслиги масаласи назарий аҳамият касб этади. Бу масалада тилшунослар муштарак фикрда эмас.

Маълумки, тилнинг асосий ва етакчи вазифаси коммуникативликдир. Тил фақат коммуникация воситаси, фикр алмашиш қуролигина бўлиб қолмасдан, турли ҳис-ҳаяжон ёки экспрессив ифода қилиш воситаси ҳам саналади.¹

Тилнинг экспрессив ифода қилувчилик вазифаси бадий услубга хос асосий ва етакчи ҳодиса сифатида эътироф этилади. Фанда, жумладан, туркий тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида илмий услуб ва у билан боғлиқ бўёқдорлик масаласи монографик йўсинда махсус ўрганилмаган.

Экспрессивлик атамаси фанда икки маънода қўлланиб келяпти:

а) ифодавийлик; б) ҳис-ҳаяжоннинг намоён бўлиш кучи.²

Йирик услубшунос олим А.И.Ефимовнинг қайд қилишича, экспрессивлик ўзига хос маъно жилвасига эга бўлиб, унда нутқ (сўзловчи)нинг нутқ объектига бўлган субъектив муносабати ифодаланadi.³ Умуман, экспрессивлик бадий-тасвирий ифодалиликдан ташқари, англашилаётган тушунчага сўзловчининг нутқ ситуацияси билан боғлиқ муносабатини кучли таъсир ила ифодали етказиш имкониятини беради.

Экспрессивлик коммуникация жараёнининг таркибий қисми саналувчи ҳис-ҳаяжон таркибига кирмайди. Е.Ф. Галкина-Федорукнинг қайд қилишича, гарчанд, ҳис-ҳаяжон ва экспрессия замон ва маконга кўра ёндош ҳодисалар саналса ҳам, ҳис-ҳаяжондан ҳоли бўлган экспрессия ҳам мавжуд: «экспрессия ҳамма вақт ҳис-ҳаяжонлилик касб этавермайди»⁴ Илмий

¹ Мальцев В.А. Эмоция и значение слова // Тезисы докладов Минского госпединститута иностранных языков. XV научная, сессия. Минск: 1963. С.43

² Словарь иностранных слов. Москва: 1967. С.75.

³ Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. Москва: МГУ. 1963. С.104-105.

⁴ Кожина М.Н. Сопоставительное изучение научного стиля и некоторые тенденции его развития в период научно-технической революции. Язык и стиль научной литературы. Сборник. Москва: 1977. С.20.

услуга хос бўёқдорлик ҳам ана шундай ҳис-ҳаяжондан ҳоли бўлади.

М.Н.Кожина тадқиқотларида экспрессивлик ҳис-ҳаяжонга нисбатан кенгрок маънода талқин этилади. Унингча, экспрессивлик ҳис-ҳаяжон ва образлиликни ўзида бирлаштиради.¹ Биз ҳам экспрессивликни шу маънода қўллаймиз.

Рус, инглиз ва бошқа тиллардан шу мавзуга оид адабиётларда экспрессивликнинг илмий услуб учун хос ёки хос эмаслиги ҳақида қарама-қарши фикрлар баён қилинган.

Бир гуруҳ тилшунослар ҳис-ҳаяжон, экспрессивлик илмий услуб учун хос эмас, деган фикрдадир. Бу фикр тарафдорлари билимларнинг математиклашиб бораётганлиги, дедуктив методнинг кенг қўлланаётганлигини илмий услуб учун мутлак умумлаштиришнинг, ифоданинг объективлиги, илмий услубда ижодий тафаккур ва коммуникациянинг бошқа элементлари: ҳис-ҳаяжон, образлилик, экспрессия индивидуалликка йўл қўймайди деб ҳисоблайди. Бу фикр тарафдорлари ифодада сал бўлса ҳам, ҳис-ҳаяжон ва муболағага ўрин берилиши, ҳатто минимум образлилик ҳам ифода аниқлигига путур етказиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Лекин кейинги йилларда юзага келган адабиётларда илмий услуб учун ҳам ҳис-ҳаяжон, субъектив бўёқдорлик хослиги қайд қилинмоқдаки², бунга асос бор, албатта.

Н.М.Розинкина илмий услубга оид адабиётлар ҳам ҳис-ҳаяжонли-субъектив баҳо элементларига эга эканлигини инглиз тили илмий услубига оид ашёвий материаллар асосида исботлаб беради. Унинг қайд қилишича, мантикий услуб ҳис-ҳаяжонли бўёққа, ҳис-ҳаяжонли нутқ қатъий мантикий қурилишга эга бўлиши керак.³

О.А.Крилова бу масалада иккиланади. Бир ўринда илмий

¹ Кожина М.Н. Сопоставительное изучение научного стиля и некоторые тенденции его развития в период научно-технической революции. Язык и стиль научной литературы. Сборник. Москва: 1977. С.20.

² Кожина М.Н. О понимании научного стиля и его эволюция в период научно-технического прогресса // Научно-техническая революция и функционирование языков мира. Москва: Наука. 1977. С.190. Будагов Р.А. Человек и его язык. Москва: Наука. 1974. С.42; Шомакеев А. Илмий стиль ҳақида. Ўзбек тилшунослиги масалари тўплами. Тошкент: 1973. 38-бет.

³ Розинкина Н.М. Стилистика-английской научной речи. Москва: Наука. 1972. С.62.

услуг учун ҳис-ҳаяжонли-бўёқдорлик хос эмаслигини айтган ҳолда, кейинги ўринда илмий услубнинг баъзи жанрларида (масалан, илмий-оммабоп мақола ва маъруза матнларида) бунга зид фикр билдиради.

Троп, метафора, эпитет ва шу каби бўёқдор воситалардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида гапиради.¹

Маълумки, инсон тафаккури борлиқни сезги аъзолари орқали мантикий билиш қобилиятига эга. Маълум мақсад учун йўналтирилган субъектив муносабат-субъектив баҳо маълум бир фикрнинг исботи учун қаратилган бўлади.

Академик И.П.Павлов рассом ва мутафаккир ҳақида фикр юритиб, улар ўртасидаги фарқ ҳамда ички алоқанинг борлиқни қайд қилади. Фарқ воқелиқни билиш усулида, алоқа тасаввурдаги ҳақиқатни жонлантиришга ҳаракат қилишда деб ҳисоблайди. Мутафаккир ўрганилаётган объектнинг бир бутунлигини назарда тутати. Бу мақсадга матн учун ифода ҳис-ҳаяжонлилигини бериш орқали эришади. Рассомга «борлиқни билиш» учун ифоданинг логиклиги кўл келади.² Шунга ўхшаш фикр машҳур олим А.Эйнштейнда ҳам мавжуд, «Ўйлаш (воображение), - деб ёзади у, - билимга қараганда муҳимдир, чунки билим чегараланган, ўйлаш эса оламда мавжуд барча нарсаларни қамраб олади, прогрессни рағбатлантиради... Қатъий айтганда, ўйлаш илмий тадқиқотда реал далилдир».³ И.Павлов ва А.Эйнштейнларнинг бу мушоҳадлари илмий услубда мантикийлик ва ҳис-ҳаяжоннинг ўзаро муносабатини тўғри англашда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ижод психологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотларда ҳам тафаккур ва унинг ташқи ифодаси бўлмиш субъектив баҳо, ҳис-ҳаяжон ва экспрессиядан холи бўла олмаслиги кўрсатиб ўтилади.⁴

Илмий услубда фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш ва «ҳаяжонсиз» мантикий ҳукм ҳамроҳликда ҳис-ҳаяжонли субь-

¹ Крылова О.А. Основы функциональной стилистики русского языка. Москва: Наука. 1979. С.54.

² Павлов И.П. Полное собрание сочинений. Изд. второе, кн.3. Москва: 1956. С.213.

³ Эйнштейн А. Собрание научных трудов. 4-том. Москва: 1967. С.142.

⁴ Милованова Н.Я. Экспрессивность в стиле научной прозы: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Баку: 1982. С.10.

ектив баҳо билан қўшилиб, илмий далилларнинг асослилигини англаш имконини яратади.

Р.А.Будаговнинг қайд қилишича, услуб аниқлигини унинг образлилигига (кенг маънода ҳис-ҳаяжонлилигига) зид қўйиб бўлмайди». ¹ А.С.Орлова тадқиқотлари атоқли олим А.Н.Крилов асарларидаги экспрессивлик ва ҳис-ҳаяжон ҳақида ишончли маълумотлар беради. ² Ўзбек тили илмий услубига оид адабиётларда ҳам тилнинг лексик, фразеологик, морфологик, синтактик воситаларининг экспрессия учун ишлатилиши этироф этилади.

Дарҳақиқат, илмий услубда қўлланилаётган турли ўхшатишлар, метафоралар, эпитетлар, фразеологизмлар бўёқдорлик учун хизмат қиляпти. Тилнинг грамматик-мантиқий бутунлиги ҳисобланувчи мураккаб илмий матнларга метафора, ўхшатиш, фразеологизм каби лисоний воситалар муносиб либос бўлиб, ўқувчи диққат-эътиборини ўзига тортади, унинг ижодий тасаввурини фаоллаштиради.

Баъзи мисоллар келтирамиз:

География фанига оид илмий нутқда учрайдиган *қора тупроқ, қизил тупроқ, серостона дарё*, астрономияга оид *учар юлдуз, сомон йўли* кабилар ҳам образли номлардир. ³

Тилнинг морфологик бирликларидан салбий ёки ижобий муносабат билдирувчи отлар, субъектив баҳо ифода қилувчи сўзлар, айрим олмошлар, юкламалар ҳам илмий услубда мана шу вазифани бажаради. ⁴

Шу равишда она таъсирида Фозилхўжа драматизми трагизмга ўсиб ўтиш хавфидан ҳоли бўлади. Қахрамон ўзида яна курашчанлик руҳини тиклайди-ю, аммо қандай курашади, ҳали курашнинг тўғри йўлини билмайди-ку! (Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1980, №1. 29-б.).

Илмий услубда экспрессивлик учун синтактик имкониятлардан кенг фойдаланилади. Бунда қўлланилган турли синтак-

¹ Будагов Р.А. Язык, история и современность. Москва: Наука. 1971.С.145.

² Орлова А.С.Язык русских писателей. Москва: Наука. 1978. С.177-178.

³ Шомақсудов А. Илмий стиль ҳақида.Ўзбек тилшунослиги масалалари тўплами. Тошкент: 46-бет.

⁴ Мисолларнинг ҳажм жиҳатидан катталлиги ҳамма ўринларда ҳам мисол келтириш имконини бермади.

тик фигуралар (градация, антитеза, такрор, параллелизм, эллипсис, риторик сўроқ кабилар) бўёқдорлик учун хизмат қилади.

Маълумки, илмий ифода учун мантикий синтаксис изчилликни таъминловчи сўзнинг маълум бир тартибига амал қилиш меъёрдир. Лекин илмий услубда ҳам, айрим услубий (айниқса бўёқдорлик) талабларга кўра, гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгартирилади. Бу эса инверсиядир. Тилда ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз умумий қоидадан чекиниш ҳодисаси бўлмаганидай, гапда одатдаги тартибнинг ўзгариши (инверсия) ҳам тасодифий ҳодиса эмас. У услубнинг таъсирчанлиги, экспрессивлик каби мақсадлар учун хизмат қилади:

Аниқроғи, унинг шеърларидан рус ўрмонларининг нафаси қайин ва арчазорларнинг оқ қайин шарбатидек ширин таъмлари ва бўйлари уфуриб туради. Шоир миллий заминдан узилмаган ҳолда бой рус ва илғор Фарб поэтик бисотини чуқур ўзлаштиргани меваси бу («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1980, №1. 39-б.).

Илмий услубда риторик сўроқ гапларга ҳам услубий воcита сифатида мурожаат қилинади. Бу ҳам услубнинг экспрессивлиги учун хизмат қилади:

Зотан «Ўтган кунлар» да муҳим зоявий эстетик концепция негизида чин инсонийлик муҳаббатини ифодалаган Отабек ва Кумушбиларнинг эзгу ҳаётини захарлаган чиркин одаларни ташувчи Ўзбек ойим ёзувчининг сатирик тизига учрамаганми? Ўзбек ойим чала думбул табиатли бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўтқирлиги билан машхур эди қабилда таърифланиши, унинг ички дунёсидаги заифликлар билан ташқи хатти-ҳаракатлари даъвоси ўртасидаги қарама-қаршиликлар мавжудлига сатирик образларга хос ички кулгили конфликт эмасми? Назаримда, Ўзбек ойим том маъносида адиб сатирик образи сифатида гадаланади («Ўзбек тили ва адабиёти» журна-ли, 1976, № 5. 13-б.).

Илмий услубда қўлланиладиган айрим сўроқ ва ундов гаплар ҳам экспрессивлик учун хизмат қилади:

Хўш, қисқа вақт ичида мавжуд бўлган резонанс ўзининг индивидуал хусусиятларини йўқотмаган -кси минус гиперон ва

Пи-мезоннинг оддий бирикмасими ёки бу вақт ичиди у 0 деб аталувчи заррами? Ёки бундай қисқа вақтларда зарра ва бирикма тушунчаси учун бу назарда тутган фарқнинг маъноси йўқми? Бу саволларга фан ҳали жавоб бера олмайди (Бекжонов Р. Ядро физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975. 241- б.).

Илмий услубда кўлланиладиган айрим кириш ва киритма конструкциялар ҳам сўзловчининг айтилаётган фикрига бўлган муносабатини ифода қилади:

Албатта, нишон-ядронинг бошланғич ҳолатининг ўзгариши реакция натижасида бир ёки бир неча ядроларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин (Бекжонов Р. Ядро физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975, 138-б.).

Илмий матнларда экспрессиянинг айрим гап бўлаклари, оборотлар, эргаш гаплар, бутун-бутун гапларни маълум мақсад учун ажратиш усулидан ҳам кенг фойдаланилади.

Биз юқорида илмий услубда экспрессивликни ифода қилувчи воситаларнинг айримлари ҳақида фикр юритдик. Иш-бот учун келтирилган далилларнинг аксарияти илмий-ижтимоий матнлардан олинди. Объекти жамият кишиларнинг маънавий фаолияти бўлган илмий ижтимоий матнларда тилнинг бўёқдор воситаларига нисбатан кўп мурожаат қилинади. Бу деган гап математика, механика, физика каби аниқ фанларда экспрессия воситаларига мурожаат қилинмайди, деган гап эмас. Бундай матнларда ҳам экспрессия воситаларига мурожаат қилинади. Фан, - деб ёзади Эйнштейн, - қанча ўткирлашиб ва ихтисослашиб борса, унинг муҳим белгилари техник аппаратларсиз ҳам шунчалик равшан ва осон сезила бошлайди.¹

Ҳис-ҳаяжон категорияси бирон илмий муаммони ранг-баранглиги билан қисқа, жонли қилиб ифодалашда, айниқса фан ютуқларини оммалаштиришда ҳам аҳамият касб этиши мумкинлигини кўрсатади. Фақат «машина тафаккури», «машина тили» соф мантиқий, мутлак умумлашган - абстракциялашган бўлиши мумкин.

Илмий услубда, унинг қайси услубий шохобчаси

¹ Собрание научных трудов. Том 4. Москва: 1967. С. 194.

бўлишидан қатъи назар, ўзига хос экспрессивлик бўлади. Бундай экспрессивлик, гарчанд, махсус ва тегишли лисоний воситалар — ифодавий маркерлар билан шаклий қиёфасини топмаган бўлса-да, тингловчининг ана шу илмий асар мансуб бўлган фанга эҳтироми, қизиқиши каби интеллектуал ҳиссий қобилияти билан боғлиқ бўлади. Бу хусусиятни бадиий матнга қиёсласа ҳам бўлади. Бадиий услубга хос матнларда бўёқдорлик қанчалик кучли бўлмасин, у қанчалик бой лисоний воситалар орқали берилмасин, шу бадиий матнни бадиий адабиётга мухлис сифатида эҳтиром қўймаган шахс эҳтиросиз ўқийди, ундаги бадиий маънавий таъсирни сезмайди. Бундан шу нарса аниқ сезиладики, экспрессивликни тасаввур этиш икки томонлама бўлади: ҳам сўзловчи - субъект (адресант), ҳам тингловчи — объект (адресант) нинг бир хил маънавий ва бадиий, ижтимоий ва таълимий тайёрлигига боғлиқ. Айниқса, экспрессивлик ва унинг таъсир кучи, меъёрида тингловчи - адресантнинг матнни, унинг мазмунини касбий ва нокасбий тарзда қабул қилишига, унга касбий ва коммуникатив муносабатда ёндашувига боғлиқ.

Кишилиқ тафаккури учун, унинг табиий иши учун, нутқнинг илмий услуби учун бошқа белгилар, масалан, субъектга бўёқдорлик ҳам хосдир. Бу кўпроқ илмий баҳслашувда намоён булади.

Хуллас, экспрессивлик илмий услубда мавжуд табиий ва зарурий хусусиятлардан биридир. Экспрессивлик илмий услубнинг, етакчи бўлмаса-да, аммо етарлича аҳамиятга молик бўлган услубий қирраларидан бири ҳисобланади.

II БОБ. ИЛМИЙ УСЛУБДА СОДДА ГАПЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Илмий услубда гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари

Гапнинг дарак, сўроқ ва буйруқ сингари кузатилган мақсадга кўра турларидан нутқ услубларининг барчасида фойдаланилади. Буларнинг ҳар бири нутқ услубларида қўлланишига қараб айрим ўзига хос белгиларга эга бўлади.

Дарак гап. Дарак гаплар нутқда гапнинг бошқа турларига нисбатан фаол қўлланади. Ҳатто, йирик бир матн фақат дарак гаплардан иборат бўлади. Бундай гаплар нутқнинг барча услублари таркибида қўлланилади. Илмий, расмий иш қоғозлари услубига оид матнлар асосан дарак гаплардан иборатдир. Бадиий адабиётда табиат манзараси, образларнинг портрети, уларнинг ситуатив ҳолати дарак гаплар орқали берилади.

Маълумки, бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш ёки предмет белгисининг мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор қилиш лозим топилса, дарак гапга мурожаат қилинади. Дарак гаплар хабар билан бир қаторда, гумон, севинч, ачиниш, орзу-истак, маслаҳат каби кўшимча маъноларни ҳам ифодалайди. Бунда кесимнинг шакли ҳам муҳим роль ўйнаб, бундай гапдаги маънолар бадиий услуб учун хосланади. Масалан:

-Хатлашиб турайлик, Бўтабой, Энди Берлинда кўришгунча, хайр.

Лагерга жўнаш олдидан лейтенантдан: «Ўша одамни яна бир кўрсам»,- деб илтимос қилибди (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, 3-том, 42-43-бетлар).

Игна билан битадиган ишга жуволдиз тиқиб ўтирмасангиз, сизнинг ўша одамларингиздан бирини киргизсак. Ўзингиз тавсия қилсангиз (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, 3-том, 79-бет.).

Эртадан кейин мактабларда ўқув йилининг якуни тўғрисида очиқ партия мажлиси ўтказмоқчи эдик, биринчи масала қилиб сизнинг ҳисоботингизни қўйсак (Абдулла Қаҳҳор. Ўша асар, 111-б.).

Мисоллардан кўринадики, дарак гапларнинг ачиниш, орзу-истак каби маъноларни ифодалаш илмий асарлар учун хос эмас.

Илмий услубда қўлланувчи дарак гапларда ҳукм аниқ бўлади. Монография, дарслик, илмий-оммабоп ёки илмий мақола матнлари деярли дарак гаплардан тузилади, лекин, бу илмий услубда сўроқ, буйруқ гаплар умуман қўлланилмайди, деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Сўроқ гап. Илмий услубда баъзан ҳам сўроқ, ҳам буйруқ гапларга мурожаат қилинади, лекин сўроқ ва буйруқ гапларнинг илмий услубгагина хосланган кўринишлари бўлиб, уларнинг барча прагматик кўринишлари бу услубга хос матнларда қўлланилмайди.

Илмий услубда риторик сўроқ гаплар, сўроқ-буйруқ гаплар умуман олганда ишлатилмайди. Унда кўпроқ мазмуни умумга қаратилган соф сўроқ гаплар кўпроқ ишлатилади. Айрим олинган конкрет шахсга қаратилган сўроқ гаплар қўлланилмайди. Тингловчидан бундай гапларнинг жавоби кутилмайди, аксинча, муаллифнинг ўзи унга жавоб қайтаради. Масалан:

Чексиз касрларда шунга ўхшаш ҳол ҳамма вақт учрайдими ёки бошқа ҳоллар ҳам бўлиши мумкинми? Умуман, чексиз каср билан ифодаланувчи рационал соннинг умумий кўринишини кўрсатиши мумкинми? Китобхон бундан бошқа саволларни ҳам қўйиши мумкин. Биринчи саволнинг жавобини мисолдан бошлаймиз ва $0,5875$ сонини оламиз. Бу сони $5875/10000$ кўринишида ёзиши мумкин (Қобулов В.Қ. Кўрсатилган асар, 15-бет).

Резонанс зарра нима: янги заррами ёки эски ядронинг (неон ва нуклоннинг) бизга номаълум янги кўринишдаги ўзаро таъсирининг маҳсулими? Шунга айтиши лозимки, резонансларни барқарор ва метастабил зарраларни характерловчи квант сонлари билан тасвирлаш мумкин (Бежонов Р. Кўрсатилган асар, 240-бет).

Илмий услубда адресантнинг-ўқувчининг диққатини у ёки бу масалага тортиш воситаси сифатидаги сўроқ гаплар кўп

қўлланилади.

Сўроқнинг эвристик тавсифдаги туридан фойдаланилади. Унда сўроқ тингловчига эмас, сўзловчининг ўзига қаратилади. Шу боис, жавоб ҳам тингловчидан эмас, балки сўзловчининг ўзидан кутилади.

Мен бундан бир неча йил олдин баъзи бир асарларимда «Фурқат ўзбек адабиётида сўнги классик шоир бўлди» деган тезисни олдин сурган эдим. Бу тезис тўғрими? Менимча, шартли равишда бу тезис ҳали ҳам тўғридир (М.Шайхзода. Кўрсатилган асар, 71- б.).

Илмий услубда баъзан риторик сўроқ гапларга ҳам услубий восита сифатида муружаат қилинади. Булар услубнинг ҳис-ҳаяжонли-бўёқдор жабҳаси учун хизмат қилади. Масалан:

Шу қонуннинг талабига кўра, одамлар бир-бирларига меҳрибон бўлишлари, айниқса, қариндош-уруғлар ўртасида тотувлик, меҳр-шафқат ҳукм сурмоғи зарур, ўтганларга эҳтиром, тирикларга эъзоз кўрсатиш бу қонуннинг асосий шартларидан биридир: ҳар қандай одам ўлган кишининг мурдасини, албатта, дафн қилмоғи даркор. Модомики шундай экан, аканинг жасадини ер бағрига топишириш сингилнинг энг муқаддас вазифаси эмасми?!

Бу бурчни бажармаслик фоний бандаларнинг ҳукмидан кўрқиб, барҳаёт маъбудлар томонидан инсон виждонига юкланган муқаддас қонунлардан юз ўгириш бўлмайdimи? (Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. 143-б.).

Илмий услубда қўлланган соф сўроқ гапларни маъно жиҳатдан икки турга бўлиш мумкин:

1. Бирор муаммоли илмий масала сўроқ йўли билан ўртага ташланади. Бунда ўқувчининг диққат-эътиборини баён этилаётган фикрга қаратиш, ўқувчини қизиқтириш, фикрнинг тўғрилигини таъкидлаш мақсадлари кўзда тутилади:

Маълумки, сонлар кетма-кетлиги математик анализ курсида ҳар томонлама ўрганилган. Шундай экан, сонлар кетма-кетлигининг хоссаларига қараб функциялар кетма-кетлигининг хусусиятларини аниқлаш мумкинми? Биз қуйида ана шундай саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик

(Қобулов В.Г. Ўша асар, 86-бет).

2. Сўроқ мазмунли гап мунозара-муҳокамага олиб киришни кўзда тутган бўлади. Унда жавоб тарзидаги фикрлар ҳар хил бўлади, бири бошқасини инкор этади. Шу боис, сўроқ барчага қаратилади ва жавобни муаллифнинг ўзи беради. Масалан:

Нима учун улар бир зумда парчаланмайди? Нима учун баъзи ядроларнинг парчаланishi учун кўп йил талаб этади, деган саволларнинг берилиши табиийдир. Бу саволларга жавоб бериш учун ядро ичидаги ва унинг яқинидаги потенциал энергия ўзгаришини кўздан кечириш лозим (Бекжонов Р. Атом ядроси ва зарралар физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995, 104-б).

Соф сўроқ гаплар илмий услубнинг дарслик типидagi турлари учун хос. Бундай сўроқ умумга қаратилади, жавоби ҳам сўзловчининг, ҳам тингловчининг иштирокида, бамаслаҳат, ҳамфикрликда ҳал қилинади.

6,52 рух мўл миқдор сульфат кислота билан реакцияга киришганда неча грамм водород ажралиб чиқади? Бу масалани кўпчилик қўйидагича ечади... Бундай тенгламаларга бирор умумий нуқтаи назардан қараш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун умумий белгилар киритамиз (Қобулов В. Г. Ўша асар, 9- бет).

Сўроқ гаплар грамматик асосига кўра, содда (монопредикатив) ва кўшма (полипредикатив) гапларга бўлинади. Содда сўроқ гаплар йиғиқ ва ёйиқ шаклда кўлланади. Монопредикатив (содда) сўроқ гапнинг йиғиқ шакли кўпинча, бир сўздан иборат бўлиб, сўроқ билан бирга кўрқиш, қувонч, таажжуб, ишонмаслик каби прагматик маънолар ифодалайди. Айрим товушлар ҳам йиғиқ содда гап вазифасида кела олади. Лекин уларнинг гаплик мақомини контекст - матн белгилайди. Улар асосан диалогда учрайди. Содда гапнинг бу тури илмий нутқ учун хос эмас.

Полипредикатив (кўшма) тавсифдаги сўроқ гаплар ахборотнинг қамровига кўра бир хил ёки ҳар хил хабарли бўлиши мумкин. Бир хил хабарли полипредикатив сўроқ гапнинг ҳар бир компоненти ҳам сўроқ мазмунли бўлади. Турли хил хабарли полипредикатив сўроқ гапларнинг компонентларидан бири сўроқ мазмунли бўлса, бошқалари дарак, буйруқ маъноли

бўлади. Булар илмий услубга хос бўлмаган сўроқ гаплардир. »)

Буйруқ гап. Фан ва техниканинг айрим соҳалари, масалан, математика, физика, химияга оид адабиётларга хос матнларда буйруқ гаплар ҳам анча кенг қўлланилади. Бу, айниқса, турли топшириқлар аксини топган илмий матнларда кўп учрайди. *(0.1) сегментнинг барча нуқталарини иккилик саноқ системасида ифодалаб, шу ифодадаги жуфт ўринлар ноллардан иборат бўлган нуқталар тўплами E орқали белгиланган бўлсин. $TE = 0$ эканлигини исботланг.*

Ўзгариши чегараланган вазифанинг узлиши нуқталари сони фақатгина саноқли бўлиши мумкинлигини кўрсатинг. (Қобулов В.К. Ўша асар, 114- б.).

Баъзан математика, геометрия, тригонометрия каби фанларда маълум бир теоремаларни исботлашда берилаётгани амалнинг кесими III шахс буйруқ майли шаклида бўлади. Масалан:

A тўпلامнинг функциялари текис чегараланган ва тенг даражада узлуксиз бўлсин.

Ҳақиқатан ҳам, фараз қилайлик, H ҳақиқий Гильберт фазоси бўлиб, A аддитив оператор H нинг ҳамма жойида зич бўлган $E = H_n$ тўпلامда аниқланган бўлсин (Қобулов В.К. Ўша асар. 145, 331 бетлар).

Илмий услубда исботлаш, далиллаш кучли бўлганлигидан, қавс ичида буйруқ гап шаклида... *расмга қаралсин, ...жадвалга қаралсин, ... бобга қаралсин* каби илова конструкциялар ҳам учрайдики, бу илмий нутқ матнига хос бўлган хусусий ҳол ҳисобланади. Масалан:

Кўринадики, ўзбек тили илмий матнларида гапнинг барча коммуникатив турлари ўзига хос тарзда, у ёки бу даражада қўлланади. Соф илмий баёнда асосан дарак гаплар, қисман сўроқ гаплар қўлланса, илмий топшириқли, илмий-ўқув адабиётларида сўроқ гапларнинг қўлланишида ҳам устуворлик кузатилади.

2.2. Илмий услубда сўз тартиби

Сўзлар ўзаро бирикиб коммуникатив вазифани бажариши, бирор фикр ифодалаш учун гап таркибида маълум изчилликда келиши керак. Бу изчиллик тартибдир, тартиб эса гап учун зарурий, ҳар қандай тилда энг аввало, синтактик муаммодир. Чунки аслида гап ўз таркиби, оҳанги ва сўзлар тартибининг муайян бирлигидан иборатдир.¹ Таниқли тилшунос А.Ғуломов тартибнинг гап бўлақларининг грамматик мақомини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини айтади². М.З.Закиевнинг фикрича, сўз тартиби нутқ қурилишининг табиатига оиддир³. Крутельницкая фикрича ҳам, сўз тартиби гап грамматик шаклининг муҳим ва ўзига хос қурилиш қисмларидан бири саналади. А.С.Мельничук эса сўз тартиби, маъно урғуси (логик урғу) ва гапнинг синтагматик бўлинишини рус тилида синтактик воситаларнинг алоҳида гуруҳининг тонацион-позицион воситалар деб атади⁴.

Гапда сўз тартиби турли вазифани бажаради,⁵ яъни гап бўлақлари тартиби синтактик ва услубий аҳамиятга эга бўлади. Тартиб синтактик роль ўйнаганда, тартибнинг ўзгариши конструкциянинг семантик-грамматик табиатини ўзгартириб юборади; услубий роль ўйнаганда, тартибнинг ўзгариши унинг мазмуни ва грамматик табиатини ўзгартириб юбормайди. Масалан, *Қўшма сўзни белгилашда бирорта ҳам грамматик қолип универсал ҳукм чиқариш учун асос бўла олмайди* гапидаги кесимда бошқа бўлақлар ўрнини алмаштирганда, яна қуйидагича кўриниш ҳосил бўлади:

1. *Бирорта ҳам грамматик қолип қўшма сўзни белгилашда универсал ҳукм чиқариш учун асос бўла олмайди.*

2. *Универсал ҳукм чиқариш учун бирорта ҳам грамматик қолип қўшма сўзни белгилашда асос бўла олмайди.*

¹ Виноградов В.В. Некоторые задачи изучения синтаксиса простого предложения // Вопросы языкознания. Москва: 1954. №1. С.22.

² Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз тартиби // Шарқ юлдузи. 1946. №4,5.

³ Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. Казань: Казанский университет, 1963. С.385.

⁴ Мельничук А.С. Порядок слов и синтагматическое членение предложений в славянских языках. Киев: 1958. С.61.

⁵ Тугушева Л.Ю. О порядке слов в тюркских языках. Тюркологический сборник. Москва: 1966. С.120.

Гапнинг биринчи варианты (*Кўшма сўзни белгилашда бирорта ҳам грамматик қолип универсал ҳукм чиқариш учун асос бўла олмайди*) билан кейинги икки вариант орасида грамматик томондан фарқ йўқ: иккала вариантда ҳам гапнинг ҳар икки бош бўлаги ҳамда иккинчи даражали бўлаклари (аниқловчи, воситасиз тўлдирувчи) қатнашган, ўрин алмаштиришлар гап таркибидаги бўлақларнинг грамматик табиатини ўзгартирган эмас. Лекин семантик-услубий жиҳатдан бу гапнинг юқоридаги икки варианты бир-биридан фарқланади: биринчи вариантда асосий эътибор фикр субъектига, кейинги вариантда гапда англашилган ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш сабабига қаратилган. Лекин бу мисолда тартибнинг ўзгариши гапнинг грамматик ҳолатига таъсир этмас экан, деган хулосага олиб келмаслиги керак; тартибнинг ўзгариши грамматик ҳолатни ўзгартириши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳар қандай ўрин алмаштириш гапнинг семантик услубий структурасига, қисман бўлса-да, грамматик ҳолатига таъсир этиши ҳам, таъсир этмаслиги ҳам мумкин.

Демак, ўзбек тилининг синтактик қурилишида ҳам тартиб рус тилиники каби, ... «грамматик жиҳатдан эркин бўлса ҳам, услубий жиҳатдан эркин эмасдир»¹.

Маълумки, илмий ифода учун мантиқий изчилликнинг бўлиши шарт. Мантиқий изчилликнинг таъминланишида сўз тартибига амал қилиш муҳим. Академик И.И.Давидов қайд қилганидек, сўзларнинг жойлашиши услубнинг энг нозик сирларидандир².

Фикрни аниқ, изчиллик билан ифода қилиш талабига кўра, баъзан гап бўлаклари тартиби ўзгариши ҳам мумкин. Бунда эганинг гапда жойлашиш ўрни кўзда тутилади.

Ўзбек тилида кесим, аниқловчи ва равиш ҳолининг ўрни ўзгармас характерга эга. Кесим гап охирида, аниқловчи+аниқланмишдан олдин, равиш холи эса кесим олди-дан келади. Булардан бошқа гап бўлақларида гап таркибида уларнинг белгили ўринлари бўлса ҳам, уларда тартибнинг эр-

¹ Текучева Н.В. Порядок слов именного предложения в современном русском литературном языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ростов на Дону: 1955. С. 2.

² Давидов И.И. Опыт общесравнительной грамматики русского языка. Акад.наук, 1954. С.478.

кинлиги кучлидир, шунинг учун ҳам бу гап бўлаклари турли сабабларга кўра ўзининг одатдаги ўрнини ўзгартириб тура олади. Бу ҳолни илмий услубга хос гап қурилишида ҳам учратишимиз мумкин. Илмий услубда гап кўпинча эга билан эмас, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи билан бошланади. Илмий матнларда тартиб ўзгариши туфайли, гап бошида келган тўлдирувчи ёхуд ҳол — детерминант бўлақлар тавсифида бўлади. Масалан: Тўлдирувчи билан бошланишига: *Симметрикликни кўрсатиш учун* (A_1, \dots, A_n) = (B_1, \dots, B_n) айниятни исбот қилиш керак (Қобулов В.К. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Т., 1976. -337 б.).

Иш-ҳаракат, ҳолатни сўзловчига боғламай, ундан четлаштириб ифода қилиш уни таъкидлашда бу тип гаплар энг қулай воситадир (Расулов И.Р. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Т.:Фан, 1974.176- б.).

Аниқловчи билан:

Бу хил қўшма гапларни кўпинча бир составли ёки тўлиқсиз гаплар ташкил этади (Ўзбек тили грамматикаси, II том. Т.: Фан, 1976.303-б.). *Боғловчисиз қўшма гапларнинг ташкил этган содда гаплар ўзаро тобе ёки тенг боғловчисиз бириқади* (Ўзбек тили грамматикаси, II том. Т.: Фан, 1976. 300-б.).

Қиёслаш, таққослаш маъносини ифодаловчи бирикмаларга баъзи чиқиш келишиги шакли билан бирга кўра кўмакчиси ҳам қўлланади (Ўзбек тили грамматикаси, II том. Т.: Фан, 1976. 51-б.).

Ҳол билан бошланишига:

Бу ерда $a_0 = -3$ $a_3 = 2$ бўлганидан бизнинг даъвога асосан илдизнинг суръати $+1, -1, +3, -3$ сонлардан бирига тенг бўлиши, б махражси эса $+1, -1, +2, -2$ қийматлардан бирини қабул қилиши мумкин, холос (Қобулов В.К. Ўша асар, 27-б.).

Эга ва кесимларнинг жойлашуви икки хил тартибга асосланади:

а) меъёрий (тўғри) тартиб; б) номеъёрий (нотўғри тартиб).

Меъёрий тартибда эга кесимдан олдин келади. Номеъёрий тартибда, аксинча, кесим эгадан олдин келади. Эга ва кесимнинг тўғри - меъёрий - тартиби кўпроқ дарак гапларга хос

бўлиб, у илмий, расмий-идоравий ва иш қоғозлари услубида фаол ишлатилади. Сўзлашув, бадиий ва оммабоп услубга оид адабиётларда эса бу тартиб ўзгариши мумкин, яъни баъзи бир услубий талабларга кўра гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгартирилади - инверсия вужудга келади. Одатдаги тартиб ва инверсия тартиб моҳият эътибори билан бир-бирига зид қўйилувчи, бир-бирини инкор этувчи ҳодисалар эмас¹. Инверсив тартиб ҳам маълум нутқий вазият, контекст - матннинг «одатдаги» талаби асосидаги тартибдир.

Тилда унинг мавжуд умумий қоидалардан ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз чекиниш ҳодисаси бўлмаганидек, гапда одатдаги тартибнинг ўзгариши (инверсия) ҳам тасодифий ҳодиса эмас. Бу фақат ўзбек тилига хос бўлмай, барча туркий тилларга хос бўлган услубий имкониятдир². А.Ғуломов тартиб тарихан грамматик роль ўйнагани - «турғун» бўлгани, эркин тартиб эса тил тараққиётининг кейинги босқичларида пайдо бўлганини айтади³. М.В.Ломоносов⁴ фикрнинг таъсирчанлигини оширишда инверсиянинг роли ғоят каттадир, деб таъкидлайди. Гап бўлақлари инверсияга учраган гаплар, одатдагидай, меъёрий жойлашган гапларга нисбатан тадқиқотчи диққатини ўзига кўпроқ ва алоҳида тортиш хусусиятига эга⁵.

Гап бўлақларининг ўрнини алмаштириш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Гап бўлақлари ўрнининг алмашиши маълум бир лисоний қонун-қоидаларга таянади. Бу қоидаларни суиистеъмол қилиш эса жумланинг ғализлигига, услубий хатolikларга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, тартиб тилнинг шакл томонига тааллуқли бўлиши билан бирга, тилнинг мазмуни билан ҳам узвий боғлангандир. Инверсия туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили илмий услубида ҳам сезиларли даражада кўзга ташланади. Бу ҳол адабий тилимизда турли хил жанр ус-

¹ Ҳайитметов К. Ҳозирги ўзбек адабий тилида инверсия. Филол. фаилари номз. дис. Тошкент-Ургенч: 1967. 44-бет.

² Исследования по сравнительной грамматике порокских языков III. Синтаксис. Москва: 1961. С.22.

³ Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз тартиби // Шарқ юлдузи. 1946. 4-сон. 124-бет.

⁴ Ломоносов М.В. Полное собрание сочинений. Труды по филологии. Т. №7.-Москва-Ленинград: 1952.-С.77.

⁵ Баскаков Н.А. О некоторых типологических изменениях в синтаксисе современных порокских литературных языков. Тюрколог. Сборник. Москва: 1966. С.20.

лубларининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Инверсия одатда бир гап бўлаги доирасида юз беради. Лекин у ўз навбатида бошқа бўлакнинг ҳам ўрнидан силжишига сабаб бўлади. Шунга кўра, биз инверсияни сўз кўшилмалари асосида (эга- кесим, тўлдирувчи-кесим) олиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Эга-кесим инверсияси. Маълумки, услубнинг интеллектуал ва ҳис-ҳаяжонли шакллари бор. Сўзловчи объектив борлиқ ҳақида хабар бериш ва айни вақтда воқеликка нисбатан ўзининг субъектив муносабатларини ҳам билдирар экан, у услубнинг интеллектуал ҳис-ҳаяжонли шаклидан фойдаланади. Эга-кесимнинг инверсияси ҳам ана шундай услуб шаклларида биридир.

Сиртдан қараганда, бу инверсия эга ва кесимнинг ўзаро ўрин алмаштиришидек туюлади. Лекин аслида бундай эмас. Эга – кесим инверсияси кесимни олдинги ўринга кўчириш демакдир. Инверсияда шундай қонун ҳукмронки, гапда бирор бўлак алоҳида ажратилиб, у орқали англашилган маънога эътибор кучайтирилмоқчи бўлса, ўша бўлак, албатта, олдинги ўринга кўчирилади. Шундай экан, гапда кесимга алоҳида ургу берилган ҳолатдагина эга-кесим инверсияси туғилиши мумкин. Эга орқали ифодаланган маънога эътибор кучайтирилмоқчи бўлса, бундай инверсия бўлиши мумкин эмас. Чунки эга кесимдан олдинги ўринда туради, инверсияда бўлса, у кейинги ўринга ўтиши керак. Кейинга ўринга ўтиш эса унинг маъноси-ни бўрттириш учун имкон бермайдигина эмас, балки уни экспрессивлик жиҳатидан иккинчи даражага тушириб кўяди.

Демак, эга-кесим инверсияси деганда, фақат кесимнинг олдинги ўринга кўчиши, кесимдан анланган маънонинг ва у орқали гап мазмунининг бўрттирилиши тушунилади. Кесимнинг олдинга ўтиши эганинг кейинга силжишига олиб келади. Лекин бу ўринда у ҳаракатсиз, кесимнинг ҳаракати натижасида орқага ўтади. Бошқача қилиб айтганда, эга ва кесим ўзаро бири-бирига томон ҳаракат қилмайди, балки эга «кимирламагани» ҳолда, кесим олдига ўтади. Масалан: *Талаблари амирлик тузуми руҳига зид. Лекин амир уларни инobatга олмаса*

бўлмайдиган бир шароитда турибди. Буни талаблар қўяётган шахснинг руҳиятидан сезяпти амир (Ўзбек тили ва адабиёти. 1980, 1-сон. 27-б.). Аниқроғи унинг шеърларидан рус ўрмонларининг ва арчазорларининг оқ қайин шарбатидек таъмлари ва бўйлари уфуриб туради. Шоир миллий заминдан узилмаган ҳолда бой рус ва илғор Фарб поэтик бисотини чуқур ўзлаштиргани меваси бу (Ўзбек тили ва адабиёти. 1980, 1-сон, 39- б.).

Қаҳрамон ва персонажлари ташқи кўринишдан қанақа одамлар эканини, агар зарур бўлиб қолса ҳам, кўтинча ўз нуқтаи назари ила тавсифлаб ўтирмайди бу ёзувчи (Адабиёт назарияси, II том. Т.:Фан, 1979. 135-б.). Аҳмадали тоғам ўқиб берадиган қиссалардаги гўзалларни ана шу келинчак-қизлар қиёфасида, либосида тасаввур этардим мен (Адабиёт назарияси, II том. Т.:Фан, 1979. 143-б.).

Эганинг кесим олдига (унга томон), ҳол тўлдирувчидан кесимга кўчиши унинг орқага кетиши деган гап эмас. Чунки ҳол ва тўлдирувчи эгага алоқадор бўлмаган, кесим составидаги бўлаклардир. Эга-кесим инверсиясида бунинг акси бўлиши мумкинмас (кесим ўз ўрнида тургани ҳолда, эганинг кейинги ўринга ўтиши). Чунки ўзбек тилида ҳар қандай бўлакнинг мазмун жиҳатидан таъкидлаш мақсадида орқага силжиши ғайриқонуний ҳодисадир. Бундай гапда эга ҳеч қачон алоҳида таъкидланмайди, деган хулоса чикмайди. Эга ҳам таъкидланади, лекин инверсия усули билан эмас. Эга таъкидлашнинг алоҳида, жумладан, уни эллиптик гап сифатида такрорлаш усули бор, бу асосан сўзлашув услуби учун хос:

- Бу китобни ким совга қилди?

-Мен, мен совга қилдим.

Бундан ташқари, эга мазмун жиҳатидан бўрттирилмоқчи бўлса, уни ўз ўрнидан кўчирилмагани ҳолда ёки кесим олдига кўчириб, алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади.

Хуллас, эга мазмунини алоҳида бўрттириш ёки унга мантиқий урғу бериш мақсадида у кесимдан мутлақ ҳоким бўлак экани, тартиб бўлса, биринчи ўринда қатъий туриши ҳам сабаб бўлади.

Кесимнинг кўчиши натижасида эганинг орқага ўтиб қолиши эса грамматик жиҳатдан мутлоқ ҳоким бўлак эканини инкор этмайди. Н.К.Дмитриев ўзининг «Содда гапда сўз тартиби» ишида эгага мантиқий урғу берилмоқчи бўлса, уни кесим ўрнига кўчирилади,- деб кўрсатади: «Туркий тиллар синтаксисидида шундай ҳол мавжуд: бутун бир гапда гапнинг қандайдир бир бўлагини мантиқий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш учун мазкур бўлакнинг ўрнини ўзгартириш керак. Шундай қилиб, агар эгани мантиқий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш лозим бўлса (одатдаги дарак гапларда бу ходиса кўп учраб туради), у ҳолда уни кесим ўрнига қўйиш керак.

1. Татар, бошқирд тилларидан: *ул қайтты (он вернулся), қайтты ул (вернулся же он), Сен барба! (ты не ходи!), барба сен! (да не ходи ты!)*¹. Муаллифнинг фикрича, юқоридаги мисолларда эгага алоҳида эътибор бериш учун уни кесим ўрнига кўчирилган.

Бизнингча, кўрсатилган мисоллар алоҳида урғуга эга эмас, кесимга берилаётгани ўз-ўзидан маълум. Айниқса, мисолларнинг муаллиф томонидан берилган русча таржимасига диққат қилинса, сўзловчининг диққат марказида кесимдан анланган маъно турганлиги яққол кўринади.

Хуллас, гапда эгага алоҳида урғу бериш, унинг ҳис-ҳаяжонли кучини орттириш нияти туғилар экан, уни кесим ўрнига (орқага) кўчирилмайди, юқорида айтилганидек, алоҳида усуллардан, масалан, эгани эллиптик гап сифатида такрорлаш усулидан фойдаланилади. Шундай қилиб, эга-кесим инверсиясида бўёқдорлик, ҳис-ҳаяжонга эришиш лозим бўлса, фақат кесим ҳаракат қилади, эгадан олдинги ўринга ўтади.

Кесим предикативликни ифодаловчи асосий қисм, гапни уюштирувчи энг муҳим бўлак экани маълум. «Гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир»². Кесим гапнинг интеллектуал-коммуникатив вазифасини белгиловчи асосий марказ бўлиши билан бирга, унинг ҳис-ҳаяжонли бўёқдор

¹ Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. III т. Синтаксис. Москва: 1961. С.22.

² Гуломов А.Ф. Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1976.65-бет.

оттенкаларини кўрсатишда ҳам энг фаол бўлақдир. Шунга кўра, у турли-туман усуллардан, жумладан, инверсия йўли билан нутқнинг ҳис-ҳаяжонли бўёқдор шаклларини юзага келтиради. Бинобарин, кесим инверсияси (олдинга силжиши) тасодифий ҳодиса бўлмай, экспрессивликни ифодалаш мақсадида юзага келган услубий ҳодисадир.

Составли кесим қисмлари орасида инверсия. Составли кесим қисмлари орасида ҳам инверсия юз беради ва у ҳис-ҳаяжон учун хизмат килади. Феъл + феъл типигаги таркибли кесимнинг кўмакчи қисми *бўлмоқ, тугатмоқ, битирмоқ* феълларидан бўлганда, қисмлараро инверсия юз бериши ва бўёқдорлик ифодаланиши мумкин. Масалан: *ёзиб бўлдим (тугатдим, битирдим)* гапида иш-ҳаракатнинг умуман тугалланганлиги констатация қилинса, *бўлдим ёзиб* шаклида иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги катъий ҳис-ҳаяжон билан ифодаланган бўлади. Кўмакчи қисмнинг олдинга ўтиши, умуман кесимга, айниқса, унинг олдинга кўчган қисмига кучли урғу берилганлигини кўрсатади. Лекин бундай қўлланишида кўмакчи қисм олдинга кўчган бўлишига қарамай, кўмакчилигича қолаверади. Бундай инверсияда кесимнинг асосий коммуникатив маъноси эмас, қўшимча маъноси кучайтирилади.

Етакчи қисм *-а, -й* қўшимчали равишдошлардан тузилган тартибли кесим қисмлари орасида инверсия умуман юз бермайди. Етакчи қисми *-(и) б* аффиксли составли кесимларнинг юқорида кўрсатганимиздан бошқа турларида ҳам қисмлар инверсия ҳолатида бўлмайди, чунки унда грамматик ҳолат ўзгаради. *Ўқиб чиқдим* - кесим, *чиқдим ўқиб, чиқдим* кесим, *ўқиб-ҳол*. Лекин бу кесимда ҳис-ҳаяжон бўлади.

Тўлдирувчи-кесим инверсияси. Тўлдирувчи инверсия туфайли синтактик вазифаси ўзгармайдиган бўлақдир (қиёсламиз: сифатловчи аниқловчи инверсияга учраганда, унинг синтактик қиймати ўзгаради-сифатланмиш эга, сифатловчи кесим мавқеига тушиб қолади).

Одатдаги тартибга кўра тўлдирувчи кесимдан олдинда бўлади. Гапда тўлдирувчи бир нечта бўлиши мумкин. Бу ҳолда тўлдирувчилардан қайси бири мазмун қиймати жиҳатидан

муҳим бўлса, у кесим олдида бўлади, яъни кесим билан препозитив мавқеда бўлган тўлдирувчи мантикий урғу олади. Сўзловчи ўз нутқида иккинчи даражали бўлақлардан (ҳол ва тўлдирувчи) қайси бирини мазмунан ажратиб кўрсатмоқчи бўлса, ўша бўлақ кесим олдида қўлланилади ва алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинади.

Одатдаги тартибга кўра, кесим билан препозитив ҳолда бўлган тўлдирувчи ўз ўрнида тургани ҳолда, кўтаринки оҳанг билан талаффуз этилади. Лекин ҳеч қачон кесимдан орқага кўчирилмайди.

Гапда воситасиз тўлдирувчи ҳам, воситали тўлдирувчи ҳам иштирок этган бўлса, одатдаги тартибга кўра, аввал воситали тўлдирувчи, кейин воситасиз тўлдирувчи (грамматик шаклланмаган бўлса) жойлашади. Худди шу тартибда тузилган гапда агар воситасиз тўлдирувчига урғу бериладиган бўлса, у ўз ўрнида тургани ҳолда, алоҳида инверсия билан талаффуз қилинади. *Мен сизга ўз ҳурматимни билдираянман!* Агар шу гапда воситали тўлдирувчининг маъноси кучайтирилмоқчи бўлса, у кесим олдида ўтказилиб, кўтаринки оҳанг билан айтилади, маълум бир услубий мақсад кўзда тутилади: *Мен ўз ҳурматимни сизга билдираянман!*

Тўлдирувчи ҳол каби бўлақлардан қайси бири бўлмасин, кесимдан орқага кўчирилар экан, албатта, кесим маъно жиҳатидан бўрттирилган бўлади, шу кесим орқали бутун гап ҳис-ҳаяжонли характер касб этади. Агар орқага кўчадиган тўлдирувчининг аниқловчиси бўлса, у ҳам тўлдирувчи билан бирга кўчирилади. Масалан: *Аксарият мана шу икки томон контакт ҳолда намоён бўлади, у яратадиган портретларда* (Адабиёт назарияси, II том. Т., 1979.96- б.).

Воситасиз тўлдирувчи одатдаги тартибга кўра кесим олдида туришини айтган эдик. Бўёқдорлик мақсадида воситали тўлдирувчи кесим олдида ўтказилади, бу ўзгариш ўз навбатида воситасиз тўлдирувчининг ё ундан олдинга ёки кесимдан кейинга ўтиб қолишига сабаб бўлади. Воситасиз тўлдирувчининг ўрнидан кўчишидаги ҳар иккала ҳолат ҳам бир-биридан фарқ қилмайди: иккала ҳолатда ҳам у маъно жиҳатидан унча

аҳамиятга эга бўлмаган бўлак ҳисобланади. Инверсияда шу қоида қатъийки, кесим ўз ўрнидан кўчар экан, бошқа бирор бўлак эмас, кесимга эътибор кучайтирилган бўлади. Чунки ҳар қандай ҳолда ҳам кесим орқага эмас, олдинга кўчади. Олдинга кўчиш эса прогресс бўлиб, прогресс ўсиш, ортиш, кучайиш каби тушунчалар орасида объектив боғланиш бор.

Айрим тадқиқотчилар тўлдирувчи кесимдан кейинга ўтса, у мазмун жиҳатидан алоҳида таъкидланган бўлади, деб қайд этади:

“Агар тўлдирувчи кесимдан кейинга жойлашса, у далилни ажратиб кўрсатиш маъносини ифодалайди”¹. Буни илмий услубда учровчи тўлдирувчи-кесим инверсияси ҳам исботлайди. Чунки тўлдирувчининг кесимдан кейин кўлланишида ўқувчи диққати ҳаракатга эмас, ҳаракат объектига тортилади, таъкид мазмуни англашилади.

Шундай қилиб, тўлдирувчи ва кесим орасидаги инверсия сўзлашув, бадиий услубда фикрни ҳис-ҳаяжонли тарзда ифодалаш учун хизмат қилса, илмий услубда муайян далилни мантиқий ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади.

Ҳол-кесим инверсияси. Маълумки, ҳолнинг бир неча тури бор², Уларнинг коммуникатив вазифаси турлича бўлганидан, кесимга боғланиш даражаси ҳам турличадир. Хусусан, ўрин ҳоли билан равиш ҳолининг кесимга боғланиш даражасини тенглаштириб бўлмайди. Кўпчилик ўрин ва пайт ҳоллари тўғридан-тўғри кесимга алоқадор бўлмай, бутун гап мазмунига алоқадордир. Равиш ҳоли эса ундай эмас, у кесимга анча зич боғланган, чунки равиш ҳоли кесимнинг белги характеристикасини (тор маънода) кўрсатувчи бўлақдир. Шунингдек, у кесимга кўпинча грамматик шаклланмаган ҳолда (битишув йўли билан) боғланади. Шунга кўра, ўрин ва пайт ҳоллари гапда кесимдан анча узоқда (гап бошида) келавергани ҳолда, равиш ҳоли кўпинча кесим билан препозитив ҳолатда жойлаша-

¹ Турапова М.Ш. Порядок членов предложения в узбекских говорах: Автореф. дисс.... канд.филол.наук. Тошкент: 1972. С. 15.

² Мавжуд грамматик адабиётда ҳолнинг асосий 6 тури, айримларида 8 тури берилган. «Ҳол» мавзуси бўйича махсус тадқиқот ўтказган Ф.Убаева, ҳолнинг 9 тури, жумладан, инкор, миқдор, натижа, тартиб, биргалик, ёлғиз, ўхшаш, шарт, тўсиқсиз ҳоллари борлигини кўрсатади. Убаева Ф. Ҳол катгорияси. Тошкент: 1971. 19-бет.

ди. Кесимдан анча узоқ, масалан, гап бошида жойлашган ўрин ва пайт ҳоллари, шунингдек, ҳолнинг булардан бошқа турлари ҳам, детерминант бўлақлар тавсифида бўлади.

Ҳолнинг бошқа турлари, юқорида кўрсатилганидек, коммуникатив вазифасига кўра, маълум тартибда жойлашади, яъни уларнинг қайси бири маъно жиҳатидан бирламчи бўлса (сўзловчи нуктаи назаридан), ўша кесимга яқин (унга препозитив) жойлашган бўлади.

Кесимга нисбатан препозитив мавқеда жойлашган ҳол оғзаки нутқда кўтаринки оҳанг билан айтилади. Кесимга нисбатан узоқ жойлашган ҳоллар - детерминантлар услубий мақсадда кесим олдига кўчирилиб, алоҳида оҳангда бўлади.

Илмий услубда ҳолнинг детерминант кўринишлари ҳам, унинг одатдаги кўринишлари ҳам барабар ишлатилаверади. Унда ҳол кесимга нисбатан препозитив тартибда жойлашади. Ҳол ва детерминант ҳолларни фарқлаш осон. У гапнинг грамматик типлари билан алоқадор бўлади. Одатдаги ҳоллар (детерминант бўлмаганлари) феълли гаплар таркибида бўлади, ҳол-детерминантлар эса отли гаплар таркибига хосдир. Ҳол-детерминантларнинг отли гаплар таркибига хослиги уларнинг феълли гапларда ҳам мавжуд бўла олишини инкор этмайди.

Муҳими шундаки, илмий услуб учун ҳолнинг кесимдан кейин жойлашиши хос эмас. Бу жонли услубга хосдир.

Аниқловчи-аниқланмиш инверсияси. Гапнинг структурал қурилишида тутган ўрнига кўра аниқловчи-аниқланмиш бирикмаси бошқа бирикмалардан (тўлдирувчи, бошқарувчи ҳол бошқарувчилардан) кескин фарқ қилади.

Аниқловчи бирикма гап структурасининг факультатив тавсифдаги элементлари саналади, шу жиҳатдан у гап таркибининг облигатор қисмлари бўла олмайди. Бундай фикр Н.А.Баскаковнинг «Қорақалпоқ тилида содда гаплар» номли ишида ҳам қувватланган¹. У содда гап синтактик қурилишини куйидаги схемада кўрсатади; О - П — КН — ПД -С (ҳол-эга-воситали тўлдирувчи-воситасиз тўлдирувчи-кесим). Агар гапда

¹ Баскаков Н.А. Простое предложение в каракалпаком языке // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Синтаксис. Москва: 1961. С.62-65.

аниқловчи ҳам иштирок этган бўлса, яъни эганинг аниқловчиси бўлса, у юқоридаги схемада акс эттирилган эга ишораси устига кичкина -аниқловчи ишорасини кўшиб кўяди. Шунингдек, эганинг ҳам, тўлдирувчиларнинг ҳам аниқловчиси бўлса, уни схемада қуйидагича кўрсатади: О -^оП -^оКД -^оПД - С.

Аниқловчи гапда фақат ўз аниқланмиши билан алоқага киришади. Аниқланмиш эса гапнинг қайси бўлаги эканлигига кўра, ўз навбатида гапнинг бошқа бўлаклари билан боғланади.

Сифатловчили бирикма компонентлари орасида, юқорида айтилган сабабларга кўра инверсия юз бермайди.

Хуллас, ҳозирги ўзбек тилида сифатловчили бирикма компонентлари ўзаро шу даражада зич боғланганки, ҳатто, улар орасига сўз киритиш мумкин эмас.

Қаратқичли бирикмаларда узвлар жуда зич боғланган, лекин бу конструкцияда қатнашувчи сўзлар маълум грамматик шаклда бўлади.

Шунинг учун улардан бирининг мавжудлиги иккинчисини эслатиб туради. Шу сабабларга кўра, қаратқичли бирикма компонентлари орасида тартиб асосий роль ўйнамайди, бу компонентлар орасига бошқа сўзлар киритиш ҳам мумкин бўлади. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари туфайли услубда қаралмиш қаратқичсиз (қаратқичнинг тушиб қолиши билан) ҳам қўлланаверади. Қаратқичли бирикманинг бундай хусусиятлари уни сифатловчили бирикмадан ажратиб туради, айтилган вақтда бу хусусиятлар бирикма компонентларининг тартибида қўллана олишига имкон беради.

Шундай қилиб, қаратқичли бирикма компонентлари инверсия тартибида қўллана олади ва маълум даражада экспресивликни ифодалайди.

Қаратқичли бирикмаларда ҳам узвларнинг тутган ўрни бўёқдор - услубий аҳамиятга эга. Яъни компонентларнинг одатдаги тартибда жойлашувига эгалик маъноси қаралмиш маъносини таъкидлаш лозим бўлса, уни олдинги ўринга ўтказилиб, алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади. Масалан: *Бети курсин Саудийнинг!*

Инверсия одатдаги тартибга нисбатан қўлланилувчи ту-

шунчадир. Одатдаги тартибнинг меъёрийлиги инверсияли қурилмаларни номеъёрий дейишга имкон бермайди. Инверсияли тартиб ҳам маълум услуб учун хосланган «одатдаги» тартибдир. У хис-хаяжонли бўёқдор восита сифатида хизмат қиладиган услубий категориядир. Лекин ундан ўринли ва тўғри фойданиш зарур. А.М.Пешковский таъкидлаганидек, ҳар қандай тесқари тартиб матнда эстетик жиҳатдан ўзини оқлаши керак¹.

Демак, илмий услубда ҳам гап бўлақларининг тўғри ва инверсияли тартибини учратамиз. Гапда сўзларнинг тўғри тартиби услубий талабга биноан тузилади.

Умуман, илмий услубда сўзлар тартиби масаласи назарий аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

2.3. Илмий услубда тасдиқ ва инкор гапларнинг хусусиятлари

Ўзбек тилшунослигида тасдиқ ва инкор маъноли гаплар, уларни ифодаловчи шаклий-грамматик воситалар (маркерлар) тизими; тасдиқ ва инкор гапларнинг семантик қамрови билан боғлиқ томонлари умумназарий планда монографик йўсинда атрофлича ўрганилган. Айниқса, А.Нурмоновни инкор гапларни илмий асосда ўрганиб, ўзбек систем тилшунослигига муносиб пойдевор қўйди дейиш мумкин.

Тасдиқ ва инкор барча тиллар учун умумий мантикий-лисоний категория бўлиб, унинг ифодаланишида ўзига хос ҳолатлар мавжуд бўлади.

Тасдиқ ва инкор мантикий категориялари гап орқали аҳборот узатишнинг асосий воситаларидандир. Гапдаги фикр, ҳукм тасдиқ ёки инкор йўли билан хосил қилинади. Инкор категорияси одатда кесим орқали шаклланади. Бундай инкор тўлиқ инкор тавсифида бўлади. Гапда инкорнинг қисман, тўлиқ бўлмаган тури ҳам ифодаланади. Бундай инкор кесимдан бошқа гап бўлақлари зиммасида бўлади.

¹ Пешковский А.М. Вопросы методики русского языка, лингвистики и стилистики. Москва-Ленинград: 1930. С.137.

Инкор тасдиқ гаплар заминида ҳам лингвистик ёки нолингвистик воситалар ёрдамида ҳосил қилинаверади. Инкор ифодаловчи лингвистик воситаларга махсус шаклий-грамматик, лексик-грамматик элементлар киради. Ўзбек тилида инкор ифодаловчи шаклий-грамматик воситага фақат битта (-ма) мансуб бўлса-да, лекин унинг иш қўлами жуда кенг.

-ма қўшимчаси орқали ҳосил бўлган инкор гапларда тасдиқ маъноси ҳам ифодалана олади. Бундай ҳолларда инкор сўроқ маъноси ва унинг грамматик маркази билан қоришиб кетади, бу асосан сўзлашув услуби учун хос. -ма яқка ҳолда қўлланганда, гапнинг оддий (нейтрал) инкор тури ҳосил бўлади.¹ -ма элементининг оддий инкор маъносини ифодалашини услубнинг барча турлари учун ҳосилдир:

Баъзан эса бундай сифатловчилар алоҳида таъкидланмайди, логик урғу олмайди (Ўзбек тили грамматикаси. II том. 234-б.) ёки *Сенга шундай кунни раво кўргунча, очиқ мозорга кирсам бўлмайдими* (сўзлашув услуби).

-ма қўшимчаси бир гап таркибида қўшалок қўлланилиши ҳам мумкин. Унда кесимдан англашилган тасдиқ маъноси кучайтирилади: гапнинг кесими *топилмоқ, қолмоқ* каби бўлишсиз феъллардан бўлганда, *ҳамма, ҳар* каби сўзларнинг прагматик маънолари бўртиб чиқади. Баъзи ҳолларда тасдиқ гапга айланмайдиган мутлак инкор гаплар ҳосил бўлади. Бу ҳол илмий услуб учун хос эмас.

-гунча шакли иштирокида тузилган гапларда -ма қўшимчасининг қўшалок қўлланиши ўзига хос хусусият касб этади. Бунда шарт-истак каби маъно жиловлари таъкид остига олинади: ҳақиқат қарор топмагунча, тинчимайсиз. Тасдиқ ва инкор тавсифидаги семантик ўзгаришлар равишдошнинг бошқа турларида ҳам кўзга ташланади;

-гач элементли қурилмалар пайт; -магач элементли қурилмалар шарт-сабаб, -иб элементли қурилмалар иш-ҳаракат, ҳолат тарзи; -май элементли қурилмалар пайт-шарт маъноларини таъкидлаш вазифаларини бажаради. Мақсад равишдошларида инкор шакл қўлланмайди: *ўқигани - ўқимагани*.

¹ Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. Москва: 1963. С.387.

От (кенг маънода) + у ёқда турсин андазасида тузилган курилмалар кескин инкор маъносини ифодалайди ва шу билан бирга, ўзидан кейин келадиган гапнинг ҳам инкор шаклида ва инкор маъносида бўлишига ишора қилади. *Ҳақиқат! У эгилиш у ёқда турсин, букилмайди ҳам.*

Бундай курилмалар «йўқ»лик (мавжуд эмаслик) маъносини таъкид остига олиш учун ҳам хизмат қилади: *Инсон ўта ҳаяжонланганда, гап у ёқда турсин, сўз ҳам тополмайди, у пайтда.*

Тасдиқ ва инкор шакли шарт феъли ёрдамида кетма-кет тузилган курилмалар қатъий тасдиқ маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. *Бу китобни ўқисам ҳам, ўқийман, ўқимасам ҳам, ўқийман.*

Буйруқ гапларнинг инкор шакли фақат *-ма* шакли ёрдамида ҳосил қилинади. Инкорнинг бошқа воситалари буйруқ гап таркибида иштирок этмайди.

Йўқ сўзи бор сўзининг зид маъноли муқобили сифатида нарсаларнинг маъноларини мавжуд эмаслигини, *ҳа* сўзининг антоними сифатида рад-инкор маъносини сифатдош (ган) + эгалик кўшимчаси шаклидаги конструкция билан ишлатилганда эса иш-ҳаракатнинг юзага чиқмаганлигини ифодалайди.

Йўқ сўзи бор сўзининг антоними сифатида *-дан бошқа, -дан ортиқ, -дан яхши, -дан кучли* каби чоғиштирувчи воситалар иштирок этган гапнинг кесими вазифасида қўлланилганда, бирор воқеа-ҳодиса, нарсалар, белгиларнинг юқори даражаси алоҳида таъкидланади. *Гўё дунёда ундан бойроқ, ундан бахтлироқ қиз йўқ эди. Мунисхоннинг назарида бундан ортиқ қийноқ йўқ. Йўқ* сўзи *-ма* шакли билан кўша қўлланиб, «ҳамма», «барча» деган тушунчанинг кучайиши учун хизмат қилади.

Йўқ сўзи эмас билан биргаликда қўлланиб, *бор* сўзи маъносини бўёқдорлик билан (камтарлик ёки кесатиш) ифодалайди: *Менда ҳам фаҳм-фаросат йўқ эмас.*

Йўқ сўзи таркибида детерминант иштирок этган бир бош бўлакли шахсиз гапнинг грамматик асос тавсифидаги асосий бўлаги (кесим) таркибида келиб, инкорнинг қатъийлигини кучайтириш учун хизмат қилади. *Топшириқни бажармагунча,*

ортга қайтиш йўқ.

Йўқ сўзи инкор вазифасида келганда, икки ҳолат юз беради; гапнинг кесими вазифасида келади. *Бундай хусусият уюшиқ бўлакда йўқ.* (Ўзбек тили грамматикаси, II том. 210-б.)

Маълумки, бундай икки томонлама логик-грамматик муносабат оддий гап бўлакларида йўқ. (Кўрсатилган асар, 223-б.).

Бунда инкор ҳозирги замон тушунчаси билан боғлиқ, лекин илмий услубда умумзамонни ифодалайди. Инкор ўтган замон тушунчаси билан боғлиқ бўлса, кесим *эди, экан, эмиш* каби предикатив боғламалар билан шаклланиб, гап турли хил прагматик қийматларга эга бўлади: хикоя, эшитганлик, гумон ва бошқалар. Бу илмий бўлмаган бошқа услуб турлари учун хос.

Эмас сўзи одатда от, сифат, сифатдош, равишдош ва равишларга қўшилиб, ўшалардан англашилган маънони инкор этади: *Оз эмас, келган эмас, катта эмас, шаҳар эмас.*

Шунингдек, тасдиқ ва инкор маъноли гап бўлакларини ўзаро боғлаб фикрнинг ихчамлиги учун хизмат қилади: *Сен эмас, мен бораман.* Бунда гаплардан бири алоҳида таъкид остига олинади. Қайси бирининг таъкидланганлиги оҳанг ва ситуация билан боғланади. Лекин кесими инкор шаклли ана шундай тип гапларда гапдан англашган умумий мазмунда кучлилиқ жилваси мавжуд бўлади. Масалан, *Қуруқ гапдан бошқа нарса эмас.*

Эмас сўзи нимани (қандай маънони) инкор этаётгани унинг қандай сўзлар қуршовида қўлланишига, у қатнашган синтактик конструкцияга боғлиқ.

Масалан, қуйидаги гапда *эмас* сўзи «мен» олмоши орқали ифодаланган сўзловчини инкор этаётгандай туюлади. Лекин мазмунига жиддийроқ эътибор берилса, унда субъектнинг якка эмаслиги таъкид остига олинганлиги сезилади.

Бир мен эмас, кўпчилик бош қотирди-ю, жараён қийин кетаяпти. На ёрдамчиси инкор ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқ қилади. Унинг асосий фарқи шундаки, инкорнинг бошқа шакллари қўшалок қўлланганда, тасдиқ маъноси келиб чиқади (*ўқимай қолмайман, вақтим йўқ эмас* каби). Лекин *на* сўзи бир гап таркибида неча марта қўлланилишидан

қатъи назар, инкор маъноси сақланади. Ҳатто, *на* сўзи иштирок этган гапнинг кесими инкор шаклда ҳам, тасдиқ шаклда ҳам қўлланаверади. *На* ёрдамчили бўлишли ҳамда бўлишсиз кесимлар иштирок этган қурилмалар тилнинг синтактик меъёрига кўра фарқ қилади. Бунда бўлишли кесимнинг *на* ёрдамчили кўринишларини меъёрга мувофиқ дейиш мумкин. *На ўқимайди, на ишламайди. На ўқийди, на ишлайди.* Кейинги ҳолатда инкор маъноси алоҳида таъкидланади.

На боғловчиси анча кенг қўламда қўлланади: гапнинг эгаси ҳам, кесими ҳам, 2 даражали бўлақларидан бири ҳам шу боғловчи ёрдамида ўзаро алоқага киришади ва уюшиқ бўлақлар комплексини ёки боғланган қўшма гапларни ҳосил қилади. *На* сўзи яна шу хусусияти билан характерланадики, бошқа инкор воситалари ўрни билан сўзловчининг бетарафлигини кўрсата олган ҳолда, бу сўз доимо гап семантик қурилмасидаги қайсидир элементни таъкидлайди. Баъзан ҳам юкламасининг вазифасини бажаради. Масалан:

На кўкнинг фонари ўчмасдан, на юлдуз сайр этиб кўчмасдан. *На* боғловчиси инкорга ишора бўлувчи, уни кучайтирувчи бошқа воситалар (ҳеч, мутлақо каби) билан бирга қўшилмайди.

На боғловчиси ёрдамида бириккан уюшиқ бўлақли гапларда *ҳеч ким, ҳеч нарса* каби умумлаштирувчи сўз иштирок этган бўлса, гапнинг кесими, албатта, инкор шаклда бўлади. Чунки умумлаштирувчи юқоридаги сўзлар кесимнинг тасдиқ шаклида келишига монелик қилади: *Эзгу умр йўлидаги изларни на қор, на бўрон, на шамол, хуллас, ҳеч нарса кўмолмайди.* Шу гапдан агар “*ҳеч нарса*” сўзи чиқарилса, унда “*хуллас*”га ҳам ўрин қолмайди.

Ўхшатиш маъносини ифодаловчи *гўё, - дек, - дай* ҳам баъзан инкор маъносида қўлланиши, бу кўпроқ сўзлашув нутқида учраши мумкин: *Худди мен биладигандай мendan сўрайди* (сўзлашув).

Инкор ифодаловчи махсус воситалардан ташқари, инкорга эшдош бошқа воситалар ҳам бор. Улар қатнашган гаплар *на* ёрдамчиси билан қўлланиб, инкор мазмунида бўлади.

Ҳеч сўзи инкор маъносини бевосита ифодаламаса ҳам, бошқа ифодаловчи воситалар билан синтагматик жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ҳеч сўзи бўлишсиз кесимлар билан қўлланади. Бунда гап таркибида инкор шакли қўшалок қўлланган бўлади. Инкорнинг қўшалок қўлланиши қатъий мутлақ тасдиқни келтириб чиқариши аниқ.

Ҳаргиз, асло, сира, мутлақо сўзлари гапда ҳаракат ёки ҳолат маъносидаги сўзлар билан боғланиб, миқдор даража ҳоли вазифасида қўлланади ва ўзи боғланган сўз англатган инкорнинг қатъийлигини таъкид остига олади. Кўрсатилган сўзлар ҳар вақт инкор гап таркибида қўлланади ва *ҳеч* сўзи каби инкорнинг ишоравий эшдоши бўлиб хизмат қилади. Бу асосан бадий шеърӣ нутқ учун хосдир:

Нотаниш йўлдошга бўлма ҳеч муҳтож,

Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Тасдиқ гап таркибида қатнашувчи *мутлақо* сўзи ҳам қисман инкор маъносида келади. Лекин у тасдиқ маъносини таъкидлаш учун ҳам хизмат қилади. *Фикрингиз мутлақо тўғри* (сўзлашув). Риторик сўроқ гапларда гапнинг инкор шакли орқали кучли тасдиқ маъноси, тасдиқ шакллари орқали эса аксинча, кучли инкор маънолари ифодаланади. Бундай гапларда сўзловчининг ёки ўзга шахснинг руҳий ҳолати ўта таъсирчанлик жилваси билан тасвир этилади.

Кошки, қани (энди), ҳазилакам, озмунча, чакана каби сўзлар асосан инкор гап таркибида қатнашади, лекин булар илмий услуб учун хос эмас. Булар кўпроқ бадий ва сўзлашув нутқида учрайди. Шунингдек, *бўпти (бўпсан)* каби модал бирликлар, *кўрмоқ* феълининг буйруқ шаклидан тузилган курилмалар ҳам, ўрни билан, инкорнинг кучлилиги маъносини ифодалайди. Шуниси борки, бу ҳолат ҳам илмий услубга хос эмас.

Юқоридагилар асосида куйидагича хулосаларга келиш мумкин:

-*ма* инкор ифодаловчи энг фаол, кенг қўламли маркер восита бўлиб, нутқда ўзи ҳам, бошқа инкор воситалари билан ҳам қўллана олади. Бу восита сўроқ гапларнинг риторик ва буйруқ

каби турларида якка ҳолда қўлланиб, тасдиқ гапларда инкор маъносини, инкор гапларда тасдиқ маъносини кучайтирилган ҳолда ифодалаш учун хизмат қилади. Шунингдек, гапнинг кесими таркибида қўшалок қўлланиб, фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Бошқа ҳолларда инкор маъноси нейтраллашган гапларни ҳосил қилади.

Йўқ сўзи ҳа сўзининг антоним жуфти сифатида инкор ифодаловчи бошқа воситалар билан синтагматик камровда бўлмайди.

Йўқ сўзи бор сўзининг антоним жуфти сифатида эмас сўзи билан бир гап таркибида қўшалок қўлланиши ва тасдиқ маъносини таъкидлаши мумкин. *Менда ҳам виждон йўқ эмас* каби.

Эмас инкор маъносини ифодаловчи восита сифатида *-ма* кўшимчасига кўп жиҳатдан яқин туради. Бу восита асосан маъноси нейтрал бўлган гапларда қўлланади. Шунинг учун ҳам илмий нутққа хос инкор гаплар таҳлил қилинганда, шаклий-грамматик восита (*-ма*) ва лексик-грамматик восита (*-эмас*)нинг қўлланиш частотаси инкор маъносини ифодаловчи бошқа маркерли қурилмалардаги воситалардан фаол эканлиги билан ажралиб туради.

Ш БОБ. ИЛМИЙ УСЛУБДАГИ ГАП ҚУРИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХОСЛАНИШИ

3.1. Бир бош бўлакли гапларнинг илмий услубда воқеланиш хусусиятлари

Услубларнинг вазифа жиҳатидан фаркли амалий кўламида бир бош бўлакли гаплар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир бош бўлакли гаплар масаласи И.Расуловнинг монографиясида кенг ва атрофлича ёритилган.¹ Бу тадқиқотда бир бош бўлакли гапларнинг мантиқий-грамматик ва таснифий хусусиятлари илмий асосланган. Шунингдек, М.Мукаррамов ҳам ўз кузатишларида илмий нутқнинг услубий белгиларини аниқлашда бир бош бўлакли гаплар масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Биз ҳам юқоридаги тилшуносларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, бир бош бўлакли гапларнинг бадиий-нутқий услубий хусусиятлари бўйича фикр юритамиз.

Фанда бир бош бўлакли содда гапларни тадқиқ этишда турли усуллардан фойдаланилган. Хусусан, рус тилшунослиги бўйича тадқиқот ишлари олиб борган А.П.Иванова рус тилидаги бир бош бўлакли гапларнинг услубий кўлами бўйича тадқиқ иши олиб борганда, статистик таъбиқ (метод)дан мақсадга мувофиқ фойдалана олган.²

Муаллиф ҳар хил услубдаги манбаларнинг ҳар биридан 100 тадан гап олиб, бир бош бўлакли гапларнинг ўрнини белгилайди. Биз ҳам бир бош бўлакли гапларнинг услубий қўлланишини назарда тутиб, ана шу методга мурожаат қилдик. Бунинг учун илмий услуб объекти сифатида ўзбек тили грамматикасининг II қисмини, бадиий услуб объекти сифатида Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романини танладик. Ҳар икки манбадан 1000 тадан гап олинди, шу 1000 та мисолдан қанчаси икки бош бўлакли, қанчаси бир бош бўлакли гап эканлиги аниқланди, ашъвий далиллар таҳлили асосида қуйидаги

¹ Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Тошкент: Фан, 1975.

² Мукаррамов. М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фан, 1984.120-126-бетлар.

натижаларга эришдик:

I. Ўзбек тили грамматикаси, II қисм. Таҳлил учун жами 1000 та гап. Шундан: 931 таси икки бош бўлакли; 69 таси бир бош бўлакли. Бир бош бўлакли гап типларидан:

шахси ноаниқ гаплар - 10 та. Шундан соф, мустақил гап мақомидагиси - 8 та, қўшма гап компонентлари - 2 та; шахси умумлашган гаплар - 42 та. Улардан мустақил, соф содда гаплар - 21 та, 10 таси киритмали конструкциялар таркибида қўлланган бўлса, 21 таси қўшма гапнинг предикатив қисми ҳукмида қўлланган, улардан мустақил, соф тарзидаги - 12 та; 5 таси қўшма гап таркибида келган. Демак, илмий услубда 1000 та гапдан 93,1 % 2 бош бўлакли; 6,9 % бир бош бўлакли гапларга тўғри келади.

Мазкур илмий қўлланманинг баёний матнлари таҳлил қилингани учун, бир бош бўлакли гапларнинг шахси аниқ, инфинитив ва номинатив каби турлари учрамади. Чунки шахси аниқ гаплар илмий асарнинг сўз боши ва кириш қисмига тааллуқли бўлса, инфинитив ва номинатив гаплар илмий асарнинг таркибий қисмларида, уларнинг сарлавҳалари вазифасида иш кўради. Илмий услубга хос бир бош гапларнинг мантикий-лисоний, прагматик хусусиятларини билишда, улар ҳақида тўғри ва илмий хулосага келишда гапнинг ана шундай типлари иштирок этган бошқа услубий жанрларга мурожаат қилишнинг аҳамияти катта. Ишимизнинг олдинги боб ва қисмларида бўлгани каби, бир бош бўлакли гаплар масаласида ҳам илмий услубни бадиий услуб билан қиёслашни лозим топамиз. Далилий ашёлар учун Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи ва унинг матнига мурожаат қиламиз.

II. Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи. (Т.: 1980 й)

Таҳлил учун жами 1000 та гап олинди. Шундан 850 таси икки бош бўлакли; 150 таси бир бош бўлакли.

Матни бир бош бўлакли гап типлари бўйича кузатганимизда:

шахси аниқ гаплар - 106 та. Шундан алоҳида мустақил содда гап тавсифидагиси - 51 та; қўшма гап таркибида унинг предикатив қисми ҳуқуқидагилари - 55 та;

шаҳси номаълум гаплар - 23 та; шундан мустақил, алоҳида содда гап шаклидагиси -14 та. Қўшма гапнинг предикатив қисми ҳуқуқидагиси - 9 та;

шаҳссиз гаплар - 9 та; шундан мустақил, алоҳида содда гап шаклидагиси - 8 та; қўшма гапнинг предикатив қисми ҳукмидагиси - 1 та;

шаҳси умумлашган гаплар - 5 та; шундан алоҳида мустақил содда гап - 3 та; қўшма гап предикатив қисми шаклидагиси - 2 та;

номинатив гаплар - 7 та.

инфинитив гаплар йўқ.

Демак, бадиий услубда 1000 та гапдан 85 % икки бош бўлакли гапларга, 15% бир бош бўлакли гапларга тўғри келади.

Бунинг статистик қиёси қуйидагича:

Услуб	Асар номи	Сони	2 саставли	1 саставли	Шаҳси аниқ	Шаҳси ноаниқ	Шаҳси умумлашган	Шаҳс сиз	Номинатив
Илмий	Ўзбек тили грамматикаси II том	1000	931	69		10	42	17	-
Бадиий	Асқад Мухторнинг "Опасингилар" романи	1000	850	150	106	23	5	9	7

Бир бош бўлакли гапларнинг семантик турлари нутқ услубининг муайян типларига хос қуйидагича ихтисослашади:

Шаҳси аниқ гаплар. Бир бош бўлакли гаплар нутқнинг икки услуби (илмий ва бадиий) жиҳатидан қиёсланганда, шаҳси аниқ гапларнинг бадиий услуб учун хосланганлиги маълум бўлди (бадиий услубда 106 та; илмий услубда учрамади) Шаҳси аниқ гапларнинг нутқда қўлланиши услубий-стилистик вазифалар билан боғланади. Бундай гаплар услубга бўёқдор-ҳис-

ҳаяжонли жилва беради. Масалан:

Сўнги кечаси узоқ-яқиндан эшитилган бу овозларни ваҳима билан тинглаб, болаларни бағрига босиб ўтириб тонг оттирди (А.Мухтор. Опа-сингиллар. Т.: 1990. 32-б.).

Шахси аниқ гаплар илмий услубда асарнинг сўз боши ва кириш қисмларида ишлатилади. Юқорида номи эслатилган кўлланманинг матнлари таҳлил қилингани учун бир бош бўлакли гапларнинг шахси аниқ тури учрамади. Аммо, сўз боши ва кириш қисмларида учраган шахси аниқ гапларнинг асосий бош бўлаги (кесими) феълнинг биринчи шахс кўплик буйруқ-истак майли шакли орқали ифодаланапти:

Мақолалар билан танишиб, қимматли мулоҳаза, маслаҳатларини айтган ҳамкасб ўртоқларга, хусусан, нашриёт ходимларига миннатдорчилик изҳор қиламиз (Муаллифлар жамоаси. Математикадан кўлланма, 1-қисм, Т.: Ўқитувчи, 1979. 5-б.).

Шахси ноаниқ гаплар. Шахси ноаниқ гаплар нутқда шахси аниқ гапларга нисбатан кам кўлланади. Бу тип гаплар бадий услубда, бадий асарнинг асосий бош қисмларида услубий восита сифатида ишлатилади. Илмий матнларда, иш қоғозларида шахси ноаниқ гаплар деярли кўлланмайди. Илмий асарлар, иш қоғозларининг тили, услуби гаптаги бажарувчи шахс (субъект)нинг аниқ бўлишини талаб қилади, деб ёзади профессор И.Расулов.¹ Лекин илмий услубда шахси ноаниқ гаплар кам бўлса-да, учрайди. Буни статистик маълумотларимиз ҳам исботлайди. (Жами 10 та шахси ноаниқ гап кўлланган). Масалан: *Ундовлар маъно хусусиятларига кўра модал сўзларга яқин туради. Одатда, уларни гап бўлаклари билан синтактик муносабатга киришмайдиган сўзлар туркумига киритадилар* (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан нашриёти, 1976. 576-б.).

Баъзан сўзларнинг синтактик алоқаси «тушунчаси»ни гап бўлақларининг синтактик алоқаси тушунчаси билан баён этадилар. (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан нашриёти, 1976.- 8 б.).

¹ Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Тошкент: Фан, 1975. 144-бет.

Шахси умумлашган гаплар. Бу тип гаплар илмий услубда бир бош бўлаккли гапларнинг энг кўп қўлланувчи турларидан ҳисобланади. Илмий услубда қўлланувчи шахси умумлашган гаплар материаллар, далилларни мисоллар билан тушунтиришда, математика соҳасида теоремаларни исботлашда, химия, физика соҳасида масалаларни чизма, формулалар билан ечишда кўп қўлланади. Бу эса илмий баённинг содда, тушунарли бўлишини таъминлайди, ўқувчини илмий фикрлашга ўргатади.

Шахси умумлашган гап илмий услубда асосан икки вазифани бажаради:

1. Бирор-бир иш-ҳаракатнинг бажарилишида тингловчи-адресантни иштирок эттириш.

2. Бирор-бир иш-ҳаракатни ва унинг бажарилиши жараёни бўйича якуний хулосага келиш.¹

Бирор-бир иш-ҳаракатнинг бажарилишида тингловчи-адресантни иштирок эттириш маъносидаги шахси умумлашган гапнинг кесими феълнинг келаси замон шакли орқали ифодаланади. Илмий услубда шахси умумлашган гапнинг кесими -А + миз, -(а) йлик «кабилидаги андаза»да ифодаланиб, истак ифодасидаги прагматик қийматга эга бўлади. Қуйидаги мисолга эътибор беринг:

Структур синоним деганда, икки сўзнинг келишик шакллари алмашилиши туфайли гап ўзгаришини ва нозик маъно оттенкаси билан бир - биридан фарқланувчи конструкцияларни тушунамиз (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан нашриёти, 1976. 83-б.).

Хулоса чиқариш, натижа тарзидаги шахси умумлашган гапларда феъл-кесимдан англашилган иш-ҳаракатда умумзамонлик маъноси мавжуд бўлади, кесими биринчи шахс кўплик, шарт майли, ўтган замон, ҳозирги, келаси замон шаклларини олган феъллар билан ифодаланади.

Икки турдаги боғланишда ҳам иштирок қилган сўзларнинг ўзаро шакллари системали (парадигмаси)нинг

¹ Ивановская Л.П. Обобщенно-личные предложения в научном стиле речи // Русский язык. Особенности стиля научной речи. Ленинград: 1971. С. 38.

бошқа-бошқа бўлишини юқорида айтдик (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан нашриёти, 1976. 28-б.).

Богловчиларнинг таъсир доирасини ажратилиш учун қавслардан фойдалансак, мураккаброқ гапларни ҳам символик тарзда ёзиш имконига эга бўламиз. (Муаллифлар жамоаси. Математикадан кўлланма, I қисм. Т., 1979. 74-б.).

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, шахси умумлашган гапнинг кесими феълнинг ҳозирги-келаси замон шакллари билан ифодаланишини шарт эрган гапли кўшма гапларда ҳам учратамиз.

Илмий услубда шахси умумлашган гапларнинг кесими таркибида баъзан мумкин, лозим, керак, зарур, даркор каби модал сўзлар бўлади. Бундай ҳолларда шахси умумлашган гаплар шахсиз гаплар билан бир синонимик парадигмада туташади:

Агар бирикма тўғри объектли бўлса, субъект ҳаракатининг объектга таъсири актив (кучли) бўлади. Минмоқ феъли мисолида бунга яққол кўришимиз мумкин (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан нашриёти, 1976. 70-б.).

Шундай экан бир хил конструкциялар ҳам шахсиз гап тарзида изоҳланиши мумкин. (Юқоридаги асар, - 189 б.).

Мисоллардан кўринадики, келтирилган шахси умумлашган гапларни унга эга тиклаш йўли билан шартли равишда шахси аниқ бир бош бўлакли гапларга айлантириш мумкин.

Лекин шартли равишда тикланган кейинги гап (икки бош бўлакли гап), ҳақиқатан ҳам, шахси умумлашган юқоридаги гапнинг мазмундош-маънодош муқобили бўла оладими? Албатта, йўқ. Чунки кейинги муқобил эшдош гапда тикланган сунъий эга мантикий жиҳатдан ҳам, лисоний жиҳатдан ҳам бирор-бир қийматга эга бўлмайди. У шунчаки услубий тавсиф касб этади.

Илмий услубда услубий қиймат касб тутган бу эга сўзловчи-муаллифнинг адресант-тингловчиларга бўлган чуқур, эътиборли, самимий ҳурмати маъносига эга бўлади, яъни у прагматик-психологик мақсадни юзага чиқарувчи лисоний маркер-шаклга айланади.

Демак, илмий услубда кесим биринчи шахс кўплик (эсла-

тиб ўтамиз), иккинчи шахс кўплик шаклларидаги феъллардан ифодаланганда, шахси аниқ гапларни эмас, шахси умумлашган гапларни ҳосил қилади, чунки бу тур гапларда ҳаракатни бажарувчи шахс «биз», «сиз» бўлса-да, маъносида ноаниқ, умумлашган гап иккинчи шахс буйруқ майли, келаси замон шакллари олмаган феъллардан ифодаланиши амалий машғулот матнларида кўпроқ учрайди, соф илмий баён матнларида эса киритма шаклида қўлланади (42 та шахси умумлашгандан 10 таси киритма, изоҳ гаплар шаклида). Бу ҳол соҳалар бўйича ҳам фарқланади. Физика, математика, химия, механика фанларига оид матнларда киритма конструкция шаклида қавс ичида тилшунослик, адабиётшуносликка оид матнларда киритма конструкция шаклида ҳам, қавсдан ташқарида мустақил ҳолда ҳам учрайди. Масалан: *Тўсиқсизлик ҳоллари оҳанг жиҳатидан эргаш гапларга ўхшаб кетади. Бироқ, уларда предикатив асос шаклланмаганлиги учун, эга билан кесим муносабатидан иборат бўлмагани учун, эргаш гап саналмайди. Ажратилган бўлақлар тўғрисида шу китобнинг «Мураккаб гап» баҳсига қаранг* (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан, 1976. 154-б.).

Ажратилган сифатловчилардаги қўшимча изоҳ, предмет белгиси ҳақидаги қўшимча маълумот ифодаланган бўлақ алоҳида таъкидланиши, логик урғу олиши мумкин (юқоридаги мисолларга қаранг) (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.: Фан, 1976. 284 б.).

Шахси умумлашган гапларнинг шундай тури борки, унда феълнинг иккинчи шахс шакли билан ифодаланган кесимдан англашилган ҳаракат-ҳолат муайян бир шахсга, кўпинча, сўзловчига тегишли бўлиши ҳам мумкин. Бунда ҳаракат-ҳолат мазмунан сўзловчига (биринчи шахсга) қаратилган бўлса-да, бу мазмун бошқа шахсларга ҳам кўчирилади. Бу хил шахси умумлашган гапларни илмий нутқда учратмадик, демак, бу ҳол илмий услуб учун хосланмаган, булар бадий услуб учун хос. Масалан: *Неча минг йиллик умринг давомида доим итоатда, юрагингда улуг алам билан яшадинг. Шариятнинг, урф-одатнинг занжирлари билан чамбарчас боғланиб ташланган*

сен нотаваонга қул деб, буюм деб, машҳур қизгонч ҳисси билан қарадилар. Ҳаётни сен яратдинг, сени ундан маҳрум этдилар. Қалбингни заҳарладилар, севгингдан, ёруғликдан маҳрум этдилар, таҳқирладилар, танларингни моматалоқ қилдилар, фарёд кўтаргинг келганда, ҳуқуқсиз эканлигингни эслаб, фарёдингни ичингга ютдинг, кўрқдинг, ўзингинг инсон эканлигингни унуттишга мажбур бўлдинг, Аслида... Сен олий инсонсан, азиз онасан, сенинг ҳаётга меҳр-муҳаббат билан тўла пок қалбинг бор, бу қалб алам--изтироб билангина эмас, туганмас ҳаёт чашимасидай улуг бахт орзуси билан яшайди. Сенинг қуёшга тик қарагинг, қаҳ-қаҳ уриб кулгинг, ишлагинг, эркин парвоз қилгинг келади. Шундай эмасми? Кўтар бошингни, ёз қанотингни! Кураш, сев, ҳақингни тани, яхши одамлар билан қўлма-қўл ушлаш, уларга ишон. Энди сенинг орқангда таянчинг, буюк ҳимоячинг бор! (Асқад Мухтор. Опа-сингиллар. Т.: 1980. 71,72-б.)

Шахссиз гаплар. Илмий услубда ҳам шахссиз гаплар фаол ишлатилади. Чунки илмий услубда муайян шахслар иштирок этмайди ва нутқий жараённинг ўзи буни тақозо этмайди, илмий баён матнларида нарса ва ҳодисалар ҳақида аниқ мантикий хулосалар баён этилганлиги туфайли шахссиз гапларга эҳтиёж кўп сезилади. Иш-ҳаракат, ҳолатни сўзловчи субъект иштирокисиз ундан четлаштириб ифода қилиш ва уни таъкидлашда шахссиз гаплар энг қулай воситадир. Буни статистик маълумотларимиз ҳам исботлайди. (Илмий услубда 17 та, бадий услубда 9 та шахссиз гап).

Эски ўзбек тилида баъзан қаратқич келишидаги сўзнинг кесим вазифасида қўлланганини кўриш мумкин (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976, 132- б.).

Илмий матнларда шахссиз гапларнинг кетма-кет қўлланиши ҳам кузатилади, бадий, сўзлашув услубларида эса бу хусусият йўқ. Масалан:

Ҳозирги ўзбек тилида экан тўлиқсиз феълнинг қисқаришидан ҳосил бўлган **-кан, -кин** шакли жуда кўп учрайди. Булардан **-кан** шаклини «экан»нинг қисқариб қўллангани деб қараш мумкин. Лекин **-кин** элементи ҳақида бошқачароқ гапиришга тўғри келади (Ўзбек тили грамматикаси. Т., I том, 52- б.).

Инфинитив ва номинатив гаплар. Бир бош бўлакли гаплар тизимида грамматик асос эга шаклидаги сўзлар орқали ифодаланиб, кесимсиз қўлланувчи алоҳида турлар мавжудки, уларнинг амалий кўлами турли услубларига кўра турлича хосланган бўлади. Гапнинг мазмун ва грамматик асосининг эга кўринишидаги сўз ва сўз бирикмалари зиммасига тушиши алоҳида мантикий ва лисоний хусусият касб этади. Бунда от ёки отлашган сўз билан ифодаланган асосий бош бўлак предмет ёки воқеа-ҳодисанинг номини атаб, мавжудлигини тасдиқлайди. Кесимсиз гапларнинг асосини инфинитив ва номинатив гаплар ташкил қилади. Бу тип гапларнинг асосий бош бўлаги-грамматик асоси субстантив характерда бўлиб, бош келишак шаклида келади. Бир бош бўлакли гапларнинг инфинитив, номинатив гап турлари илмий нутқнинг баёний матнларида учрамади. Чунки улар асосан, илмий асарнинг сарлавҳалари сифатида ёйиқ ҳолда келади. Илмий услубнинг сарлавҳаларида қўлланган инфинитив гаплар фақат иш-ҳаракат жараёнини аташ билан чегараланади. Бу билан бадий услубда қўлланувчи инфинитив номинатив гап турларидан фарқ қилади. Масалан: Тенг боғланиш ва тобе боғланиш. Гап бўлакларини белгилаш каби.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, илмий услубда қўлланувчи инфинитив гаплар сўзловчининг ажабланиш, шодланиш, орзу-истак, ғазаб каби ҳис-туйғусидан иборат прагматик маънолар ифодалаш учун ишлатилмайди. Уларда фақат аниқ мантикий ҳукм мавжуд, холос.

Номинатив гаплар ҳам сарлавҳаларда учрайди, предмет-ҳодисаларнинг мавжудлигини илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Матнда сарлавҳадаги гап ҳақида илмий фикр баён этилади. Масалан:

Гап бўлакларини ажратиш усуллари. Ажратилган изоҳларнинг синтактик вазифаси. Қўшма гап синтаксиси каби. Бу эса илмий услубдаги номинатив гапларни бадий услубдаги номинатив гаплардан фарқлайди. Чунки номинатив гаплар бадий адабиётда кучли услубий воситадир. Айниқса, проза ва поэзияда, драма ремаркаларида шароитни тасвирлашда номита-

тив гаплардан кенг фойдаланилади. Ёзувчилар предмет, воқеа-ходисаларнинг номини атаб, бу предмет, воқеа-ходисаларнинг мавжудлигини тасдиқлаш билан ўқувчини воқеа ривожи шароитига киритади. Пейзаж картиналарининг умумий тасвирини беришда, образлар портретини тасвирлашда, бутун-бутун воқеаларни лўнда қилиб ифода қилишда номинатив гаплар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Номинатив гапнинг қўлланиши кўпинча кишининг аффе́кт ҳолатига боғлиқ бўлади. Киши ҳаяжонланганда кўпроқ фикрни қисқа, лўнда ифода қилади. Номинатив гаплар фикрни қисқа ифода қилиш, жой ва вақтдан ютиш мақсадида ҳам кенг қўлланилади. Бу, айниқса, репортаж, хотира дафтарлари, саёҳатчиларнинг ён дафтарларида кўп қўлланилади. Драмаларнинг бутун-бутун ремаркалари кўпинча номинатив гаплардан иборат бўлади. Масалан:

Мана ўша кўчага қараган очиқ айвон. Мана ўша қизғин тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига янги келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси шу гул бўлган (Асқад Мухтор, Опа-сингиллар. Т., 1980. 55-б.).

Ақлли, мард. У турмадан ҳам, сургундан ҳам, ўлимдан ҳам кўрқмайди. (Асқад Мухтор. Ўша асар, 26-б.)

Кўринадик, бадиий услубга хос бундай номинатив гаплар илмий услубда ишлатилмайди, илмий баён бир бош бўлакли гап типларининг барча турларида ўзига хос қўлланишга эга.

Бундан ташқари, номинатив гаплар илмий услубнинг таълимий мақсадни кўзда тутган дарслик, қўлланма ва дастурларда фаол ишлатилади. Айниқса, қайси фан бўлмасин, уларнинг қисқа мазмунини ақс эттирувчи дастурларнинг асосий матни номинатив гаплар тавсифида бўлади.

Хуллас, бир бош бўлакли гаплар илмий услубда ҳам, бадиий услубда ҳам ишлатилади. Лекин, дастур матнларини назарда тутмаганда, бадиий услубда икки барабар кўп учрайди. Биз кузатган илмий матнда шахси аниқ ва номинатив гаплар учрамади. Бадиий услубда, аксинча, шахси аниқ гаплар жуда кўп қўлланган 150 та бир бош бўлакли гапнинг 106 тасини

шахси аниқ гаплар ташкил этади.

Ҳар икки услубда учрайдиган бир бош бўлакли гаплар ҳам, ишлатилиш меъёрига кўра, ўзаро фарқ қилади: шахси ноаниқ гап илмий нутқда бадиий нутқдагига нисбатан икки баравар кўп учрайди.

Бир бош бўлакли гап турларидан илмий услуб учун хослангани шахси умумлашган гаплар бўлиб, бадиий услубга қараганда беш баравар кўп учрайди. Чунки илмий услубда шахс маъносининг умумлашиши кучли бўлади.

3.2. Илмий услубда кесимнинг хусусиятлари

Илмий услубга хос кесимлар нутқнинг бошқа услубларига хос кесимлардан фарқ қилади.

Илмий асарлар мавҳумлик, умумлаштириш, шахссизлик ва объективликни ҳам ўз ичига олади. Бунда ифоданинг мантикийлиги тафаккур тили билангина эмас, балки бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Муаллиф ва ўқувчи ўртасида бевосита алоқанинг бўлмаслиги ифоданинг тўлиқ, аниқ, исботланган бўлишини талаб қилади. Илмий матнда оҳангнинг коммуникатив вазифаларидан фойдаланмаслиги ҳам унинг мантикий изчил бўлишини тақозо қилади. Илмий нутқнинг аниқ бўлиши ахборотнинг бошқача тушунилмаслиги, бир маънолигини талаб қилади.

Илмий матнда ифоданинг мавҳумлик-умумлаштириш тарзида бўлиши синтактик планда қуйидагиларга боғлиқ:

1. Гап структурасида ҳаракатнинг шахсий субъекти (агенс) баъзан илмий матнда *биз* олмоши орқали ифодаланади. Лекин бу сўз аслида биринчи шахснинг бирлиги маъносини билдиради. *Биз* олмошининг *мен* олмошига функционаллашуви тил-нутқнинг прагматик жабҳаси билан боғланганлиги учун, услубий қиймат касб этган. *Биз* олмоши нутқнинг бошқа услубларида ҳам сўзловчининг бирлиги маъносида ишлатилади, ундай ҳолда ҳам бу сўз услубий қийматга эга бўлади. Лекин илмий услубда қўлланган *биз* олмошининг услубий-прагматик маъноси билан нутқнинг бошқа услубларида қўлланган *биз* олмошининг услубий-прагматик маъноси фарқ қилади: илмий ус-

лудба камтарлик маъносини, бошқа услубда эса манманлик, ўзини улуглаш каби услубий маънони ифодалайди.

2. Номиналлашган - отли гапларнинг кўп қўлланиши. Бунда абстрактлик-умумлаштириш бевосита гап қурилмаси орқали эмас, кесим вазифасидаги отларнинг семантик-грамматик табиати орқали юз беради.

Илмий матнда воқеани отли гаплар орқали беришдан мақсад шуки, нутқда энг фаол қўлланувчи сўзлар от туркумига мансуб бўлади. Бу бошқа тилларнинг илмий матнлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган мутахассислар томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан: Н.Р.Русованинг кўрсатишича, рус илмий матнларида қўлланган сўзларнинг 38% ини, В.З.Одиловнинг кўрсатишича, озарбайжон илмий матнларида 40% дан кўпроғини отли гаплар ташкил қилган¹.

От кесимли (отли) гапларни тадқиқ этишда нутқ услубларини ўрганишда қулай бўлган статистик методдан фойдаландик. "Тил системасини ўрганишда,- деб ёзишади Л.Р. Зиндер ва Т.В.Строева каби тилшунослар, статистика унумсиз. Аксинча, нутқни ўрганишда статистика биринчи даражали аҳамият касб этади"². "Функционал услубиятни статистикасиз ўрганиб бўлмайди," -деб ёзади рус стилисти М.Н.Кожина.³

Биз кесимнинг услубий белгиларини аниқлашда миқдорий таҳлил билан чекланмай, уни сифат таҳлили билан боғлашга ҳаракат қилдик. Чунки миқдорий таҳлил сифат таҳлилини тўлдиради. Ҳар иккови биргаликда кесимнинг услубий хусусиятларини очиқ беради. Стилларни баҳолашда субъективликка йўл қўймайди⁴.

Илмий услуб мавҳумлик - умумлаштириш хусусиятларининг унда номиналлашган конструкцияларнинг кўп қўлланишини талаб қилиши кесимларнинг ҳам кўпроқ от ёки

¹ Русова Н.Р. Опыт статистического анализа структуры предложения в научном стиле -Горький: 1975. С.86. Одилов В.З. Научный стиль азербайджанского языка XIX века: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Баку: 1980.С.4.

² Зиндер Л.Р. Строева Т.В. К вопросу о применении статистики в языкознании //Вопросы языкознания. 1968. № 6. С.121.

³ Кожина М.Н. О специфике художественной и научной речи в аспекте функциональной стилистики. Пермь: 1966. С. 36.

⁴ Бу ҳақда яна қаранг: Кауфман С.И. Об именовом характере технического стиля // ВЯ. 1991. №3. С.26.

отлашган сўзлар билан ифодаланишини тақозо қилади. Буни исботлаш учун тўртта илмий матн, иккита бадий матн олиб, уларнинг ҳар бирида кесимнинг қанчаси от кесим, қанчаси феъл кесим эканлигини ҳисоблаб чиқдик.

Бунда 100 та кесимдан илмий матнда 72 та от кесим, 28 та феъл кесим, оммабоп матнда 18 от кесим, 82 та феъл кесим, бадий матнда эса 32 та от кесим, 68 та феъл кесим эканлиги аниқланди.

Кўринадики, илмий матнларда юқорида айтилган сабабларга кўра, от кесим бошқа услуб матнларидагига қараганда, кўп қўлланади. Бундай кесимларнинг кўпчилиги составли кесимлардир. Буни қуйида келтирилган матнда кузатишимиз мумкин;

Традиция тушунчаси бошқа бир муҳим тушунча - вақт билан узвий ички алоқага эга. Адабиёт ва санъатдаги катта воқеа сифатида рўй берган руҳий-ҳис-ҳаяжонли янгилик ҳаётга сингиб, ўз қонуний ўрнини эгаллагунча анча вақт керак бўлади. Ҳаётга сингиб, кўпчилик онгида яхши ўзлашган улуг традициялар узоқ асрлар давомида барҳаёт бўлиб қолади. Чунки, улар доимо олға қараб ҳаракат қилувчи, ривожланувчи, ниҳоят, ҳозирги замон даражасида турган ва кеча -бугун-эртанинг ўзаро мантиқий алоқасидан далолат берувчи ижодий жараён-дир. В.Г. Белинский айтгандек, адабиётда ҳамма вақт жонли тарихий алоқа давом этади. Ҳеч нарса фавқулодда пайдо бўлмайди (Адабиёт назарияси. II том, 30-бет). Бу парчадаги 6 кесимдан ҳаммаси от кесимдир.

Илмий матнларни кузатиш шуни кўрсатадики, ҳатто бутун-бутун хатбошилардаги гапларнинг кесимлари от ёки отлашган сўзлар билан ифодаланади. Бунга қуйидаги хатбошини мисол қилиб келтириш мумкин: *Нейтроннинг магнит моментига эга бўлиши унинг мураккаб тузилишидан дарак беради. Нейтронда бир-бирини нейтраллаб турувчи зарядларнинг қандайдир тақсимоти мавжуд деб ўйлаш мумкин; бу вақтда манфий заряд нейтроннинг чеккароғига жойлашган мусбат заряд эса марказий соҳада мужассамлашгандир (Р.Бекжонов. Атом ядроси ва зарралар физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995, 32-б.).*

Илмий услубда феъл кесимлар от кесимларга нисбатан кам бўлса ҳам, улар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Гап тузишда феъл шакллариининг етакчи роли маълум. Бу, бир томондан, феълли (феъл кесимли) гапларнинг нутқда кўп қўлланиши билан изоҳланса, иккинчи томондан, феъл орқали ифодаланган кесимлар маъноларининг турли-туманлиги, синтактик имкониятларга бойлиги, унинг конструктив кучли валентлик имкониятига эга бўлиши билан изоҳланади.

Феъл кесимларнинг конструктивлиги, кучли валентлик роли шаклий грамматик планда, шахсли шаклда, гапнинг асосий белгиси бўлмиш предикативлик билан боғлиқ бўлган шахс ва замон категорияларини, модалликни рўёбга чиқаришда кўринади. Оммабоп ва бадий асарларда содда ва таркибли феъл кесимларнинг ҳамда составли от кесимларнинг кўп қўлланилишини шу билан изоҳлаш мумкин.

Синтактик-компрессия қонунияти бўйича гапда айрим вақтларда эга тушириб қолдирилади. Кесим эса тусланувчи феъллар билан ифодаланганда туширилиши мумкин (*Олтин ўтда билинади, одам — меҳнатда*).

Анъанавий талқинга кўра, эга гапнинг мутлақ ҳоким, кесим мазмунан ва грамматик тобеланувчи бош бўлаги тарзида эътироф этилади. Л.Теньер синтактик таълимотида эса гапда асосий ва эътиборли бош бўлак сифатида кесим танланади. Аслида, эганинг мутлақ ҳокимлиги ҳам, кесимнинг мутлақ ҳокимлиги ҳам нисбий қарашлардир. Бунга машҳур тилшунос Т.П.Ломтев аниқлик киритади. Унинг эътироф этишича, эганинг мутлақ ҳоким-бош бўлаклиги мантикий жабҳага кўра бўлса, кесимнинг мутлақ ҳоким бўлаклиги гапнинг грамматик қурилиши жабҳасига кўрадир. Биз ҳам ўз нуктаи назаримизни Т.П.Ломтевнинг кесим ҳақидаги ана шу фикри асосида баён этамиз.

Вазифавий услубларда феъл кесимларнинг семантикасида ҳам ўзгачалик кузатилади. Илмий услубда уларнинг семантикаси анча муайян ва аниқ бўлади. Бадий услубда эса феъл кесимларнинг семантикасида муайянлик нисбатан кучсизроқ бўлади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, унинг қўлланиши

нисбатан услубий ҳолати билан боғлиқ бўлади. Илмий услубда эса кесим семантикасининг аниқ бўлиши муайян ҳолат билан боғлиқ бўлмайди. Эга билан иккинчи даражали бўлақлар ўртасидаги феъл кесим орқали ифодаланадиган муносабат бир маъноли бўлади. Бундан ташқари, феъл кесимлар учун илмий услубда маълум даражада типиклашув характерлидир. Ҳар қандай бадиий асарда типиклашув билан бир қаторда, индивидуаллик ҳам бўлади.

Бадиий асар ўзгарувчи, янгиланиб борувчи элементлардан ташкил топади. Илмий асар шундай элементлардан ташкил топса ҳам, унда доимий элементлар: олимлар, уларнинг кашфиётлари, назариялари, тадқиқотлари, экспериментлари эслатилиб турилади.

Илмий асарларда феъл-кесим бадиий асарлардагидан чекланганлиги билан эмас, маълум даражада хосланганлиги билан фарк қилади. Бундай кесимлар ифоданинг ўта муайян бўлиши учун, ахборотнинг бир маънолилиги учун хизмат қилади.

Кесимнинг илмий матнларда хосланиши от кесимларга ҳам хосдир. Масалан, тадқиқот натижа муносабати кўпроқ *акс эттирмақ, пайдо бўлмақ, ҳимоя қилмақ, хизмат қилмақ, боғлиқ, мавжуд, ифода этмақ, ... дан иборат* каби от кесимлар орқали ифодланади.

Илмий матнларда ҳаракатнинг бажарилиши зарур ёки зарурий эмаслигини ифода қилиш учун *ҳаракат номи + керак, зарур, лозим, даркор* сўзлари билан ифодаланган кесимлар ҳам кўп учрайди. Илмий матнларда содда от кесимлар таркибида кўпроқ - *дир* элементи келади. Масалан: *конкрет воқеликни тасвирлаш учун поэтик фикрда тасвирни воситаларда ҳали ҳеч ким ишлатмаган оригиналликни топиш, бошқалар кўрмаган нарсаларни биринчи бўлиб кўриш, ҳис қилиш қобилиятидир. Зотан, новаторлик санъат ва адабиётда гоъвий-бадиий жиҳатдан янгилик яратиш, бадиий мазмун ва эстетик шаклларни янги имкониятлар ҳисобига бойитиш* демакдир (Адабиёт назарияси. II том, 62-бет.)

Илмий матнда от-кесимнинг мураккаб шакллари ҳам уч-

раб туради. Масалан: *иккита нейтрон ёки иккита протон ҳам боғлиқ система ҳосил қила олмайди. Ядро кучлари учун математик қонун йўқлиги ядронинг ягона назариясини яратиши имкониятини бермайпти* (Бекжонов Р. Ўша асар. 70- б.).

Гап чекли тўпламлар устидагина бўлганда эҳтимол қувват тушунчасини киритиши керак ҳам бўлмас эди (Қобулов В. К. Ўша асар. 86- б.).

Илмий асарларда кесим кўпроқ ҳозирги замон шаклларида келади. Буни статистик тадқиқотимиз ҳам исботлайди. Илмий нутқда 100 кесимдан 28 та феъл кесим бўлиб, бундан 15 таси ҳозирги замон шаклидадир. Оммабоп услубда 100 кесимдан 82 та феъл кесим бўлган бўлса, шундан 36 таси ҳозирги замон шаклида келган. Бадиий услубда эса 100 кесимдан 68 таси феъл кесим бўлган бўлса, шундан 44 таси ҳозирги замон шаклида келган. Лекин бундай феъллар ҳозирги ёки келаси замон билан боғлиқ бўлмай, умумзамонни ифода қилади. Бу яна илмий услубнинг мавҳумий-умумлаштириш характери билан боғлиқ.

Илмий матнлардан ҳатто, бутун-бутун хатбошилардаги гапларнинг кесими фақат ҳозирги-келаси замон шаклларидаги феъллар билан ифодаланганлиги ҳам кузатилди. Масалан: *Бу ерда «занжир реакциясини» эслатувчи бир жараён кўзга ташланади. Илк режа билан бирга тузилган зоявий-бадиий концепция шунчалик чуқур илдизларга эга бўладики, адиб унинг таъига етишига интилгани сари дастлабки режасига янги-янги режалар келиб қўшилаверади, улар гўё бир-бирини алаңгалантириб, зоявий-бадиий оловнинг доирасини беҳад кенгайтириб юборади.* (Адабиёт назарияси. II том. 100-б.).

Ҳозирги-келаси замон шаклидаги кесимлар бадиий ва оммабоп матнларда ҳам анчагина учрайди, лекин бу илмий матнлардан кам. Бу замон шакли кўпроқ оммабоп услубнинг бош мақоласи жанрида учрайди.

Илмий услубнинг шахсизлик характери унда кесимларнинг асосан учинчи шахс шаклида келишини изоҳлайди. Статистик тадқиқотнинг кўрсатишича, илмий услубда феъл билан ифодаланган кесимларнинг тахминан 75% феълнинг учинчи

шахс шаклида келган. Биринчи шахс шаклида келган феъл- кесимлар кўпроқ кўплик шаклида бўлиб, маъноси ноаниқ кўпчиликни ифода қилади. Иккинчи шахс шакли эса муайян суҳбатдошни эмас, ноаниқ тингловчи ёки ўқувчини ифода қилади. Илмий услубда кесим кўпроқ бирлик сонда келади.

Илмий услубда объективликка ҳаракат қилиш пассив конструкцияларнинг нисбатан кўп қўлланишини талаб қилади. Маълумки, пассив конструкцияда ҳаракат бажарувчи шахс эганинг грамматик шакли билан ифодаланади. У чиқиш келишиги шаклидаги сўз билан ифодаланади ёки бутунлай қўлланмайди. Натижада ҳаракат биринчи ўринга чиқади. Буни Ш.Балли қуйидагича изоҳлайди «Ақл фикр - хаёлга ботганда, бундай ходисанинг юз билан боғлиқ бўлган шахс, унинг ижодчиси унутилади, феъл субъектининг изи қолади». Илмий услубда ҳатто, бутун-бутун боғланишшли матнлар пассив конструкциялардан ташкил топади. Масалан, *ядросининг қобиқ модели атомнинг қобиқ моделига ўхшатиб яратилди. Бу усулнинг асосий зояси шундан иборатки, ядро таркибига кирадиган ҳар қандай нуклонга бошқа нуклонлар томонидан таъсир қилувчи кучлар қандайдир ўртача статик потенциал билан алмаштирилади* (Бекжонов Р. Ўша асар. 87-б.).

Ётиқ, очиқ ва ҳодиса тўпламлар орасидаги муносабат қуйидаги далиллар билан аниқланади. Функционал анализда масофа тушунчаси қуйидагича таърифланади. Уч ўлчовчи 3 фазода координаталар системаси олинади. Фазодаги нуқталар ўрни учта координата (a_1, a_2, a_3) орқали аниқланади (Қобулов В.К. Ўша асар. 117-б.).

Юқоридаги айтилганлардан қуйидагича хулосага келиш мумкин: Илмий услубнинг мавҳумийлик-умумлаштириш хусусияти унинг отли характерини номиналлашган конструкцияларнинг, жумладан, от кесимларнинг кўп қўлланишини тақозо қилади. Шунга кўра ҳам, илмий матнлардаги гапларнинг кесими кўпроқ от кесимлар (шунда ҳам таркибли от кесимлардан) тавсифида бўлади. Бадий ва оммабоп матнларда эса феъл кесимнинг фаоллиги кучлидир.

Илмий асарлардаги феъл кесимлар асосан ҳозирги замон

шаклида бўлиб, умумзамонни ифода қилади ва кўпроқ III шахснинг бирлик шаклида келади. Бу илмий услубнинг мавхумий-умумлаштириш хусусияти билан боғлиқ.

3.3. Мураккаблашган содда гапларнинг илмий услубга хосланиши

Маълумки, гапнинг шаклий-грамматик таркибида унинг функционал-вазифавий мавқедаги қисмларидан ташқари, синтактик позиция-мавқе жиҳатидан нофункционал қийматли бошқа қисмлар мавжуд бўлади. Гап шаклий-грамматик курилишининг функционал мавқедаги қисмларига анъанавий номланишдаги гап бўлаклари киради. Гап бўлаklarининг функционал мавқели ходисалар саналиши шу билан белгиланадики, улар гап таркибининг мантикий-грамматик қийматга эга бўлган бирликлари саналади. Улар гап таркибида тобеланиш алоқасининг маълум бир тури орқали боғланган ҳолда, предикатив, атрибутив, посессив (қараткичли), объектли, релятив, детерминатив муносабатларни юзага чиқаради. Ана шундай мантикий-грамматик қиймат ташувчи функционал бирликлар гап таркибининг нофункционал қийматга эга бўлган бошқа бирликларига қарама-қарши қўйилади.

Гап таркибининг нофункционал қийматли бирликлари содда гапларнинг «мураккаблашган» белгисига эга бўлган типларида мавжуд бўлади: нофункционал қийматли бирликлар содда гаплар таркибини ҳам синтактик, ҳам мазмунан, ҳам коммуникатив-прагматик жиҳатлардан тўлдиради. Шу боис, бундай бирликлар иштирок этган содда гаплар мураккаблашган содда гаплар дейилади.

Мураккаблашган содда гапларга ундалмали, киришли ва киритмали гаплар ҳам киради. Бундай гаплар таркибида мантикий-грамматик муносабат (предикатив, атрибутив, посессив, объектли, релятив, детерминатив)лардан ташқари, субъектив-коммуникатив тавсифдаги устама (қўшимча) муносабатлар ҳам бўлади. Хусусан, ундамали гапларда адресатли; кириш ва киритмали гапларда модаль изоҳлов-шарҳлов муносабатлари

ифодаланган.

Мураккаблашган содда гаплар таркибига хос ундалма, кириш ва киритмалар гап таркибининг нофункционал бирликлари ҳисобланади. Уларнинг «нофункционал» дейилиши шартли ва нисбий характерда. Ундалма, кириш ва киритмалар гапнинг бирор-бир функционал қисми билан синтактик алоқада боғланмаганлиги, уларнинг мантиқий-грамматик аҳамият касб этмаганлиги уларнинг нофункционал бирлик дейилишига сабаб бўлади. Аслида эса бундай бирликлар учун хосланган вазифалар ҳам бёр. Фақат улар коммуникатив ва прагматик қиймат касб этган, холос. Демак, ундалма, кириш ва киритмаларнинг нофункционал дейилиши шартли ва нисбийдир. Зеро, нофункционал қийматли бирликлар гапнинг коммуникатив жабҳасига хос «функционал» бирликлардир.

Нуткнинг деярли барча услубларида мураккаблашган содда гаплар мураккаблашмаган содда гаплар билан бир хил ҳуқуқда фаол қўлланади. Биз қуйида киришли ва киритмали мураккаблашган содда гапларнинг илмий услубга хос хусусиятларини алоҳида - алоҳида кўриб чиқамиз (ундалмали гаплар одатда илмий нутққа хос эмас, шунинг учун бу мавзу тадқиқотимиз мундарижасига кирмайди).

Илмий-техника тараққиёти шароитида илмий матн типларини ҳам, матн қисмларини бириктирувчи элементларни ҳам аниқлаш муайян аҳамиятга эга.

Илмий матнлар лексик ҳамда грамматик хусусиятлари билан характерланади ва, одатда, мураккаб ички структурага эга бўлиб, турли хил бириктирувчи воситаларни қўллашга эҳтиёж туғдиради, буларсиз матн тарқок ҳукм ва хулосаларга бўлиниб кетади¹. «Функционал-семантик деб номланувчи махсус алоқа воситалари қаторига боғловчилар, боғловчиларга яқин сўзлар, кириш сўзлари ҳамда сўз бирикмалари ва махсус алоқа конструкциялари киради», - деб таъкидлайди рус тилшуноси Н.М. Лариохина². «Кириш»ларнинг турли хилликларини назарда тутиб, кириш бирликлар нутқ услубларининг ҳаммасида

¹ Ваверкова Релена. Вводящие конструкции в научном стиле русского литературного языка. Воронеж: 1982. С.78.

² Лариохина Н.М. Задачи научного синтаксического стиля. Москва: 1979. С. 34.

қўлланади. Лекин уларнинг маълум қисми нутқ услубларининг бирида кўп, бирида оз ёки бири учун хосланган-типиклиги билан характерланади. Ишонч ифода қилувчи кириш бирликлар нутқ услубларининг деярли барчаси учун характерли. Лекин булар сўзлашув, оммабоп нутқларда, нисбатан кўпроқ қўлланади. Бу тип кириш бирликлардан *маълумки, сўзсиз, ўз-ўзидан, аниқки, табиий* кабилар кўпроқ илмий нутқ учун хос. Масалан:

Маълумки, от + шахсли феъл типдаги тобелик бозланишда ҳоким сўз, албатта, бош келишик шаклида бўлмоғи шарт (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.:Фан., 1976. 27-б.).

Бирикмани ташкил қилган сўзлар қайси сўз туркумига тааллуқли эканлигини, табиий, сўзловчи яхши уқмайди (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: 1976. 42-б.).

Агар равишдош шаклидаги феъл кейинги феълнинг белгисини кўрсатса, ўз-ўзидан, кейинги феъл мустақил феъл бўлади (Ўзбек гили грамматикаси. I том, Т.:Фан, 1976. 68-б.).

Аниқки, тилдан фойлаланиш аниқ қондалар, меъёрлар асосида бўлади (Ўзбек тили грамматикаси. I том, Т.:Фан, 1976. 112-б.).

Гумон, таажуб, тахмин ифода қилувчи кириш бирликлар бадий, оммабоп услублар учун характерли. Илмий услубда фикрнинг аниқ бўлиши бундай киришларнинг қўлланишига имкон бермайди, функционал услуб турларида сўзловчининг айтилаётган фикрга бўлган объектив ва субъектив муносабатлари ҳар хил бўлади, яъни бир нутқ тури объектив муносабатларни, иккинчи услуб тури эса субъектив муносабатларни талаб қилади. Илмий услуб нарса ва ходисаларни объектив баён этганлиги учун ундаги муносабат ҳам объектив бўлади, ўзганинг фикрига муносабат англатиш йўқ. Айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодаловчи, *менимча, фикримча, назаримда, билишимча, айтишларича* кабилар бадий сўзлашув услублари учун хос бўлса, *бизнингча, бизнинг фикримизча, унингча, маълум бўлишича, ...нинг қайд қилишича, ...нинг фикрича, ...нинг фикрига кўра, ...нинг ёзишича* кабилар илмий нутқ учун характерлидир. Бу кириш бирликлар илмий услубнинг компо-

зицион курилишларидан бири бўлган асосий қисмида кўп қўлланади. Чунки бу қисмида фикр кенг, атрофлича баён қилинишидан ташқари, яна фикрнинг тўғрилиги, аниқлиги ишбот этилади.

Масалан: *Тажрибанинг кўрсатишича, чувалчанглар тупроқнинг устки қавати билан остки қаватини аралаштира бориб, ундаги чиринди ва бошқа органик бирикмаларнинг минералланиши (ўсимлик ўзлаштирадиган ҳолга келиши)ни муттасил равишда мувофиқлаштиради* (Муҳаммадиев М. Умуртқасиз хайвонлар зоологияси. Т., 1974. 163-б.).

Айтилаётган фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифодаловчи кириш бирликларда қуйидаги ҳолат кузатилади:

1. Бир гап, хатбоши, мураккаб синтактик бутунлик таркибида айтилган кейинги фикр олдинги фикр билан муносабатда бўлади. Бунда кўпинча кейинги кириш бирликли гап олдинги фикр хулосаси, якуни сифатида қўлланади. Бу вазифада бадий услубда; *бундан чиқди, хулласи калом, бинобарин, қарабсизки* кабилар келса, илмий услубда бу вазифада кўпроқ *демак, шундай экан, шундай қилиб* кабилар иштирок этади. Масалан:

Шундай қилиб, эркин бирикмани ташкил қилган компонентлар ўз маъноларини сақлайди, тургун бирикмада иштирок қилган сўзлар (фразеологияни ташкил қилган сўзлар) бутунича ўз маъносидан кўчган ёки компонентларнинг бири ўз маъносини ўзгартириб юборган бўлади (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.:Фан, 1976. 24-б.).

2. Бир хатбоши, мураккаб синтактик бутунликда айтилган фикр олдинги хатбоши, мураккаб синтактик бутунликда айтилган фикр билан муносабатга киришиб, унинг хулосаси, якунини ифода қилади. Бу вақтда *демак, кўринадики, кўриб ўтдикки, умуман олганда, хуллас* каби кириш бирликлар келади. Бу ҳол илмий нутқ учун характерлидир. *Умуман олганда, -ала аффикси сонларга бевосита қўшилади* (Ўзбек тили грамматикаси. I том. Т.:Фан, 1976. 24-б.).

Тасвирдан кўринадики, *-лар* ҳурмат шакли I, II шахсларда эгалик аффиксидан олдин жойлашади. (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.: Фан, 1976, 168-б.).

Айтилаётган фикрнинг тартибини ифода қилувчи кириш бирликлар вазифасида *биринчидан, иккинчидан, аввало, ниҳоят, охири, дастлаб* кабилар келади, булардан *ниҳоят, дастлаб, аввало, охири* кабилар бадий услубда кўпроқ учрайди.

Биринчидан, иккинчидан каби кириш бирликлари илмий нутқ учун характерлидир. Булар ёрдами билан илмий хулосалар, исботлар, уларнинг асослари ифода қилинади;

Демак, ажратилган бўлақлар ўзига хос хусусиятлари билан бир томондан, оддий гап бўлақларидан фарқланса, иккинчи томондан, улар тўлиқсиз ёки эргаш гаплардан ажралиб туради (Ўзбек тили грамматикаси, II том, Т.: Фан, 1976, 206-б.).

Баъзан илмий услубда, расмий услубда фикрнинг тартибини билдирувчи киришлар математик сонлар, ҳарфлар билан ифодаланadi. Бу ҳолат функционал услубларнинг бошқа турларида деярли учрамайди. Илмий услубда бундай кириш бирликларининг қўлланилиши илмий услубни бошқа функционал турлардан фарқлайди:

Ажратилган бўлақ билан уюшиқ бўлақ ўртасидаги фарқ қуйидагича:

1. *Гапнинг ҳар қандай бўлақлари уюшиб кела олади, лекин ҳар қандай гап бўлағи ажратилиши мумкин эмас, фақат иккинчи даражали бўлақларгина ажратилиши мумкин.*

2. *Ажратилган бўлақ бирор иккинчи даражали бўлақнинг маъносини бўрттиради, шу билан бирга, унга қўшимча изоҳ беради, асосий мантиқий урғу ажратилган бўлақда бўлади. Бундай хусусият уюшиқ бўлақда йўқ.*

3. *Ажратилган бўлақнинг ўзига хос оҳанги бўладиги, у гап бўлақларидан пауза билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам ажратилган бўлақдан олдин ва кейин (изоҳ маъносидаги ажратилган аниқловчилардан ташқари) вергул ёки тире қўйилади* (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т., 1976. 210-б.).

Қуйидаги ўринларда ажратилган изоҳловчилар тире билан ажратилади:

а) *агар ажратилган изоҳловчи гап охирида келса;*

б) *агар ажратилган изоҳловчининг ўз ичида вергул ишлатилган бўлса;*

в) ажратилган изоҳловчи ва изоҳланмиш сўзни уюшиқ бўлаклардан фарқлаш учун;

г) агар ажратилган изоҳловчи бир неча бўлса, изоҳланмиш билан ажратилган бўлакларни фарқлаш учун;

д) агар ажратилган изоҳловчи изоҳланмишнинг маъноси-ни очиб берса (бу ҳолда ажратилган изоҳловчи билан изоҳланмиш ўртасида, яъни сўзини қўйиш мумкин бўлади) (Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т.: Фан, 1976, 252-б.).

Ифодаланаётган фикрнинг одатда юз берувчи воқеа-ходиса эканлигини ифодаловчи *одатда*, *одатга кўра* каби кириш бирликлар барча нутқ услублари учун бетарафлиги билан характерланади: *Одат бўйича аввал идорага кириб, кейин бошқа ерларга кетадилар.* - ган аффикси билан ясалган феъл шакли, одатда, ҳаракатни ҳолат тарзида ифодалайди. (Ўзбек тили грамматикаси. I том. Т.: Фан, 1976. 46-б.)

Одатда изоҳланмиш тўлдирувчи билан изоҳ тўлдирувчи бир хил шаклда бўлади (Ўзбек тили грамматикаси, II том, Т.: Фан, 1976. 256-б.).

Одатда, ундалма модал муносабатни ифодаловчи гаплар (хўп, салом, хайр, раҳмат ва бошқалар) дан сўнг келади (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 268-б.).

Кўринадики, сўзловчининг айтилаётган фикрга бўлган муносабатини ифода қилувчи кириш бирликлар илмий нутқдагига қараганда бадий адабиётда кўп қўлланади.

Айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини, унинг тартиби ва олдинги фикр билан алоқасини ифодаловчи кириш бирликлар илмий услуб учун хос. Бу ҳол бадий ва илмий услубларнинг экстралингвистик хусусиятлари билан боғлиқ. Бадий адабиётда персонажлар нутқида бўёқдор ҳис-ҳаяжон кучли бўлади. Шунга кўра, бадий услубда сўзловчининг айтилаётган фикрга бўлган муносабатини ифода қилувчи кириш бирликларга кўпроқ мурожаат қилинади, илмий асарларда эса бу тип кириш бирликлари кам қўлланади: бунда бўёқдор ҳис-ҳаяжон кучли бўлмайди.

Бу услубда кўпроқ бахслашишнинг ифода қилиниши фикрнинг кимга қарашли эканлигини, унинг тартибини ифода

қилувчи киришларнинг, кузатиш, тажриба хулосасининг ифодаланиши эса фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифода қилувчи кириш бирликларнинг кўпроқ қўлланишини тақозо қилади. Булар ичида *ниҳоят, демак, шундай қилиб* кабилар қўлланиш частотасининг кўплиги билан ажралиб туради.

Кириш бирликларнинг гапда ўринлашиш тартиби гап бўлакларининг ўринлашиш тартибидан фарқ қилади. Гап бўлаклари муайян тартибга асосан ўринлашади, кириш бирликларнинг эса гапда қатъий ўрни йўқ. Улар гап бошида ҳам, гап охирида ва гап орасида ҳам келади.

Демак, ажратилган бўлаklar ўзига хос хусусиятлари билан бир томондан, оддий гап бўлаklarидан фарқланса, иккинчи томондан, улар тўлиқсиз ёки эргаш гаплардан ажралиб туради (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 206-б.).

Кириш бирликлар гап составида келиб, унга қарашли бўлганидек, унинг бўлаklarига ҳам тегишли бўлади. Масалан:

1. Эгага тегишли: *Одатда, ундалма модал муносабатни ифодаловчи гаплар (хўп, салом, хайр, раҳмат, ҳорманг, кечирасиз ва бошқалар) дан сўнг келади* (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 268-б.).

2. Кесимга тегишли: *Шу сабабли боғловчисиз қўшма гаплар орқали ифодаланган мазмун муносабатлари кўрсатиб ўтилганлар билан, албатта, чегараланмайди* (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 319-б.).

3. Тўлдирувчига тегишли. *Хуллас, лирикада ҳис-ҳаяжонли ва рационал моментлар тугал бирликни ташкил этадики, бу лирик характернинг рўёбга чиқишига асосий гаровдир.* (Адабиёт назарияси, I том, 252 -б.).

4. Аниқловчига тегишли: *Кўринадики, биринчи қисмнинг мазмуни, албатта, иккинчи қисмнинг бўлишни талаб этади* (Ўзбек тили грамматикаси, II том, Т.: Фан, 1976, 320-б.).

5. Ҳолга тегишли: *Бинобарин, муайян тарихий шароитда, ҳаётнинг маълум босқичига прогрессив саналган традиция бошқа бир даврда янги шароитда ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади* (Адабиёт назарияси. I том, 27-б.).

Илмий услубда баъзан кириш бирлик киритмалар таркибида келади. Бунда кириш бирлик киритма орқали берилган изоҳга янада аниқлик киритади. Масалан:

Бунинг маъноси шуки, ҳар бир компонент фақат белгили сўзлар билангина бирикмай, балки бошқа турдаги (маълум сўз туркуми доирасида, албатта) сўзлар билан бирикиб келаверади (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 24-б.).

Ўзлик даража шаклидаги феълларда тўғри объектни бошқариш хусусияти йўқ (тил тарихида учраган айрим далиллар умумий қондани йўққа чиқаролмайди, албатта) (Ўзбек тили грамматикаси. II том, Т.: Фан, 1976. 81-б.).

Кириш бирликлар гапда бирдан ортиқ қўлланиши мумкин. Масалан: *Демак, буржуа олимнинг фикрича, инсон табиятда, жамиятда бор нарсанинг ички моҳиятини билишга қодир эмас.* (Адабиёт назарияси. I том, 9-б.).

Хуллас, кириш бирликлар услубнинг барча кўринишларида қўлланиб, улар маълум нутқ услубига хосланганлиги билан фарқланади. Гумон (*афтидан, эҳтимол, чоғи, шекилли, балки*), орзу-умид, истак (*ишқилиб, қани энди, кошкийди, яхшиямки, ҳайрият*), таажжуб (*нима бало, наҳотки, тавба*), ўхшатиш (*мисоли*) тахмин (*чамамда*) каби кириш бирликлар илмий, расмий услубда қўлланмайди. Илмий, расмий услубнинг экстралингвистик белгилари бу тип киришларнинг илмий, расмий матнларда қўлланишини чегаралайди. Илмий услуб учун кўпроқ айтилаётган фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифодаловчи (*демак, умуман олганда, шундай экан*), айтилаётган фикрнинг тартибини (*биринчидан, иккинчидан, аввало*), айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини (*бизнингча, бизнинг фикримизча, маълум бўлишича, ... нинг қайд қилишича, ...нинг фикрича, ...нинг фикрига кўра*) ифодаловчи кириш бирликлар хосдир.

Кўринадики, илмий услуб учун содда гапнинг мураккаблашуви бошқа услубларга нисбатан кўпроқ хос бўлиб, у мураккаблаштирувчи воситаларнинг тип ва кўринишларига кўра ҳам ажралиб туради.

ХУЛОСА

1. Маълумки, илмий услуб нутқнинг функционал услублари сирасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу услуб коммуникатив-информатив вазифа бажаради. Илмий адабиёт далилларга бойлиги, илмий ахборот эса мантиқийлиги ҳамда аниқ ва изчил шаклда берилиши билан характерланади. Муайян қоидалар, тахминларни исботлаш, уларни далиллаш, илмий муаммоларни аниқ ва изчил баён этиш ҳар қандай илмий асарнинг вазифасидир. Шу сабабли илмий услуб ўзаро мантиқий боғлиқликдаги фикрлар занжиридан иборат бўлади. Функционал услублар доирасида илмий услубда услубий хусусиятларнинг кенг миқёсли имкониятлари мавжуд бўлиб, булар мантиқийлик, объективлик, қисқалик, лўндалик, ҳиссиётнинг йўқлиги, баён этишнинг «хаммага ҳам тушунарли бўлавермаслиги» кабилардир. Шунингдек, мавҳумлик ва умумлаштириш бошқа функционал услублар учун хос эмас, у илмий нутқнинг ўзига хос белгисидир.

2. Илмий услубда исбот ва хулоса, муайян материал ва уни умумлаштириш, сабаб ва натижа муносабатлари ўзаро боғлиқ ҳолда ифода қилинади. Илмий услубнинг мураккаблиги, кузатиш, эксперимент туфайли эришилган хулосаларни шарҳлашда мантиқий муносабатларни ифода қилувчи турлича синтактик воситаларга кенг мурожаат қилинишининг асосий сабаби ҳам мана шундадир.

3. Гап мазмуний қурилишида ҳаракат субъекти (агенси) бажарувчининг қатнашмаслиги илмий услуб синтактик хусусиятига хос алоҳида ҳолдир. Илмий услубда қўлланувчи гаплар нафақат семантик жиҳатдан, балки синтактик жиҳатдан ҳам «эгасиз». Баъзан илмий матнларда эгаси биринчи шахс кўпликдаги кишилик олмошини билдирувчи сўз (*биз*) орқали ифодаланган гаплар учрайди. Лекин эга мавқеидаги бу сўз (*биз*), гарчанд сўзловчининг кўплигини билдирса-да, аслида у бир неча ноаниқ сўзловчиларни ўзида мужассамлаштирган яқка шахсга ишорадир. Шу боис, эгали тарздами, эгасиз тарздами, илмий услубга хос гапларда эса иш-ҳаракат бажарувчисини умумлаштирган тарзда гавдалантиради. Шуниси ҳам борки,

илмий услубнинг тингловчиси - ёзма матн билан танишаётган киши биз олмоши орқали ифодаланган эганинг «сояси»да фақат аниқ шахс ёки шахсларни муаллиф ёки муаллифлар гуруҳини тушунади. Бу шахс(лар)нинг кимлиги илмий услубнинг сўзловчи сифатида нутқий жараён бошланмасданок, расмий маълум қилинган бўлади.

4. Баён этишнинг аниқ-равшанлигини таъминлашда матнни хатбошиларга ажратиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу маънода муаллиф санъати, маҳорати қанчалик юқори бўлса, бундай матн ўқувчи нуқтаи назарида ҳам шунчалик тушунарли бўлади. Шунинг учун ҳам хатбоши бир умумий мавзу атрофида бирлашувчи, бирин-кетин баён қилинувчи, ўзаро изчил боғлиқликдаги фикрлар тизмасидир. Хатбоши илмий услуб синтаксисининг асосий информатив бирлигидир. Ўз ўрнида хатбошини суперфразали синтактик бутунликдан фарқлаш зарур. Улар матн таркибига кирувчи ҳар хил синтактик бирликлар ҳисобланади. Илмий услуб экспрессивликдан ҳоли бўлмаган лисоний-коммуникатив фаслиятдир. Экспрессивлик илмий услубнинг услубий қирраларидан саналади. Кишилиқ тафаккури тили ва нутқнинг илмий услуби учун хизмат қилувчи субъектив экспрессивлик ҳам борки, ўзбек илмий услуби синтаксиси ҳам бундан мустасно эмас.

5. Илмий ифодада мулоҳаза ва исбот мавқели ўринда бўлади. Ифода мақсадига кўра услубнинг бу кўриниши дарак гаплардан ташкил топиши билан характерланади. Шунингдек, баъзан ўқувчининг диққатини у ёки бу масалага тортиш воситаси сифатида сўроқ гаплардан, турли топшириқларни беришда, амалларни исботлашда буйруқ гаплардан ҳам фойдаланилади. Илмий услуб мулоҳаза, исбот ва хулосадан иборат бир бутун қурилма бўлганлиги учун, ифода-баённинг тўлиқ бўлиши шарт. Шунинг учун зарур бўлаклари мужассамлашган дарак, сўроқ, буйруқ гаплар фаол ишлатилади.

6. Илмий ифода учун мантиқий изчилликни таъминловчи сўзларнинг маълум бир тартибига ҳам амал қилинади. Шунингдек, фикрни аниқ, изчил ифода қилиш талабига кўра, баъзан гап бўлаклари тартиби ўзгариб туради. Тилда маълум бир ходисанинг амали унинг умумий қоидаларидан ташқарида

бўлмаганидек, гапда одатдаги тартибнинг ўзгариши ҳам тасодифий ҳодиса эмас. Лекин гап бўлаклари ўрнини нутқнинг бошқа услубларида истаган тарзда ўзгартириш мумкин бўлса-да, илмий нутқда бундай эркинлик бўлмайди. Ўрин алмаштиришнинг тилнинг қонун-қоидаларига зид ҳар қандай кўриниши фикрий-лисоний ғализлик, услубий хатоликларга олиб келади. Турли мантикий муносабатларни тўғри ифода қилиш сўзларнинг лисоний муносиб тартибига боғлиқ бўлади, чунки сўзларнинг лисоний қоидалар тақозо этган тартиби фақат шаклий-синтагматик характер касб этибгина қолмай, балки муҳим услубий омил, услубий имконият вазифасини ҳам ўтайди.

7. Илмий матнлар зарур бўлаклари ифодаланмаган — тўлиқсиз гаплардан ҳоли бўлади. Акс ҳолда, илмий ахборотнинг тушунарли бўлишига путур етади.

8. Барча услуб кўринишларида бўлгани каби, илмий услуб учун ҳам тасдиқ ва инкор гаплар хос. Илмий услубга хос инкор гаплар шаклий-грамматик, лексик-грамматик воситаларнинг қўлланишида ўзига хос белгиларга эга. Далилларнинг кўрсатишича, илмий услубда қўлланган инкор гапларда шаклий-грамматик восита *-ма* билан, лексик-грамматик восита *— эмас* нинг қўлланиш частотаси инкор ифодаловчи бошқа воситаларга қараганда фаолдир. Инкор барча тиллар учун муштарак мантикий категория бўлса-да, нутқнинг услубий фарқланишига қараб улар ҳам турлича бўлади.

9. Илмий услубда бир бош бўлакли гаплар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Бундай гаплар нутқнинг ҳар хил услубларида амал қилиши жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Илмий услубда бир бош бўлакли гаплар шу услубга хосланган бўлади. Чунки илмий услубда шахснинг умумлашганлиги маъноси кучли бўлади. Шахси аниқ, номинатив, инфинитив каби бир бош бўлакли гаплар илмий услуб учун хосланмайди. Инфинитив ва номинатив гаплар ҳам илмий услубда чекланган ҳолда ишлатилади. Илмий асар сарлавҳалари асосан ана шундай гаплар орқали ифодаланади. Айниқса, таълим мақсадини кўзда тутган дарслик, ўқув қўлланмалари, хусусан, дастурларнинг матнида бундай гаплар фаол қўлланади.

10. Илмий услубда гап бўлаklarининг ифодаланиши ҳам

муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, гапнинг мантиқий тўғри, грамматик меъёра, услубий мезонда тўғри қурилиши кесим ва унинг ифодаланишига боғлиқ бўлади. Илмий матн ва унинг асосий бирлиги саналувчи алоҳида гапларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари кесим орқали рўёбга чиқади. Нутқнинг бошқа услубларидан фарқ қилгани ҳолда, илмий матнда кесим гапни грамматик жиҳатдан шакллантириши, гап семантик жабҳасидаги иш-ҳаракат, ҳолат каби маъноларни рўёбга чиқаришдан ташқари, улар айна ўринда иш-ҳаракат, ҳолат субъектини ҳам ўзининг семантик қамровига тортган бўлади. Шу боис, илмий услубга хос матнларда иш-ҳаракат бажарувчиси мавҳум бўлиб, умумга қаратилади. Баъзи ўринларда *биз* олмоши орқали ифодаланган эга функционал-коммуникатив жиҳатдан шахснинг битталигини, сўзловчининг яққалигини билдирса-да, унинг маъно қамровида фаннинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи бир қанча шахслар ва уларнинг интеллектуал фаолияти сингишган бўлади. Шу боис, камдан кам ўринларида эга мавқеида қўлланувчи *биз* олмоши ҳам нутқнинг бошқа услубларига хос матнларда қўлланган *биз* олмошидан мантиқий-грамматик ва коммуникатив-прагматик жиҳатларига кўра (қисқаси, кенг маънодаги вазифасига кўра) фарқ қилади. Демак, илмий услубга хос *биз* ва уларнинг лисоний-услубий хусусиятлари ўзига хос алоҳидалиқни касб этган бўлади.

11. Илмий услуб синтаксисида мураккаблашган содда гаплар ҳам ўзига хос услубий хусусиятларга эгадир. Гап таркибини коммуникатив-прагматик жиҳатдан мураккаблаштирувчи ундалма, кириш ва киритмалар гапнинг услубий жабҳаси учун ҳам тегишли ҳиссага эга бўлган услубий воситалардир. Ундалмали гапларнинг ёзма илмий услуб матнларида ишлатилмаслиги, айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодаловчи кириш бирликларга хос. Уларнинг оғзаки илмий услубдагина ишлатилиши (бунда сўзловчи ва тингловчиларнинг бир нутқ актини ташкил этиши назарда тутилади); кириш ва киритмалар орқали гап таркибида модал ва изоҳлаш-шарҳлаш муносабатларининг ифодаланиши, уларнинг илмий услубнинг алоҳида ўзига хос услубий имкониятлари эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов Х., Ҳолиёров Х. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т.: Ўқитувчи, 1979.
2. Абдурахмонов Ғ. Мураккаб гап синтаксиси. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976. II том.
3. Бегматов Э. Сўзлашув нутқ ва меъёр. Ўзбек тили сўзлашув нутқ синтаксиси масалалари. Самарқанд: НС. 1973.
4. Бегматов Э. ва бошқалар. Ўзбек нутқ маданияти очерк-лари. Т., 1999.
5. Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гап. Т.: Фан, 1978.
6. Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. Т.: Фан, 1969.
7. Жўраев Т.Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари: Филол.фанлари номз. дисс.... автореф. Самарқанд, 1994.
8. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол. фан. докт. дисс.... автореф. Самарқанд. 1993.
9. Кўчимов Ш. Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. дисс.... автореф. Т., 1995.
10. Лариохина Н.М. Илмий нутқ услубий синтаксиси масалалари. Т., М., 1979.
11. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1989.
12. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тили содда гапларида семантик-синтактик асимметрия. Т.: Ўқитувчи, 1984.
13. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Т.: Фан, 1984.
14. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Т.: Ўқитувчи, 1974.
15. Расулов И. Содда гап синтаксиси. Т.: Матбуот, 1980.
16. Содикова М. Фейл стилистикаси. Т.: Фан, 1975.
17. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х. Нутқ мадания-

ти ва услубияти асослари. Т., 1994.

18. Убаева Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси. Т., Фан, 1971.

19. Шомақсудов А. Илмий стил ҳақида. Ўзбек тилшунослиги масалалари: Тошкент давлат университети тўплами. Т.: 1973.

20. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. I-II қисм. Т., 1974.

21. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983.

22. Ўзбек тили грамматикаси. Т.: Фан, 1976. II том.

23. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. Т.: 1979.

24. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси. Т.: 1982.

25. Ўринбоева Д.Б. Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар): Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. Самарқанд: 1994.

26. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. Т.: Фан, 1991.

27. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Т.: 1992.

28. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо шаклларининг семантик ва услубий хусусиятлари. Т.: 1980.

29. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. Самарқанд: 1975.

30. Қўчқортоев И.К. Бадиий нутқ услубияти. – Т.: 1975.

31. Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз тартиби // Шарқ юлдузи 1946, №4-5.

32. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1968, 2-сон.

33. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т.: Ўқитувчи, 1987.

34. Ҳазратқулов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида диалогик нутқ: Филол. фанлари номзоди, дисс.... автореф. Самарқанд, 1966.

35. Ҳақимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик

ва прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди, дисс.... автореф. Т., 1993.

36. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов.энциклопедия, 1968.

37. Балли Ш. Французская стилистика. Иностранная литература. М., 1961.

38. Баскаков Н.А. Простое предложение в каракалпакском языке. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть III. М.: Акад.наук СССР, 1961.

39. Баскаков Н.А. О некоторых типологических изменениях в синтаксисе современных литературных языков//Тюркологический сборник. М.: Наука, 1966, -

40. Бересков С.Д. Что такое научный функционально-речевой стиль? // Журн. Иностранный язык в школе. 1961, № 6.

41. Богданова В.А. Именное сказуемое в художественном и научном стиле. Вопросы стилистики. Саратов, 1965, вып. 2.

42. Богданова В.А. Об одном виде сказуемого в научном стиле. Вопросы стилистики. Саратов, 1969, вып. 3

43. Боровков А. Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермухамедов Т. Ўзбек тили дарслиги. Синтаксис. Т.: Ўқитувчи, 1966.

44. Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. М.: Высшая школа, 1967.

45. Будагов Р.А. Человек и его язык. М.: Московский университет. 1974.

46. Будагов Р.А. Язык, история и современность. М.: Московский университет, 1971.

47. Булаховский Л.А. Русский литературный язык в первой половине XIX века. Киев: Киевского университета, 1957.

48. Бухтиярова Н.С. Абзац в научном и художественном тексте // Особенности языка научной литературы. М. 1965.

49. Бухтиярова Н.С. Об изучении стиля в научном освещении. М., 1956.

50. Ваверкова Релена. Вводящие конструкции в научном стиле русского литературного языка. Воронеж: 1982.

51. Васильев В.А. О влиянии композиционно-смысловой

организации научного текста на его языковые стилистические характеристики. Стил научной речи. М.: Наука, 1978.

52. Верли М. Общее литературоведение. М.: Иностранная литература, 1957.

53. Виноградов В.В. Некоторые задачи изучения синтаксиса простого предложения // Вопросы языкознания. М., 1954, - № 1.

54. Виноградов В.В. Современный русский язык. М.: Учпедгиз, 1938.

55. Микролингвистика // Филологические науки. 1962.

56. Галкина-Федорук Е.Ф. Об экспрессивности и эмоциональности в языке. О статье по языкознанию. М., 1958.

57. Головин Б.Н. Язык и статистика. М.: Просвещение. 1971.

58. Дешериев Ю.Д. Закономерности развития и взаимодействий языков в советском обществе. М.: Наука. 1966.

59. Джакубов И. Статистика и функциональные стили языка. Рига: 1977.

60. Джакубов И. Основы синтаксиса простого предложения современного киргизского литературного языка: Дисс. ... канд. филол. наук. Фрунзе, 1962.

61. Доллежел Р. Вероятностный подход к теории художественного стиля // Вопросы языкознания. М. - № 2.

62. Дубовин О.К. Некоторые структурно-семантические и стилистические особенности английских научно-технических текстов. Автореф. канд. филол. наук. М. 1978.

63. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. М.: МГУ, 1963.

64. Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. Казань: 1963.

65. Зиндер Л. Р., Строева Т.В. К вопросу о применении статистики в языкознании // Вопросы языкознания. М. 1968, № 6.

66. Золотова Г.А. О характере нормы в синтаксисе. В кн. Синтаксис и норма. М.: Наука, 1974.

67. Золотова Г.А. Очерк функциональной стилистики русского языка. М.: Наука, 1973.

68. Золотова Г.А. Развитие некоторых типов именных двусоставных предложений в современном русском языке // Развитие грамматики и лексики в современном русском языке. М.: 1964.

69. Золотова Г.А. Синтаксис и стилистика. М.: Наука, 1976.

70. Ивановская Л.П. Обобщенно личные предложения в научном стиле речи // Русский язык Особенности стиля в научной речи. Л., 1971.

71. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть III. Синтаксис. М., 1961.

72. Калмыкова Е.И. О динамике метафоры в научном стиле. // Филологические науки. 1974, № 2.

73. Кауфман С.И. Некоторые особенности стиля американской технической литературы: Автореф. канд. филол. наук. М., 1960.

74. Кауфман С.И. Об именованном характере технического стиля // Вопросы языкознания. 1961. №3.

75. Кленина А.В. Связное высказывание в научной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1975.

76. Коваль А.П. Структура научного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1970.

77. Кожина М.И. О понимании научного стиля и его эволюция в период технического прогресса // Научно-техническая революция и функционирование языков мира. М.: Наука, 1977.

78. Кожина Н.О. О проблематике изучения научной речи в период научно-технического прогресса // XX научно-методической конференции. М., 1975.

79. Кожина Н.О. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. Пермь: 1972.

80. Кожина М.Н. О специфике художественной научной речи в аспекте функциональном стиле. Пермь: 1968.

81. Кожина М.А. Проблемы специфики и системности функциональных стилей речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М.: 1970.

82. Колшанский Г.В. Функции паралингвистических

средств в языковой коммуникации // Вопросы языкознания. 1973. № 1.

83. Кондратенко И.А. Лексико-семантические и морфолого-синтаксические свойства прилагательных в научном стиле: Автореф. дисс. ... филол. наук. М., 1979.

84. Конева В.П. Функционирование структурной схемы простого предложения всеминимальной реализации в различных синтаксических условиях: Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ленинград, 1978.

85. Коненко В.И. Синонимика синтаксических конструкций в современном русском языке. Киев: 1970.

86. Коненко В.И. Синонимика синтаксических конструкций в современном русском языке. Киев, 1975.

87. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. -Л.: 1960.

88. Крылова О.А. Основы функциональной стилистики. М.: 1979.

89. Кульчав М.Т. Основные стилевые черты и синтаксические средства их реализации в современной немецкой научно-технической речи: Дисс. канд. филол. наук. М., 1964.

90. Курбатов Х. Вопросы синтаксиса и стилистики татарского языка. Казань: Тат. книж. изд. 1956.

91. Лашева О.А. Внутрестилевая эволюция современной русской научной прозы // Развитие функциональных стилей современного русского языка. М., 1968.

92. Лаптева О.А. Способы выражения авторского «я» в научной речи. Тезисы докладов и сообщений XX научно-методической конференции. 30 июня-2 июля. М., 1975.

93. Лариохина Н.М. Вопросы синтаксиса научного стиля речи. М.: Русский язык, 1979.

94. Лимаренко О.Н. Синтаксические средства связи предложений внутри абзаца. 1959, Вып.4.

95. Лескис Г.А. О дифференциации стилей и о функции языка в художественном тексте. М., 1969.

96. Лескис Г.А. О некоторых различиях простого предложения в научной и художественной прозе. Гянш. 1963.

97. Лосева Л.М. К изучению межфразовой связи. (абзац и сложное синтаксическое целое) // Русский язык в школе. 1967. №1.

98. Малцев В.А. Экспрессивность и значение слова // Тезисы докладов Минского государственного института иностранных языков. 15 научная сессия. Минск., 1963.

99. Макарова М.М. Средства связи самостоятельных предложений в научно-технической речи современного немецкого языка: дисс.... канд. филол. наук. М., 1970.

100. Максимов Л. О грамматической синонимии в русском языке. // Русский язык в национальной школе. 1966.-№ 4.

101. Мальчевская О.Н. Научный текст как объект исследования при разработке проблемы теории речевой коммуникации // Чтение, перевод, научная речь. Л.: Наука, 1977.

102. Мальчевская Т.Н. Специфика научных текстов и принципы их классификации. М.: Учпедгиз, 1976.

103. Марков А.А. Об одном применении статистического метода. АН. 1916, серия 6, № 4.

104. Матвеева Н.А. Некоторые количественные характеристики структурной сложности целого текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1978.

105. Матеиус. Язык и стиль. М.: Наука, 1967.

106. Мельничук А.С. Порядок слов и синтагматические члены предложения в славянских языках. Киев, 1968.

107. Милованова Н.Я. О некоторых синтаксических и лексических средствах выражения экспрессии в стиле научной прозы // Исследования по стилистике. Вып. 4., Пермь, 1974.

108. Милованова Н.Я. Экспрессивность в стиле научной прозы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Баку, 1982.

109. Миронова В.Ю. Лингвистическая характеристика речевого жанра научно-технического реферата: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. М., 1975.

110. Мирская Е.З. Система научных коммуникаций, социологические проблемы науки. М., 1974.

111. Митрофанова О.Д. Язык научно-технической литературы. М., 1973.

112. Михайловская Н.Г. Функциональный стиль и категория вариантности // Науч. труд. МГ ПИИЯ. 1973.

113. Новицкая И.М. К синтаксису связного текста. Дисс. ... канд. филол. наук. Л., 1973.

114. Научное творчество. М., 1969.

115. Нечаева О.А. Функционально-смысловые типы речи. (Описание, повествование, рассуждение). Улан-Удэ, 1974.

116. Новикова Л.И. Эстетическое в структуре научной деятельности // Художественное и научное творчество. Л., 1972.

117. Одилов М.И. Научный стиль азербайджанского языка в XIX в. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Баку, 1980.

118. Ольшки Л. История научной литературы на новых языках. М.: ГТТН, 1934.

119. О размерах предложений русской научной и художественной прозы 60-х годов XIX в. // Вопросы языкознания. М., 1962, № 2.

120. Орлова А.С. Язык русских писателей. М., 1978.

121. Особенности языка научной литературы. М.: Наука, 1965.

122. Павлов И.П. Полное собрание сочинений. М.: Кн.3. 1951.

123. Парастаев А.Ф. Солнцев В.М., Щербак А.М., Круглов Ю.Т. О совершенствовании тематики кандидатских и докторских диссертаций по языкознанию // Вопросы языкознания. М., 1982, № 6.

124. Паташюте М.О. Лексико-синтаксические характеристики научного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1977.

125. Паухткин Г.И. Функциональные особенности речевой образности в научном стиле: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1973.

126. Пинхасов Я. Модал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Т., 1- сон, 1961.

127. Пешковский А.М. Вопросы методики родного языка, лингвистики и стилистики. М. -Л. 1930.

128. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М.: Учпедгиз, 1956.
129. Пospelов Н.С. Сложное синтаксическое целое и основные особенности его структуры // Доклады и сообщения Института русского языка. М.: АН СССР, 1948. Вып.2.
130. Пумпянский А.Л. Информационная роль порядка слов в научной литературе. М.: Наука, 1974.
131. Развитие функциональных стилей в современном русском языке. М.: Наука, 1968.
132. Реформатский А. Введение в языкознание. М., 1967.
133. Розенталь Д.З. Практическая стилистика русского языка. М., 1974.
134. Розинкина Н.М. О преломлении эмоциональных явлений в стиле научной прозы // Особенности языка научной литературы. – М.: Наука, 1965.
135. Розинкина Н.М. Стилистика английской речи. М., 1972.
136. Руднев А.Г. Синтаксис осложненного предложения. М., 1959.
137. Русова Н.О. Опыт статистического анализа структуры предложения в научном стиле. Горький, 1975.
138. Самкова В.М. Двусоставные предложения с составным именным сказуемым. Особенности стиля научной речи. Л., 1971.
139. Свотина М.Г. Связи абзацами в языковой практике Н.А. Добролюбова. Вопросы русского языкознания. Саратов, 1961.
140. Семантико-стилистические функции языковых единиц. Сборник статей. Свердловск, 1974.
141. Семенюк Н.Н. Функциональная стилистика дифференциации литературного языка как один из видов социолингвистического варьирования (синхрония и диахрония) // Всесоюзная научная конференция. М., 1976.
142. Сенкевич М.П. Литературное редактирование научных произведений. М., 1970.
143. Сенкевич М.П. Научные стили. М., 1967.

144. Сенкевич М.П. Стилистика научной речи и литературное редактирование научных произведений. М., 1976.

145. Сильман Т.И. Проблемы синтаксической стилистики. Л., 1967.

146. Сильман Т.И. Синтаксические связи между предложениями и их значение для структуры отдельного предложения и структуры абзаца // Филологические науки. М., 1965, -№ 2.

147. Симонова И.А. Особенности управления в научном стиле речи // Московский пединститут. Т.

148. Скибо Н. Некоторые особенности стилистико-синтаксической организации текста (контактность) // Материалы научной конференции. Ч.2. М., 1974.

149. Скибо Н. О средствах связи самостоятельных предложений в научной прозе. ИЯВШ вып.3. М., 1964.

150. Славгородская А.В. О диалогической форме научной речи // Школа по вопросам изучения научного стиля речи и методики преподавания иностранных языков. Материалы для участников шк. М., 1976.

151. Словарь иностранных слов. М., 1967.

152. Сметанина М.Н. Экспрессивность как средство выражения в английском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Л., 197.

153. Солганик Г.Я. Заметки о языке научно-технических журналов // Русская речь. 1967, № 5.

154. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика (сложное синтаксическое целое) // Высшая школа. М., 1973.

155. Солганик Г. Я. Язык и стиль передовой статьи. М., 1973.

156. Степанов А.В. О художественном и научном стилях речи // Вопросы языкознания. М., 1954, №4.

157. Петерина Т.С. Становление научного стиля английского языка: дисс... канд. филол. наук. М., 1973.

158. Пост Клара. Характеристика коммуникативных единиц со значением статичности в научном стиле: Автореф. дисс... канд. филол. наук. М., 1979.

159. Тугушева. Л.Ю. О порядке слов в тюркских языках.

Тюркологический сборник. М., 1966.

160. Турапова М. Порядок членов предложения в узбекских говорах: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Т., 1972.

161. Турмачева Н.А. К вопросу о природе сложного синтаксического целого абзаца. Рига, 1970.

162. Троянская Е.С. К общей концепции понимания функциональных стилей. Особенности стиля научного изложения. М., 1976.

163. Федосов В.А. О взаимосвязи между синонимией и синтаксической полисемией. Вопросы словосочетания и предложения в русском языке. В., 1968.

164. Фигуровский И. А. От синтаксиса отдельного предложения к синтаксису целого текста // Русский язык в школе. 1948, №3.

165. Фридман Л.Г. О взаимосвязи семантического, стилистического, синтаксического аспектов абзацев. Вопросы грамматики и стилистики немецкого языка. Ставрополь, 1972.

166. Химик В.В. Количественность в структуре простого предложения современного русского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. М., 1978.

167. Хованская Л.В. Грамматико-стилистическая характеристика предложений с подлежащим в современном немецком языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1977.

168. Черемичина Н.В. Пособие по стилю русского языка. М., 1975.

169. Черемичина Н.В. Строение синтагмы в русской художественной речи // Синтаксис и интонация. Л., 1969.

170. Шешукова Л.В. О порядке частей и словопорядке в изъяснительных союзных предложениях // Русский язык в школе. 1971, №2.

171. Щерба Л.В. Современный русский язык. М., 1957.

172. Эйнштейн А. Собрание научных трудов. Том 4. М., 1978.

173. Ярцева В.Н. Научно-техническая революция и развитие языка // Научно-техническая революция и функционирование языков мира. М.: Наука, 1977.

174. Ярцева В.Н. Научно-техническая революция и функционирование языков мира // Тезисы докладов. М., 1974.

175. Ярцева В.Н. Проблема развития стилиевых норм литературного языка // Сборник научных работ. МГПИИЯ, 1973, вып. 73.

176. Язык научной литературы. М.: Наука, 1975.

177. Язык научно-технической литературы. М.: МГУ, 1973.

Манбалар:

1. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т.: Фан, 1966.

2. Алимухамедова А. Антик адабиёт тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1969.

3. Бекжонов Р. Ядро физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975.

4. Бекжонов Р. Атом ядроси ва зарралар физикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995.

5. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили дарслиги. Т.: Ўқитувчи, 1962.

6. Муҳаммадиев А.М. Умурткасиз ҳайвонлар зоологияси. Т.: Ўқитувчи, 1976.

7. Мухтор А. Опа-сингиллар. Т., 1991.

8. Нуриддинов Э.Р. Энг янги тарих историографияси. Т.: Ўқитувчи, 1977.

9. Расулов А. Тупрокшунослик асослари ва дехқончилик. Т.: Ўқитувчи, 1980.

10. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тили. Т., 1957.

11. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Т.: Ўқитувчи, 1979.

12. Шайхзода М. Фурқат ва Муқимий тўплами. Т.: Фан, 1956.

13. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Т., 1977.

14. Ўзбек тили ва адабиёти журналлари.

15. Қобулов В. К. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Т.: Ўқитувчи, 1976.

16. Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Т., 1976.

17. Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнгуоров Р. Ўзбек тили морфем дугати. Т.: Ўқитувчи, 1977.

Сўз боши.....	3
Кириш.....	5

I боб. Илмий услубнинг умумий хусусиятлари

1.1.Илмий-техникавий тараққиёт шароитида ўзбек тили услубий хосланишининг кучайиши ва ўзбек тили илмий услубининг умумий хусусиятлари.....	9
1.2. Илмий услуб шохобчалари.....	22
1.3.Илмий услубда баённинг техник-услубий хусусиятлари.....	37
1.4.Илмий услубда экспрессивлик масаласи.....	41

II боб. Илмий услубда содда гапларнинг коммуникатив хусусиятлари

2.1.Илмий услубда гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари.....	48
2.2.Илмий услубда сўз тартиби.....	53
2.3.Илмий услубда тасдиқ ва инкор гапларнинг хусусиятлари.....	65

III боб. Илмий услубдаги гап қурилиш хусусиятларининг услубий хосланиши

3.1.Бир бош бўлакли гапларнинг илмий услубда воқеланиш хусусиятлари.....	72
3.2.Илмий услубда кесимнинг хусусиятлари.....	82
3.3.Мураккабланишган содда гапларнинг илмий услубга хосланиши.....	89
Хулоса.....	97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир *М.Содиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *О. Абдуллаев*

Нашриёт рақами: з-061. Босишга рухсат этилди 04.04.2008.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 7,25. Ҳисоб-нашриёт т. 6,0.
500 нусха. 26-буйуртма.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти: 100170. Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9.

ООО “GEO FAN POLIGRAF” босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: 700041. Тошкент, Н. Ҳожибаев кўчаси, 64.



ОҚҚУШ ҚЎШИҒИ

Фарғона вилоятининг Бешарик туманида 1956 йилда туғилган М.Мамадиева 1973-1977 йилларда Қўқон Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олди. 1977-1980 йилларда Фарғона Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аспиранти бўлди. У илмий тадқиқот ишини филология фанлари доктори, профессор Иномжон Расулов илмий раҳбарлигида бошлади. М.Мамадиеванинг меҳнат фаолияти 1981 йили Қўқон ДПИ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчилigidан бошланди. 1994 йилдан умрининг охиригача (2007й) кафедра катта ўқитувчиси лавозимида сидқидилдан хизмат килди. Талабаларга “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (синтаксис), “Ўзбек тили стилистикаси”, “Бадий матннинг лисоний таҳлили” курсларидан сабоқ берди. Таълим-тарбия жараёнини илмий изланишлар билан бирга қўшиб олиб борди. И.Расулов раҳбарлигида бошлаган илмий тадқиқот ишини филология фанлари доктори М.Курбонова илмий раҳбарлигида давом эттирди. Муаллиф илмий тадқиқот юзасидан 15 дан ортик илмий мақола ва тезисларини нашр эттирган.

Меҳнат фаолияти давомида илмий тадқиқот иши билан бирга илмий - услубий ишларни ҳам амалга оширди. Муаллиф “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (М.Бошмонов, Ш.Акрамов билан ҳамкорликда), “Бадий матннинг лисоний таҳлили” (Ш.Акрамов билан ҳамкорликда) номли ўқув қўлланмалари ва 10 дан ортик мақолалар яратди.

М.Мамадиеванинг номзодлик диссертацияси тугалланган тадқиқот сифатида 2007 йили Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ва Андижон Давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факультети хузурида ташкил этилган илмий семинарларда муҳокама этилиб, химояга тавсия этилган эди. Афсуски бешафкат ўлим М.Мамадиевани орамиздан бевақт олиб кетди. Ушбу монография муаллифнинг оққуш қўшиғи бўлиб қолади. Унинг ёрқин хотираси калбларимизда мангу яшайди.

Оила аъзолари, устоз, ҳамкасб ва шогирдлари

ISBN 978-9943-09-546-5



9 789943 095465